

Иброҳим Аҳмадхонов

АУДИТОР ФИКРИ

Биринчи нашр

© 2024 Иброҳим Аҳмадхонов

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Иброҳим Аҳмадхонов мазкур китобда Auditor лойихасида 2023 йил мобайни эълон қилинган постларни жамлаган. Бундан кўзланган мақсад улардан фойдаланувчиларга қулайлик яратишдан иборат.

Муаллифнинг профессионал карьераси мамлакат молия сектори соҳасида ҳам олиб борди. Молия вазирлигида Ўзбекистонда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) қабул қилиш ва жорий этиш бўйича лойиҳаларга раҳбарлик қилган. Бу тажриба унга Ўзбекистонда ривожланаётган бухгалтерия ҳисоби ва солиқ тизими тақдим этаётган муаммолар ва имкониятларни чуқур англаб етиш имконини берди.

Унинг касбий ривожланишга интилиши турли малакаларга интилишида яққол намоён бўлади. У Сертификатланган бухгалтер практик (CAP), ACCA томонидан DiplFR ва IPSAS сертификатларига эга. У ўз билимини доимий равишда ўқув курслари ва профессионал ташкилотларда иштирок этиш орқали кенгайтириб боради ва ўз тажрибасини Ўзбекистоннинг динамик солиқ муҳитида қўллашга ҳаракат қилади.

Муаллифнинг мақсади Ўзбекистонда бухгалтерия, аудит ва солиқ солиш соҳаларидаги мутахассисларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиришга қўмаклашиш, тажриба алмашиш, ҳамда мамлакатда мазкур соҳалардаги ислохотларни мазмунини кенг жамоатчиликка тушунтириб беришдан иборат.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	6
-------------	---

I. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

1. Ҳисобчи ким?	7
2. Компаниялардаги фирибгарлик	8
3. Бевосита моддий сарфлар ва ўзгарувчан сарфлар	9
4. Бизнесга бир назар	10
5. Эскириш ҳисоблаш ҳақида	10
6. Молиявий йил	10
7. Ички назоратнинг аҳамияти	11
8. Курс фарқлари	12
9. Молиявий ҳисоботнинг миллий стандарти	16
10. Чораклик ҳисобот ўзи нима учун керак?	16
11. МҲХС асосидаги молиявий ҳисобот	18
12. МҲХСга мувофиқ ҳисоб сиёсати	19
13. МҲХСга оид китоблар борми?	19
14. Ўзгаришлар пайти келди	19
15. Нима учун автомобиллар қизил чироқда тўхтади?	20
16. Профессионал этика бу	20
17. Бухгалтернинг 7 кўникмаси	21
18. АВларни синовдан ўтказиш пайтида олинган маҳсулотлар	22
19. Бухгалтерларни келгусида нималар кутмоқда?	23
20. Иш ҳақини автоматлаштириш мумкинми?	24
21. МҲХС стандартига ўзгартириш киритилди	24
22. МҲХС ҳисоботининг қизиқ пункти	25
23. Аудиторнинг мустақиллиги	26
24. Россия ва Украина ўртасидаги муносабатлар	26
25. Хом ашё ва материалларнинг фарқи	27
26. Ер ҳақида қизиқ фактлар	28
27. WorldCom компанияси таназзули сабаби	28
28. Компаниядан манфаатдор томонлар	29
29. Янги МҲХС стандарти	31
30. Дивиденд тақсимлаш маданияти	31
31. Бухгалтерия ҳисоби нечта ўзи?	32
32. Фирибгарлик аломатлари	33
33. Бухгалтернинг иш ҳақида таъсир кўрсатувчи омиллар	33
34. Устав капиталига бадаллар ҳисоби	34
35. Ташкилотга таъсир кўрсатувчи омиллар	35
36. Қурилиш учун фоизларни капиталлаштириш	36
37. Ижара ва хизматнинг ўртасидаги фарқ нимада?	38
38. Катта тўртлик аудит ташкилотлари	39
39. Энг кўп хатолар яшириладиган счетлар	40

40. Савдо белгиси.....	40
41. Компаниялар катта ўзгаришга тайёрми?	41
42. Устав шаблон ҳужжат эмас.....	42
43. Оғирлик юкловчи шартнома нима?.....	44
44. TESLA нима иш кўрсатди?	44
45. Материалларни ташиш харажатлари.....	45

II. СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

1. Солиқларни режалаштириш	47
2. Тенглик, аниқлик, қулайлик ва иқтисод.....	48
3. Солиқларни режалаштиришда стратегик қадамлар.....	49
4. Узоқни кўра олиш.....	50
5. Қийматни орттириш.....	51
6. Музокара олиб бориш.....	52
7. Трансформация.....	53
8. Товарми ёки хизмат?	53
9. Лозим даражада эҳтиёткорлик.....	55
10. ЖШДС гибридми?.....	55
11. ҚҚС ҳақида.....	56
12. Солиқлар турлари	56
13. Солиқ рисклари.....	57
14. Харажатлар фойда солиғи мақсадларида чегириладими?.....	57
15. ҚҚСдан ноқонуний қочиш ҳолатларига йўл қўйманг.....	57
16. Акциз солиғи нима?	58
17. Акциз марка нима учун керак?	58
18. Автотранспорт воситаларини солиққа тортиш.....	59
19. Акциз солиғида нол ставка.....	60
20. Талабаларги солиқ имтиёзлари.....	61
21. Товарларни экспорт қилишда фойда солиғи	61
22. Мол-мулк солиғи нима?.....	62
23. Солиқ мақсадларида мол-мулк қиймати.....	63
24. Солиқ кодексидаги сирли бандлар.....	64
25. Фойда суммасидан ортиқча тақсимланган дивидендлар	64
26. Солиқ маслаҳатчилари учун 10 та қоида.....	65
27. Солиқ мажбурияти бўйича даъво муддати.....	66
28. «Откат» фойда солиғи мақсадларида чегириладими?.....	67
29. Тушум ҳақида фактлар.....	68
30. Реализация нархи ва бозор қиймати ўртасидаги фарқ.....	68
31. Хашаматли автомобил эскириши.....	69
32. Электрон хизматларни солиққа тортиш.....	70
33. Сотув акцияларини солиққа тортиш	71
34. Резидентлик статуси нима беради?.....	72
35. Фоизсиз олинган қарзнинг солиқ оқибати.....	73
36. Банклар захира фондларининг қайта тикланиши.....	73
37. Солиқ маслаҳати ва солиқ комплаенс хизматлари фарқи.....	74
38. Натура кўринишидаги даромад қандай баҳоланади?	74
39. Текинга олинган мулк хуқуқлар даромад ҳисобланадими?.....	75
40. Мол етказиб берувчиларга аванс.....	75
41. Норезидент жисмоний шахс учун имтиёз.....	76

42. Суғурта товони фойда солиғига тортиладими?	76
43. Номи акциз солиғи, шакли сув солиғи, моҳияти шакар солиғи	77
44. Бозорни ўрганиш бўйича хизмат учун ҚҚС.....	78
45. Таълим ва соғлиқни сақлашни ҚҚСга тортса бўладими?	79
46. Акциз солиғи бўйича ҳолат.....	79
47. Нотижорат ташкилот қандай солиқлар тўлайди?	80
48. Бозорлар ҳам солиқ тўлайдими?	81
49. Доимий муассаса ўзи «Муассаса»ми?	81
50. Бизнес режадан ортиқча сарфланган харажатлар	82

III. ИБРАТЛИ ҲИКОЯЛАР ВА ЛАТИФАЛАР

1. Узоқ муддатли актив нима?.....	83
2. Солиқларни оптималлаштириш.....	83
3. Қулупнай мавсуми қачон келаркин?.....	83
4. Солиқлар филларга ўхшайди?	84
5. Топқир йигит ва доно чўпон.....	84
6. Яқин қариндошлардан ҳабар олайлик	84
7. Бухгалтернинг навбатдаги интервьюга бориши	84
8. Солиқ аудити	85
9. Бухгалтерия этикаси	85
10. Бухгалтерларнинг турлари.....	85
11. Шогирднинг баҳоси.....	85
12. Luckin Coffee можароси.....	85
13. Молиявий ҳисобот	86
14. Солиқчи ва дерматологнинг фарқи.....	86
15. Аудитор ким?	86
16. Ҳисоботни топшириш санаси.....	87
17. Устознинг ўгити.....	87
18. Профессионал этика замирида ҳалоллик ётадими.....	87
19. Футбол бўйича жаҳон чемпионати.....	87
20. Аудиторнинг хикояси.....	88
21. Дарахт бир жойда кўкарадими?	88
22. Нима учун солиқ тўлаш керак?	88
23. Шоушенқдан қочиш	89
24. Айиқ билан чумоли	89
25. Ўрмон аудити	90
26. Янги директор.....	90
27. Мутахассис фикри	91
28. Уятчан бухгалтер.....	92
29. Ўрмондаги маслаҳатчи тулкилар.....	92
30. Босиб келган қадамларингизга ҳасан от.....	92
31. Бойўғли – сертификатланган ички аудитор.....	92
32. Зумрад ва Қиммат эртаги.....	93
33. Чорвачилиқда бошқарув.....	94
34. Йирик компанияга бош бухгалтер керак.....	94
35. Аудиторнинг «қулоқлик» қилиши тўғрими?	95
36. Бахшининг дарди.....	96
37. Денгиз сувини ичиб юбордим	96

КИРИШ

Азиз ўқувчи! Камина бухгалтерия, аудит, солиқ ва молия соҳаларидаги бир изланувчи, билганларини улашувчи ва билмаганларини сўраб ўрганувчи йўловчимиз. Бу йўлда ўрганган, амалга оширилган лойиҳаларимиз ва соҳадаги илғор тажрибалар тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш учун Auditor каналининг 2023 йил учун кичик мақолалари тўпламини Сизларга тақдим этишга қарор қилдик.

Мақсадли аудиториямиз бу амалиётчи бухгалтерлар, бошқарув ҳисобчилари, ички аудиторлар, ташқи аудиторлар ва солиқ маслаҳатчиларидан иборат. Шунингдек, мазкур каналдаги маълумотлар соҳадаги профессор ўқитувчилар ва талабаларга манфаатли бўлиши мумкин.


Асосий мақсадимиз жамиятга ўз билимимиз ва тажрибамиз билан наф келтириш ҳамда молиявий саводхонлик даражасини оширишдан иборат.

Қадриятларимиз

- **Ҳалоллик** – Биз жамият учун ҳалол, шаффоф хизмат қиламиз ва бошқаларни ҳам шунга ундаймиз. Қарорларимиз жамиятга узоқ муддат наф келтиришини доимо ҳисобга оламиз.
- **Ўзаро ҳурмат** – Биз бухгалтерларимиз, аудиторларимиз, солиқ маслаҳатчиларимиз муваффақиятини ўз ютуғимиз деб биламиз.
- **Доимий изланиш** – Биз яшаб турган дунё ва фаолият олиб бораётган соҳамиз доимий ўзгариб бормоқда. Ушбу ўзгаришларга жамиятдаги бир шахс ва соҳадаги профессионал сифатида тўғри ва ҳолис жавоб бера олишимиз зарур.

Бугунги кунда Auditor каналида 3000 дан ортиқ обуначилар ундаги мақолаларни қизиқиш билан ўқиб келмоқдалар. Мазкур канал орқали ечими қийин ёки айна вақтда ечилиши мураккаб бўлган масалалар юзасидан ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларимизни бериб бормоқдамиз.

Ушбу тўпلامда берилган мақолаларда хатоликларни аниқласангиз бизга албатта мурожаат қилинг. Бу кенг жамоатчилик учун жуда муҳим ҳисобланади. Анъанавий тарзда каналда йил бўйи эълон қилинадиган мақолаларни тўпلام ҳолатида Сизларга тақдим этиб борамиз.



I. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

1. Ҳисобчи ким?

Замонавий бизнес тилида ҳисобчи атамаси (инглиз тилида «accountant» деб аталади) ўзида бир канча соҳаларни ифодалайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси хусусий секторида ҳисобчи атамаси аслида ўз ичига бухгалтерлар (ёки молиявий ҳисобчилар), бошқарув ҳисобчилари, ички аудиторлар, ташқи аудиторлар ва солиқ маслаҳатчиларини ўз ичига олади. Молия директорлари (инглиз тилида «CFO» деб аталади) ҳам ҳисобчилар қаторига киритилиши мумкин. Чунки уларнинг функцияси бухгалтерлар ва бошқарув ҳисобчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ва компания жорий молиявий мақсадлари ҳамда муаммоларини ҳал этиш, шунингдек компания стратегик мақсадларини амалга оширишда компания директорига (инглиз тилида «CEO» деб аталади) ёрдамчи бўлишдан иборат.

Бухгалтер ким?

Бухгалтер – иқтисодий ҳодисаларни ёзиш, жамлаш, таснифлаш ҳамда олинган молиявий маълумотларни фойдланувчиларга тизимли ҳолда етказиш функциясини бажарадиган мутахассисдир. Иқтисодий ҳодиса компаниянинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатларига таъсир кўрсатадиган ҳодисадир. Шунинг учун, шартнома тузилишининг ўзи иқтисодий ҳодиса ҳисобланмайди ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди, бундан шартнома молиявий инструмент сифатида қаралиши мустасно. Ҳуллас, бухгалтернинг якуний маҳсулоти бу молиявий ҳисоботлардир.

Бошқарув ҳисобчилари ким?

Бошқарув ҳисобчиси – бухгалтерия маълумотлари ва бошқа ташқи маълумотларни ҳисобга олган ҳолда компаниянинг келгуси фаолиятни режалаштириш ва назорат қилиш ҳамда қарорлар қабул қилиш учун зарар ҳисоботларни тайёрлайдиган мутахассисдир. Бошқарув ҳисобчилари, шунингдек, маҳсулот таннархини ҳисоблаш функциясини ҳам амалга оширади. Бошқарув ҳисобчилари кўпинча компаниялар амалиётида иқтисодчилар деб аталади. Бошқарув ҳисобчиларининг якуний маҳсулоти келгуси йил бизнес плани (прогноз ҳисоботи) ва қарорлар қабул қилиш учун тузилган ҳар қандай ички ҳисоботлардан иборат.

- Сотиладиган ёки акцияларини листингга кўймоқчи бўлган компаниялар яхшироқ кўрсаткичларга эга бўлиш учун;
- Ижтимоий субсидияларни олишни истаган компаниялар ўз кўрсаткичларини ёмонроқ қилиб кўрсатиши;
- Мукофот ёки бонус олиш учун бошқарув органи ходимлари томонидан кўрсаткичларни ошириб кўрсатилиши;

Имконият: Ҳисобдаги фирибгарликни амалга оширилиши учун шароит борлигини англатади. Бундай ҳолатда фирибгарликни амалга оширишни ният қилмаган одамга ҳам фирибгарлик қилиш имкониятини яратади. Бундай ҳолат қуйидагилар натижасида келиб чиқиши мумкин:

- Компаниянинг ички назорат тизими яхши ишламаслиги;
- Аудитдан ўтказилмаслиги ёки сифатли хизмат кўрсатадиган аудиторлик ташкилоти танланмаслиги;
- Компаниянинг корпоратив бошқарув тузилмасида муаммолар мавжудлиги.

Асосланган баҳона: Бу фактор инсон психологияси билан боғлиқ бўлиб, ҳисобдаги фирибгарликни амалга ошириш учун ҳодим ўзида асосли сабаб бор деб қабул қилади. Бундай асосланган баҳоналарга қуйидагилар мисол бўлади:

- Кредитга муҳтож бўлган компания ишчиларни бўшатилиши ёки компания ёпилишини баҳона қилиши;
- Компания раҳбари унга компания ички қоидалари таъсир кўрсатмаслигини ҳис қилган ҳолда фирибгарликка йўл қўйиши мумкин;
- Ишчи ҳодим ўзига бериладиган ойлик маоши камлигини баҳона қилиб ҳисобдаги фирибгарликка йўл қўйиши мумкин;
- Ишчи ҳодим ўзидан юқоридаги раҳбариятдан ўрнатилган олиб фирибгарликка йўл қўйиши мумкин;

Бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбари ҳисобдаги фирибгарликни олдини олиш учун барча чораларни кўриши, хусусан, ҳисоб сиёсатини мукамал даражада ишлаб чиқиши, ўз ходимлари функцияларини тўғри тақсимлаши, ахборот ҳафсизлигини таъминланганлигини ўрганиши ва қонунчиликдаги ўзгаришлардан доимо ҳабардор бўлиши лозим.

3. Бевосита моддий сарфлар ва ўзгарувчан сарфлар

Электромобилларнинг бозордаги нарх тенденциясини таҳлил қилган McKinsey компанияси ўтган давр мобайнида уларнинг аккумуляторлари таннархи 2010 йилда ҳар кВт соатига 1000 доллардан 2016 йилга келиб ҳар кВт соатига 227 долларгача ёки 80 фоизга пасайганини маълум қилган. Электромобиллар аккумуляторлари таннархи тушуши давом этиши билан ишлаб чиқарувчининг сотиш нархи тушушини ва яқунда бундай электромобиллар кўпроқ сотилишини прогноз қилиш мумкин.

Бошқарув ҳисобига асосан электромобил ишлаб чиқарувчи компаниялар аккумуляторларни бевосита моддий сарфлар ва ўзгарувчан сарфлар сифатида қарайди.

Ҳар бир аккумулятор муайян электромобилнинг таркибий қисми ҳисоблангани учун бевосита моддий сарф сифатида қаралади.

Бир электромобилга аккумулятор сарфи ўзгармас, лекин электромобил ишлаб чиқарилиши сони ортиши билан жами аккумулятор сарфи ҳам ошиши сабабли ўзгарувчан сарф сифатида қаралади.

4. Бизнесга бир назар

Toll Brothers компанияси АҚШдаги уй қурувчи энг катта компаниялардан бири ҳисобланади. Компаниянинг йиллик тушуми 5.6 млрд доллардан ортиқ. Компаниянинг захиралари ўз ичига ерни харид қилиш сарфлари, ерга ишлов бериш сарфлари, уй қуриш сарфлари ва қурилишга оид устама сарфларни ўз ичига олади. Компания ўзининг захираларини USGAAP-га мувофиқ узоқ муддатли актив сифатида тан олади. Чунки бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун одатда ўн йиллаб вақт сарфлайди.

Toll Brothers компанияси ишлаб чиқаришнинг ўзига ҳос тури билан шуғуллансада, ўзининг маҳсулотларининг таннархини буюртмали усулда ҳисобга олади. Масалан, ҳар бир қуриладиган уй алоҳида буюртма сифатида ҳисобга олинади ва бу ҳисобда шу уй қурилишига тегишли бевосита моддий сарфлар (ғишт, бетон, ёғоч), бевосита меҳнат сарфлари (шартнома асосидаги қурувчилар, электриклар, пардозчилар) ҳамда устама сарфлари (қурилишни назорат қилувчи менежерлар, қурилишда ишлатиладиган ускуналар)ни ўз ичига олади.

5. Эскириш ҳисоблаш ҳақида

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш учун **3 та элемент** зарур:

1. Эскириш ҳисобланадиган қиймат
2. Фойдали хизмат муддати
3. Эскириш ҳисоблаш усули

Ерга нима учун эскириш ҳисобланмаслиги унинг фойдали хизмат муддати номаълум экани билан тушунтириш мумкин.

Лекин эскириш ҳисобланадиган қийматни ҳисоблашда, агар тугатиш қиймати бошланғич қийматдан катта бўлса, эскириш ҳисоблаш амалга оширилмайдими?

Ушбу ҳолатни амалдаги Солиқ кодекси нормаси билан ҳам солиштириб кўринг. Солиқ кодексида тугатиш қиймати назарда тутилганми?

6. Молиявий йил

Молиявий йил бу компания томонидан потенциал ва мавжуд инвесторлар ҳамда қарз берувчиларга ва давлат органларига тақдим этиш учун таёрланадиган молиявий ҳисоботнинг даври ҳисобланади. Амалдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ йиллик молиявий ҳисобот даври 1 январдан 31 декабрга қадар бўлган календар йилга тўғри келади.

Кўпгина мамлакатларда (масалан, АҚШ, Сингапур) молиявий йил компаниялар ўз ихтиёри билан бошқа давр белгиланиши мумкин. Масалан, кўпчилик компаниялар ўзларининг товар-моддий захиралари энг кам бўладиган даврда молиявий ҳисобот тайёрлаш осонроқ бўлишини ҳисобга олиб, молиявий йилни 1 августдан 31 июлга қадар этиб белгилайди.

Бошқарув ҳисоби мақсадларида ҳисобот тайёрлашда, компаниялар ойларни эмас, йил мобайнидаги 13 та тўрт ҳафталикни асос қилиб олишади. Бу ҳам аслида мантиқан тўғри ва ойлик ҳисоб-китобдан кўра аниқроқ. Масалан, феврал ойидаги оператив тушумлар ва харажатларни бошқа ойларни шундай кўрсаткичлари билан таққослаш бошқарув ҳисобчилари томонидан нотўғри қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

7. Ички назоратнинг аҳамияти

Компаниянинг ресурсларига хавфлар тўғрисида гап кетганда кўпчилик инсонлар ушбу ресурсларни омборлардан ўғирланиши ёки банк ҳисобрақамларига кибер хужумлар уюштирилишини тушунади. Албатта бу каби ташқи факторлар ҳам компания иқтисодий ресурсларига хавф солиши мумкин. Лекин, **энг катта хавф бу компания ўзининг ичида**. Бунга мисол сифатида ўз компаниянгиз дуч келган рисклар тўғрисида ва уларни бартараф этиш ёки таъсирини камайтириш тўғрисида ўйлаб кўринг.

Келинг, **Volkswagen AG** компаниясида 2015 йилда кенг жамоатчиликка маълум бўлган «Карбонат ангидрид эмиссияси» бўйича скандални таҳлил қилиб кўрамиз.

Volkswagen AG дунё бозорида табиатга кам зарар келтирувчи дизел ёқилғисида юрадиган автомобилларни ишлаб чиқарувчи йирик компаниялардан бири сифатида танилган.

Биласиз, ривожланган давлатларнинг жуда кўпчилиги атроф-мухит, табиатни асраш ва «яшил» маҳсулотлар чиқарилишига жуда катта эътибор қаратади. Шундай талаб АҚШнинг **Атроф-мухитни муҳофаза қилиш агентлиги** томонидан мамлакатда ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг карбонат ангидрид эмиссияси даражасига нисбатан ҳам белгиланган. Айнан ушбу **Агентлик АҚШда 2015 йил Volkswagen AG автомобилларида ўрнатилган карбонат ангидрид эмиссияси датчиклари маълумотларни атайлаб нотўғри чиқариши** тўғрисида даво билан чикди. Агентлик далилларига кўра биргина АҚШда **482 000** та автомобил ана шундай камчилик билан сотилган.

Компания дастлаб мазкур айбловни рад этди ва датчиклардаги хатолик йиллик ишлаб чиқариладиган автомашиналарнинг бор-йўғи 36 000 тасига таъсир кўрсатиши мумкинлигини хабар қилган.

Гап ўзи нима ҳақида кетмоқда?

Датчиклар қандай ишлаши ҳақида тўлиқ маълумотлар жуда мураккаб, лекин Агентлик двигателларда тезлик, двигателнинг ишлаши, ҳаво босими ва ҳатто рулнинг ҳолатини кузатиш орқали синов сценарийларини сезиши мумкин бўлган компьютер дастурлари борлигини айтган.

Автомобиллар назорат остида лаборатория шароитида ишлаганда, бу одатда уларни стационар синов қурилмасига ўрнатишни ўз ичига олади яъни қурилма автомобилни нормал кувват ва унумдорликдан пастроқ ишлайдиган хавфсизлик режимига ўтказган кўринади. Йўлда юрганда эса двигателлардаги ушбу тест режими автоматик ўчирилади. Натижада, двигателлар азот оксиди ифлослантирувчи моддаларини АҚШда рухсат этилганидан 40 баравар кўпроқ чиқарган.

Умумий молиявий ва маънавий зарар

Компания ҳам ўша йилда ички терговни амалга оширган. Бу орада компаниянинг Европа давлатларидаги бошқа компаниялари ҳам ушбу айблов юзасидан суд ишларига дучор бўлган.

Шундай қилиб, Компания Европада **8,5 миллион дона** автомобилни, жумладан, Германияда **2,4 миллион** ва Буюк Британияда **1,2 миллион**, АҚШда эса **500 минг** дона автомобилни биргина датчик можароси туфайли қайтариб олади. Ушбу харажатларни қоплаш учун **6,7 миллиард евро** ажратади. Натижада, компания 2015 йил октябр ойи охирида 15 йил давомида биринчи марта чораклик **2,5 миллиард евро** зарар кўради. Бундан ташқари, компания биргина АҚШ агентлигига **4.7 млрд АҚШ** доллари жарима тўлаган. Умумий ҳолатдан харидорларга ва регуляторга компания томонидан жами тўланган жарима ва тўловлар **25 млрд АҚШ долларини** ташкил этгани тахмин қилинган.

Бундан нима хулоса чиқариш керак?

Биргина молиявий ҳисоботлар ёки акциядорларга ёритиб бериладиган маълумотларни тартибга солиниши билан компаниялардаги рискларни бартараф этиб бўлмайди. Молиявий ҳисобот стандартлари харидорлар ёки жамоатчиликни эмас, кўпроқ акциядорлар ва мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади.

Шунинг учун, кичгина бир датчик бўйича хатолик бу молиявий ҳисоботнинг хатолиги эмас. Аксинча, компания маркетинг тизимидаги хато қарор қабул қилиниши натижасидаги фирибгарлик ҳисобланади. Лекин, унинг таъсири молиявий жиҳатдан ҳам маънавий жиҳатдан ҳам компанияга қимматга тушиши мумкинлигини хулоса қилиш мумкин.

Тафаккур қилайлик

Мазкур ҳолат компанияда бир кечадан бир ишчи томонидан содир этилгани йўқ. 2008 йилда компания ўзининг «тоза ёнилғи» дастурини эълон қилиб ҳамманинг олқишларига сазовор бўлганди ва сотувлар ўсишига эришганди. Орадан 10 йил ўтиб, жуда катта талофатга дучор бўлди.

Гапнинг «пўст» калласи

Гапнинг яқуни компаниядаги «**ички назорат**»га бориб тақалади. **Ички назоратнинг энг содда элементи бу бир томоннинг қарор чиқариши ёки операцияни амалга ошириши бошқа томон тарафидан баҳоланади ёки назорат қилинади.** Энг муҳим фактор эса бу **инсон омилидир.** Энг зўр ички назорат тизимлари ҳам инсонларга боғлиқ эканини унутманг.

8. Курс фарқлари

Курс фарқларини ҳисобда акс этириш масалалари бўйича **21-сон БҲХС «Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари»**га ва солиқ солиш масалари бўйича **Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига** мурожаат қиламиз.

Курс фарқининг келиб чиқиш сабаблари

Компанияларда курс фарқининг келиб чиқиш сабаблари қуйидаги иқтисодий ҳодисалар билан изоҳланади:

- Импорт ёки экспорт операциялари амалга оширилиши натижасида товарлар (хизматлар) олинishi (берилиши) тўловларни амалга оширилиши (олинishi) билан бир вақтда амалга ошмайдиган ва бу ораликда айрибошлаш курсида ўзгариш юз берган тақдирда;
- Компания ҳисоб рақамида функционал валютадан фарқли бўлган ҳар қандай валютадаги пул маблағларининг мавжуд бўлиши ва уларнинг айрибошлаш курсида ўзгариш юз берган тақдирда;
- Компаниянинг чет элдаги бўлинмаси (филиали) функционал валютаси фарқли бўлганда консолидацилашган молиявий ҳисобот тузиш пайтида молиявий ҳисоботни бир валютадан бошқасига ўтказиш бўйича жамғариладиган курс фарқлари.

Курс фарқларини ҳосил қилувчи ҳисоб элементлари (моддалари)

Курс фарқларини ҳисобда тўғри акс эттириш учун монетар ва номонетар моддаларни бир биридан фарқлашимиз лозим. **Монетар моддалар** - валюта бирликлари, шунингдек қатъий белгиланган ва/ёки аниқладиган валюта бирликлари миқдори билан ифодаланган **олинishi ёки тўланиши керак бўлган активлар ва мажбуриятлардир**. Ушбу таърифни шарҳлайдиган бўлсак, унинг биринчи қисми (монетар модда бу валюта бирликларидир) компаниянинг кассасидаги нақд пул кўринишидаги ёки банк ҳисоб рақамидаги чет эл валютасидан иборат пул маблағларини англатади. Таърифнинг иккинчи қисми тўланиши/олинishi чет эл валютасида амалга ошириладиган ёки тўланаши/олинishi чет валютаси айрибошлаш курси билан белгиланадиган дебиторлар ва кредиторларни билдиради. Ўзбекистон Республикасида товарлар, хизматлар ўзбек сўмида белгиланишини ҳисобга олсак, тўланаши/олинishi чет валютаси айрибошлаш курси билан белгиланадиган дебиторлар ва кредиторлар деярли учрамайди.

Демак, юқоридаги монетар модда таърифига мос келадиган қуйидаги моддаларни мисол келтириш мумкин:

- Чет валютасидаги пул маблағлари (нақд ёки банкдаги ҳисоб рақамда);
- Ҳаридорлардан ёки бошқа томонлардан чет эл валютасида олинадиган дебитор қарзлар;
- Мол етказиб берувчилар ёки бошқа томонларга чет валютасида тўланадиган кредиторлик қарзлари;

Ушбу келтирилган мисоллар ичида чет эл валютасида олинган ёки тўланган аванслар келтирилмаганининг сабаби, ушбу моддалар (4300/6300) номонетар моддалар ҳисобланади. Чунки, ушбу моддаларни (4300/6300) ёпилиши учун компания чет эл валютасини олинishi/тўланиши эмас, балки товар/хизматлар олинishi/берилиши зарур бўлади. Номонетар моддаларга шунингдек асосий воситалар, товар-моддий захиралар ёки номонетар активни ўтказиш орқали сўндириладиган баҳоланган мажбуриятлар каби моддаларни киритиш мумкин.

Курс фарқларини ҳисобга олиш тартиби

21-сон БҲХСнинг 21-бандига мувофиқ, чет эл валютасидаги операция, функционал валютада дастлабки тан олишда, чет эл валютасидаги суммага **операция санасидаги** функционал валюта ва чет эл валютаси ўртасидаги жорий айирбошлаш курсини қўллаган ҳолда ҳисобга олиниши лозим. **Операция санаси** операция МҲХСларга мувофиқ тан олиш мезонларига дастлаб жавоб берган санадир. Ушбу стандартнинг 23 бандига мувофиқ, монетар моддалар ҳар ҳисобот давр якунига ҳисобот санасидаги курсдан фойдаланган ҳолда қайта баҳоланиши лозимли белгиланган. Номонетар моддалар эса дастлаб функционал валютада тан олинган қиймати бўйича қолдирилади. Монетар моддаларни ҳисоб-китоб қилишда ёки монетар моддаларни давр мобайнида тан олиш пайтида юзага келадиган курс фарқлари фойда ёки зарарда улар юзага келган даврда тан олиниши лозим.

Солиқ мақсадларида курс фарқларини ҳисобга олиниши

Солиқ кодексининг 320-моддасига кўра, **курсадаги ижобий фарқ жами даромад таркибига, курсадаги салбий фарқ — харажатлар таркибига** киритилади. Берилган (олинган) бўнақларни қайта баҳолашдан юзага келадиган курсадаги ижобий (салбий) фарқ солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олинмайди. Мазкур солиқ кодексига фойда солиғи ҳисоби мақсадларида объектларни ҳисобга олиниши такомиллаштириб борилаётганига қарамай, айтилган пайтда курс фарқлари бўйича бир-бирини инкор этувчи ҳолатлар мавжуд.

Масалан, айтайлик А компания ўзининг 10 та маҳсулотини чет эл компаниясига 100\$дан етказиб бериш мажбуриятини олган. Дастлаб 01/03 санада чет эл компанияси 500\$ бўнақ тўловларини амалга оширган. Бу санада айрибошлаш курси 1\$=11500. Март ойи ўртасига келиб, маҳсулотлар етказиб берилган. Бу санада курс 1\$=11800. Якуний тўлов 500\$ март якунида олинган. Бу санада курс 1\$=11700. Ушбу операцияларни МҲХС асосида ва Солиқ кодекси талаблари асосида акс эттирилишини кўриб чиқамиз.

Сана	Операция (МҲХС бўйича)	Д-т	К-т	Сумма (минг сўмда)
01/03	Бўнақ тўлови олиниши	5210	6310	5 750 (5 750)
15/03	Даромад тан олиниши	4010 6310	9010	5 900 5 750 (11 650)
31/03	Якуний тўлов олиниши	5210 9600	4010	5 850 50 (5 900)
31/03	Олинган бўнақ суммаси қайта баҳоланиши	5210	9500	100 (100)

МҲХС бўйича акс эттирилиши бўйича даромад 11 650 минг сўмни, ижобий курс фарқи 100 минг сўмни, салбий курс фарқи 50 минг сўмни ташкил қилади. Ушбу операциянинг якуний натижаси 11 700 минг сўм фойдани ташкил қилмоқда.

Сана	Операция (Солиқ кодекси бўйича)	Д-т	К-т	Сумма (минг сўмда)
01/03	Бўнак тўлови олиними	5210	6310	5 750 (5 750)
15/03	Даромад тан олиними	4010 6310 9600	9010	5 900 5 750 50** (11 700)*
31/03	Якуний тўлов олиними	5210 9600	4010	5 850 50 (5 900)
31/03	Олинган бўнак суммаси қайта баҳоланиши	5210	9500	100 (100)

* Солиқ кодексининг 247 моддасига асосан «Солиқ базасини аниқлаш чоғида солиқ тўловчининг чет эл валютасида ифодаланган тушуми (харажатлари) ушбу Кодекснинг 242-моддасида белгиланган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади».

** Солиқ кодексининг 320-моддаси бўйича бўнақлар бўйича курс фарқи ҳисобга олинмаса, лекин 247-моддага асосан етказиб берилган товар ёки хизмат етказиб бериш санасидаги курс бўйича тан олинса, ўртада 50 минг сўмлик фарқ юзага келмоқда. Буни ҳозирча салбий курс фарқи деб тан олиш мумкин (Солиқ ҳисоби юритиш мақсадларида ушбу фарқ бўйича кўрсатма мавжуд эмас).

Солиқ мақсадларида акс эттириш натижалари бўйича, даромад 11700 минг сўм, ижобий курс фарқи 100 минг сўм, салбий курс фарқи 100 минг сўмни ташкил этмоқда. Ушбу операциянинг якуний натижаси 11 700 фойдани ташкил этмоқда.

Ижобий курс фарқи компанияга келиб тушган пул маблағи бўйича келиб чиққани сабабли келинг ушбу фарқни ҳисобга олмай, фақат сотиш операциясига алоқадор кўрсаткичларни солиштириб кўрамир:

Кўрсаткичлар	МҲХС бўйича	Солиқ ҳисоби бўйича
Тушум	11 650	11 700
Салбий курс фарқи	(50)	(100)
Солиқ солингунга қадар фойда	11 600	11 600

Бир қарашда муаммо йўқдек туюлади. Чунки ҳар икки ҳолатда солиқ солиш базасига кўшиладиган фойда суммаси бир хил. Лекин, тушумлардаги фарқ фаолиятга оид турли имтиёз ёки пропорцияни ҳисоблаб чиқишда турли натижаларга олиб келиши мумкин. Бошқа тарафдан, агар ҚҚС фоизи нол эмас, стандарт фоиз қўлланса, турли солиқ суммаларини келтириб чиқаради.

Валюта пул маблағларининг қайта баҳоланиши оқибатидаги курс фарқини солиққа тортиш қанчалик тўғри?

Компания эгалигидаги валюта пул маблағларининг курс ўзгариши натижасида қайта баҳоланиши (кўпинча ижобий фарқ юзага келади) натижасидаги фарқни солиққа тортилиши аслида тўғримики? Компания бу фойдани ишлаб топгани йўқ. Аксинча, сўмнинг қуввати долларга нисбатан камайгани учун ушбу ижобий фарқ келиб чиққан ёки аксинча. Айни пайтда жамият ушбу курс ўзгаришига таъсир ўткази олмади. Бундан ташқари, валюта пул маблағларини ўзида сақловчи компаниялар худди шунча маблағга ўзбек сўмида эга бўлган бошқа компания билан бир хил кўрилиши керак эмасми? Халқаро амалиётга яна бир бор мурожаат қиламиз ва валюта пул маблағларининг қайта баҳоланиши натижасида юзага келадиган ижобий ва салбий курс фарқлари солиққа тортилмаслигини билиб оламиз.

Кейинги ташланадиган мантиқий қадам

Солиқ кодексининг 320 моддасининг бўнақларга оид қисми билан бошқа моддалар мувофиқлигини таъминлаш таклиф этилади.

Шунингдек, чет эл валютасида тутиб турилган пул маблағларининг қайта баҳоланишидан юзага келадиган ижобий ёки салбий курс фарқларини солиққа тортмаслик амалиётини жорий қилишни таклиф этамиз. Бундай ўзгариш экспорт фаолиятини янада рағбатлантириш ва уларни қутилмаган курс ўзгариши натижасида солиқлар билан жазолаш амалиётини бекор қилган бўламиз.

9. Молиявий ҳисоботнинг миллий стандарти

Дунёнинг 86 тадан ортиқ мамлакатлари ўзларининг кичик ва ўрта бизнес компаниялари учун МҲХС Фондининг КЎБ учун МҲХС ҳужжатини тўғридан-тўғри қабул қилган ёки ўзининг қонунчилик жиҳатларига мослаштирган.

Яхши ниятлар билан биз ҳам амалдаги БҲМСлар актуаллигини янада ошириш ва бизнес ҳисоб талабларини яхшироқ қондириш учун Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартини ишлаб чиққан эдик.

Ҳозирча бу стандартнинг кучга киритилиши тўғрисида расмий маълумотлар мавжуд эмас. Аммо, БҲМСларни ўқиб зериккан ва МҲХС ҳужжатларини ўқиб тушунишга қийналаётганлар учун яхши қўлланма вазифасини ўташи мумкин.

Тадқиқотчилар ва академик ҳамжамиятнинг мана шундай янги лойиҳаларни компаниялар молиявий ҳисоботида таъсирини ўрганишлари кўпроқ манфаатли бўлади.

Мазкур лойиҳанинг матни билан [қуйидаги ҳавола](#) орқали танишишингиз мумкин.

10. Чораклик ҳисобот ўзи нима учун керак?

Сўнги пайтларда бухгалтерлар томонидан тез-тез берилаётган саволлардан бири бу **чораклик молиявий ҳисоботларни солиқ органларига топширилиши ёки бекор қилингани** юзасидан саволдир. Ушбу саволга жавоб излаш асносида **чораклик топшириладиган фойда солиғи ҳисоботи бўйича ҳам** баъзи халқаро тажриба ва шахсий фикрларимизни бўлишамиз.

Ҳисобот турлари ва мақсади

Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига топшириладиган ҳисоботлар асосан учта мақсадда тақдим этилади: солиқларни ҳисобланиши, статистик маълумотларни йиғиш ва молиявий маълумотлар шаффофлигини таъминлаш мақсадида эълон қилинадиган молиявий ҳисоботларни йиғиш. Шу жиҳатдан ҳисоботларни уч турга бўлишимиз мумкин: статистика ҳисоботлари, солиқ ҳисоботлари ва молиявий ҳисоботлар. **Ушбу мақолада кўпроқ солиқ ва молиявий ҳисоботлар тўғрисида гаплашамиз. Ўтган ўттиз йиллик тажрибада молиявий ҳисоботлар солиқ назорати мақсадларида фойдаланилгани ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисоби стандартлари қатъий белгиланган қоидалар асосида, қатъий белгиланган ҳисоботлар режаси билан маҳкамлаб қўйилган эди. Бу тажриба қўшниларимиз Россия ва Қозоғистон тажрибасида ҳам такрорланади.**

Янги давр – Янги Ўзбекистон

2019 йилда Солиқ кодексини **янги таҳрирда** ишлаб чиқилиши ва **2021 йилдан бошлаб йирик компанияларда МХХСлар қўлланиши талаби** молиявий ҳисобот ва солиқ ҳисоботи аслида бошқа-бошқа нарсалар эканини кўпчиллика тушунтириб берди. Ривожланган давлатларнинг аксариятида молиявий ҳисоботларни чораклик тузиш талаби мавжуд эмаслиги ва **бу бизнес учун жуда стрессли ва оғир юк экани** маълум.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 ноябрдаги ПҚ-419-сонли «**Ҳисобот тақдим этиш ва архив ҳужжатларини сақлаш тартиб-таомилларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги Қарори билан 2023 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисоби субъектлари томонидан молиявий ҳисоботларни солиқ ва статистика органларига ҳар чоракда тақдим этиш талаби бекор қилиниши белгиланди. Бу тадбиркорлик субъектлари ва бухгалтерия касби эгалари учун жуда катта енгиллик деб ҳисоблайман.

Амалда Молия вазирлиги томонидан бундан 23 йил илгари ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлигида 2000 йилнинг 03 июлида 942-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «**Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатлари тўғрисида**»ги Низомига ўз вақтида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаганлиги фақат ички бюрократия муаммоси деб ўйлайман. Лекин бу муаммо эндиликда тадбиркорлик субъектларини чалғитмаслиги керак. Юридик жиҳатдан Президент қарори ва Молия вазирлиги Низоми ўртасида номувофиқлик юзага келганда, устунлик юқори юридик кучга эга норматив ҳужжатга асосан белгиланишини эътиборга олиб, **чораклик молиявий ҳисоботлар топширилмаслиги 100% аниқ** (Асос: Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуни 18-моддаси 20.04.2021 йилдаги ЎРҚ-682).

Фойда солиғи ҳисоботини чораклик топширилиши шартми?

Мана шу каби саволларга жавоб топиш учун камида **9 та ривожланган давлатлар солиқ тизимини мукамал ўрганишга** киришдик. Албатта, бизлар учун Россия ва Қозоғистон тажрибасидан ҳам яхшироқ халқаро тажриба борлигини тушунишимиз лозим. Фойда солиғи ҳисоботига келсак, **бу фойда солиғи ҳисоботини йиллик асосга ўтказиш мантиқан тўғри ва истиқболда тадбиркорлик субъектларини юқини енгил қилишга ёрдам беради.** Бундай ўзгаришдан давлат бюджети ҳам бирор йўқотишга дуч келмайди деб ҳисоблайман.

Халқаро тажриба

Сингапур давлатининг Фойда солиғи актига биноан фойда солиғи ҳисоботи молиявий йил якунлангандан кейинги йилнинг 30 ноябрга қадар топширилиши мумкин. **Фойда солиғи бўйича аванс тўловлари эса молиявий йил якунланган йилдан кейинги йилнинг бошидан 30 ноябрга қадар тенг улушларда тўланиши белгиланган.** Бу жуда юқори баҳоланадиган солиқ режими ҳисобланади. Чунки солиқ ҳисоботи ҳам аванс тўловлари ҳам молиявий йил якунлангандан сўнг амалга оширилмоқда.

Фойда солиғи ҳисоботи йиллик асосда топширилишининг оқибатлари (SWOT анализ -1-расм)

1-расм

Устунлик тарафлари	Заифлик тарафлари
<ul style="list-style-type: none">• Бизнес жараёнларига давлатнинг аралашуви камайиши• Фаолиятни бир йиллик режа (прогноз) асосида ташкил этиш имконияти• Ҳисобот тайёрлаш учун маъмурий харажатлар ва вақт тежалиши	<ul style="list-style-type: none">• Солиқ органларига факт суммадан ҳисобланадиган фойда солиғи суммасининг аванс тўловларидан ошадиган қисми кечикиб тўланиши мумкинлиги• Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоботларни нотўғри топширилиши оқибатида ундириладиган штраф суммалар тўрт баробар камайиши
Имкониятлар	Рисклар
<ul style="list-style-type: none">• Ҳар чорак чиқиб қолиши мумкин бўлган «Сюрпризлар»ни бартараф этиш ўрнига фойдани ошириш учун янги лойиҳалар яратиш имконияти• Пул маблағлари оқими тўғри режалаштириш имконияти• Бухгалтерлар қўнимсизлиги камайтириш омили	<ul style="list-style-type: none">• Фойда солиғи бўйича камерал назорат ўтказиш солиқ органлари томонидан қисқа даврда ўтказилиши лозимлиги ва бунинг оқибатида мантиқсиз талабно-маларнинг тадбиркорлик субъектларига келиб тушишининг давом этиши• Ассосиз ҳисоб китоблар билан тадбиркорлик субъектларидан аванс тўловларини оширилган суммада талаб қилиниши эҳтимоллиги

11. МҲХС асосидаги молиявий ҳисобот

Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асосига мувофиқ компаниянинг молиявий ҳисоботи қуйидаги маълумотларни таъминлашга ёрдам беради:

1. Инвестиция киритиш ёки мавжуд фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун келгуси пул оқимларини прогноз қилиш имконини берадиган маълумотларни таъминлайди.

2. Компания раҳбарияти компаниянинг иқтисодий ресурсларидан фойдаланиш бўйича ўз жавобгарликларини қанчалик оқилона ва самарали бажарганликлари тўғрисидаги маълумотни таъминлайди.

Демак, биринчидан, солиқ ҳисоби мақсадларидаги ҳисоб стандартлари асосида аниқланган соф фойда кўрсаткичларини дивидендлар тақсимлаш учун асос сифатида қабул қилиш ярамайди. МҲХС асосидаги молиявий маълумотлар компания фаолиятини ишончлироқ баҳолашга ёрдам беради.

Иккинчидан, компания МҲХСга ўтиб юз йил ишласа ҳам, унинг молиявий ҳисоботлари таҳлил қилинмаса, таҳлил натижаларига кўра, корпоратив бошқарув тамойиллари ўз сўзини айтиб, масъулиятсиз компания раҳбари ўрнига, самарали фаолият олиб борадиган кадрлар қўйилмаса, МҲХСдан фойда йўқ.

12. МҲХСга мувофиқ ҳисоб сиёсати

Ҳисоб сиёсати – бу компания томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, асослар, умумқабул қилинган шартлар, қоидалар ва амалий ёндашувлардир.

Ҳисоб сиёсатини тузиш ва тасдиқлаш вазифаси компания раҳбарига юклатилган.

Солиқ ҳисоби мақсадларидаги ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот мақсадларидаги ҳисоб сиёсати бир-бирдан кескин фарқ қилади.

МҲХСга мувофиқ ҳисоб сиёсати намунаси билан [қуйидаги ҳавола](#) орқали танишинг.

13. МҲХСга оид китоблар борми?

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига оид жуда кўп китоблар мавжуд. Фақат инглиз ва рус тилларида.

Ушбу тилларга қийналадиган бухгалтерлар ва мутахассислар фақатгина базавий нолдан балансгача китоблар билан чегараланиб қолмоқдалар. Ўзбек тилида сифатли бухгалтерия китобларини деярли учратмадим. Сизларда бўлса, албатта бизга юборинг.

МҲХС бўйича дастлабки қўлланмани сизларнинг эътиборингизга ҳавола қиламиз. Албатта камчиликлари мавжуд. Ушбу китобни янада мукамал ҳолатга келтириш учун ўзининг билими, вақти ва ресурсларини сафарбар қилмоқчи бўлганлар бизга мурожаат қилишингиз мумкин.

МҲХС бўйича қўлланма билан [қуйидаги ҳавола](#) орқали танишинг.

14. Ўзгаришлар пайти келди...

Бугунги кунда бизнинг олдимизда турган энг катта қийинчилик - бу ўзгаришларнинг суръати ва ўзгаришларни қабул қилиш даражаси, уларнинг ахлоқимизга ва бизнесга таъсирини баҳолай олишимиздир. Биз ўтган 30 йилдагидек одатий касбимизни давом эттира олмаймиз. Агар ҳозир ўзгармас эканмиз, кеч бўлади.

Бухгалтерлар ўз касбининг роли ўзгариб бораётганига мазмунли таъсир кўрсатиш учун ўз позицияларига мукамал даражада лойиқ бўлишга интилиши лозим. Бу касб келажак авлодни мақсад туйғуси билан ўзига жалб қилади. Бухгалтер бу ахлоқий ва ишончли маслаҳатчи сифатида ёшлар учун янада идеал касбга айланади.

Мен учун яхшироқ дунё - бу компаниялар ҳақиқатан ҳам жамият эҳтиёжларига хизмат қиладиган дунё. У эрда ҳамма сайёрамизни ҳимоя қилиш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади ва бизнеснинг барқарор ривожланишига ёрдам беради. Натижада бухгалтерлар қабул қиладиган қарорлар барчанинг фаровонлигига хизмат қилади.

15. Нима учун автомобиллар қизил чирокда тўхтайтиди?

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун автомобиллар қизил чирокда тўхтайтиди. Баъзида бошқа бирор тарафда автомобил бўлмаса ҳам. Бу ерда кўп ҳолларди бунинг сабабини қонун бўйича белгиланган қоида билан асослаймиз. Лекин, моҳиятгача етиб бормаймиз. Моҳият бу йўллардаги бахтсиз ҳодисани олдини олиш, пиёда ва ҳайдовичилар ўртасидаги муносабатни тартибга солишдан иборатлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз.

Моҳиятга интилиш бухгалтерияда ҳам жуда кўл келади, албатта. Масалан, кўпчилик бухгалтерлар дебиторлар бўйича қутилаётган кредит зарарларига оид резерв ҳосил қилишни вақтни оладиган фойдасиз бир ўтказма сифатида қарашади. Айниқса, бундай ўтказма солиқ мақсадларида тан олинмагандан кейин стандарт талабини бажариш умуман маъносиздек туюлиши мумкин. Аслида, биргина шу резервнинг ҳосил қилинмаслиги оқибатида компания банкрот бўлиши мумкинлигини биласизми?

Резерв ҳосил қилинмаслиги оқибатини тушунтиришга ҳаракат қиламан. Биринчидан, резерв ҳосил қилинмаслиги оқибатида Сиз бухгалтериянинг фундаментал тамойилени бузасиз. Яъни активларни ошириб, харажатларни камайтириб кўрсатилишига йўл қўясиз. Иккинчидан, компанияда яратилиши мумкин бўлганидан кўпроқ иқтисодий нафни, яъни соф фойдани акс эттирасиз. Ушбу соф фойда асосида компания эгалари фойдаларини (дивиденд суммаси) тақсимлайдилар. Натижада, компаниядан ортиқча пул оқимлари фойдани тақсимлаш учун йўналтирилади. Энди компаниянинг айланма маблағлари одатдаги бизнес қўламини таъминлаш учун етарли бўлмайди. Бу ҳолат ўн йиллаб давом этадиган бўлса, ўйлаб кўринг, компания ўз фаолиятини давом эттира олмайдиган ҳолга келиши табиий.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бухгалтерларимиз амал қиладиган векторлар фақат «қонунчилик талаби билан» деган меъзон билан чекланиб қолмаслиги зарур. Моҳиятга интилишимиз, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга кўпроқ наф келтирадиган маълумот билан таъминлаши мумкинлиги ҳақида фикр юритишимиз мақсадга мувофиқ бўларди.

16. Профессионал этика бу..

Хар бир молия мутахассиси нафақат билиши, балки ўз меҳнат фаолиятида амал қилиши лозим бўлган профессионал этика бугун кўпчилигимизга ёд булди.

Профессионал этика бу бирор операцияни шунчаки тўғри бажариш эмас, балки тўғри ниёда, тўғри усулда, тўғри фикр билан амалга оширишни назарда тутати.

Профессионал этика билан шахсий этикани бир-биридан фаркига боришимиз керак. Масалан, Сиз кассирсиз. Компанияда бирга ишлайдиган, лекин оилавий мухтож дўстингиз кассадаги пулдан 1 млн сўмни бир кунга бериб туришингизни сўрамоқда. Агар сиз одамгарчилик юзасидан шу пулни берсангиз, бу сизни шахсий этикангиз яхши, бағрикенг эканингизни кўрсатади. Лекин, профессионал этикангиз нолга тенг эканини ҳам англайди.

Профессионал этика билан ишламоқчи бўлсангиз хар бир операцияни амалга оширишдан олдин қуйидаги кетма-кетликдаги саволларга жавоб топинг.

1. Қилаётган ишингиз қонунчиликка тўғри келадими?
2. Соҳадаги стандартларга (бухгалтерия ёки аудит в.х.к) мувофиқ келадими?
3. Профессионал этика қоидалари ва тамойилларига тўғри келадими?
4. Шу операцияни амалга оширсангиз виждонингиз қийналмайдими?

17. Бухгалтернинг 7 кўникмаси

Бухгалтерия ҳисоби бўйича мутахассис қидираётган иш берувчилар Сизнинг резюмеингиздан қандай техник кўникмаларини излашини биласизми? Қуйида бундай кўникмаларнинг ТОП 7 тасини келтириб ўтганмиз.

1. Бухгалтерия ҳисоби амалиётини билиш

Бухгалтерия мутахассиси, шубҳасиз, БҲМС ёки МҲХС талабларини билиши лозим. Ушбу ҳужжатлар компаниянгизни ҳисоб сиёсатини белгилашда ва унинг муҳим кўрсаткичлари учун асос бўладиган усулларни белгилаш меъзони ҳисобланади.

2. Бухгалтерия ҳисоби бўйича дастурий таъминотни билиш

Бухгалтернинг ишининг кўп қисми умумий электрон жадвал дастурлари ва ҳисобларни солиштириш дастурларидан фойдаланишни талаб қилади. Бош бухгалтер тажрибага эга бўлиши керак бўлган бошқа дастурий таъминот турларига маълумотлар базаси ҳисоботи, молиявий ҳисобот ва таҳлил, молиявий ҳисобот, лойиҳаларни бошқариш киради. Агар Сиз йирик компанияда ишлаётган бўлсангиз ва ўз ишингизда my.soliq.uz орқали солиқ ҳисоботларини таёрламасангиз ҳам бундай амалий билимга эга бўлиш Сизни бошқа номзодлардан ажралиб туришингизга ёрдам беради.

3. Молиявий ҳисоботларни тузиш кўникмаси

Бош бухгалтернинг нонини яримта қилиб қўйиши мумкин бўлган бухгалтер бу айнан молиявий ҳисоботларни туза оладиган бухгалтер ҳисобланади. Янги ишга кириш учун тайёрлашингиз керак бўлган учта асосий ҳисобот - бу молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, пул маблағлари харакати тўғрисидаги ҳисобот ва молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот. Ушбу ҳисоботлар Сизнинг компаниянгизнинг молиявий соғлигининг мунтазам кўрсаткичи ҳисобланади.

4. Умумий бизнес амалиётини билиш

Бухгалтерия бўйича бакалавр даражаси ҳар қандай соҳада бухгалтер бўлиб ишлаш учун етарли эмас. Бунинг учун муайян соҳанинг қандай ишлашини ҳам билиш, бизнес жараёнларни тушуниш зарур бўлади. Бунинг учун бухгалтерия мутахассислиги билан биргаликда бизнес курсларига ўқиш ҳам ақлли қарор ҳисобланади.

5. Маълумотларни таҳлил қилиш қобилияти

Компаниянинг молиявий маълумотлари унинг энг катта активларидан биридир. У фаолиятнинг деярли барча соҳаларида қарорлар қабул қилиши мумкин ва компаниянинг доимий муваффақиятини таъминлаш учун жуда муҳимдир. Шунинг учун ҳам молиявий маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш бухгалтерлар учун жуда муҳим маҳоратдир. Маълумотлар сўрови тилини (SQL) биладиганлар катта ҳажмдаги маълумотлардан аниқ маълумотларни олиш қобилияти туфайли бухгалтерия ҳисоби бўйича иш излашда қўшимча афзалликларга эга бўладилар.

6. Танқидий фикрлаш кўникмаси

Яхши танқидий фикрлаш жуда кўп рискларни олдини олишга ёрдам беради. Муаммони ёки масалани ҳар томонлама кўриб чиқиш кўникмаси муаммоларни аниқлаш ва ахлоқий меъёрлар доирасидаги ечимларни аниқлаш учун жорий ва олдинги молиявий маълумотларга бухгалтерия амалиётини қўллаш имконини беради. Иш берувчилар Сизни мустақил фикрловчи ва тадқиқотчи бўлишингизга, муаммони ҳал қилиш вариантларини ўрганишга ва тўсиқларни бартараф этишингиз учун дедуктив мулоҳазалардан фойдаланишни билишингизни хоҳлашади.

7. Бухгалтерия ҳисобининг ташкилий кўникмалари

Бухгалтер бир вақтнинг ўзида бир нечта лойиҳалар ва мижозлар билан ҳаракат қилишига тўғри келиши мумкин. Шунинг учун тартибни сақлаш жуда муҳим. Файллар ва маълумотларни тоза сақлаш нафақат ишингизни самаралироқ ва аниқ бажаришингизга ёрдам беради, балки иш берувчингиз ва мижозларингизга ҳам Сизга ишонч билдириши мумкинлиги ҳақида хабар беради.

Хулоса ўрнида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бухгалтерлар 25 йиллик тажрибага эга бўлсаю, профессионал этикага амал қилмаса, минг афсуски, йирик тан олинган компанияларда ишлаш бўйича таклиф олиши амри маҳол.

18. АВларни синовдан ўтказиш пайтида олинган маҳсулотлар

МҲХС Фонди томонидан 16-сонли МҲХС «Асосий воисталар» стандартига 2022 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган 20А банд киритилган: Асосий воситалар объектини раҳбарият томонидан белгиланган тарзда фойдаланишга тайёр бўлган жойга ва ҳолатга келтириш пайтида маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши мумкин (масалан, активнинг тўғри ишлаётганлигини синовдан ўтказиш пайтида олинган намуналар). Ташкилот ҳар қандай бундай маҳсулотларни сотишдан тушган пул маблағларини ва ушбу объектларнинг таннархини амалдаги стан-

дартларга мувофиқ фойда ёки зарарда тан олади. Ташкилот ушбу маҳсулотларнинг таннариhini 2-сонли БҲХС «Захиралар» талабларини қўллаган ҳолда баҳолайди.

Шунингдек, мазкур стандартнинг 17 бандидаги актив қийматига киритиладиган моддалар қаторидаги «активни тегишли жойга ва ҳолатга келтириш пайтида ишлаб чиқарилган маҳсулотни (ускуналарни синовдан ўтказишда ишлаб чиқарилган намуналар каби) сотишдан олинган пул маблағлари соф тушиши суммаси чегирилган активнинг тўғри ишлашини синовдан ўтказиш сарфлари» моддаси «активнинг тўғри ишлашини синовдан ўтказиш сарфлари» моддасига алмаштирилди.

Ўзимизда нима гаплар десангиз, бизда тинчлик. 5-сон БҲМСда «12-1. Активдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун унинг тегишли ишини текшириш жараёнида олинган маҳсулот реализация қилишнинг соф қиймати бўйича кирим қилинади ва асосий воситаларнинг бошланғич қиймати шакллантиришда капитал қўйилмалар суммасидан айрилади» норма сақланиб қолмоқда.

19. Бухгалтерларни келгусида нималар кутмоқда?

Бутун дунёда ахборот технологиялари ва суний интелект ривожланиши оқибатида ҳисоб юритиш жараёнининг катта қисми автоматлашганини кўришимиз мумкин. Натижада бухгалтер ўз маъносида янада кенгайиб, молиявий маълумотни самарали усулда ва кўринишда молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига тақдим этишни назарда тутмоқда.

Дунёнинг жадал тараққиёти ортидан жуда кўплаб янги фаолият турлари, бизнес инструментлар, бизнес жараёнлар юзага келмоқдаки, уларга нисбатан у ёки бу стандартни қўллаш учун бухгалтердан юқори малака ва мулоҳаза талаб этилмоқда. Бунинг учун бухгалтер операциялар ва ҳодисалар мохиятини уларнинг нафақат юридик шаклига, балки мохиятига кўра ҳам англай олишлари талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, молиявий мутахассислар ўзларининг тижорий хабардорлик ва профессионал кўникмаларини доимий сақлаб туришлари лозим бўлади.

Глобал инвестиция портфелига эга бўлган халқаро инвесторлар компаниялар томонидан иқлим ва бошқа экологик, ижтимоий ва бошқарув масалалари бўйича юқори сифатли, шаффоф, ишончли ва қиёсланувчан ҳисоботларни талаб қилмоқдалар. Шу мақсадда, 2021-йил 3-ноябрда МҲХС Фонди ушбу талабга жавоб бериш мақсадида, янги стандартларни белгиловчи кенгаш — Халқаро Барқарорлик Стандартлари Кенгаши (ХБСК) ташкил этилишини эълон қилди.

Бундан кўзланган мақсад ХБСК инвесторлар ва капитал бозорининг бошқа иштирокчиларига барқарорлик билан боғлиқ рисклар ва уларга асосланган қарорлар қабул қилишда ёрдам бериш имкониятлари ҳақида маълумот берадиган стандартларнинг кенг камровли глобал базасини тақдим этишдан иборат.

Яқин келажакда молиявий ҳисоботда тақдим этиладиган маълумотлар Барқарорлик стандартлари билан уйғун тарзда тақдим этилиши дунё давлатлари томонидан қабул қилиниши мумкин. Бундай интеграция жараёнидан Ўзбекистон ҳам четда қолмаслиги табиий. Шундай экан, барча молиявий мутахассислар, бухгалтерлар ва аудиторларни ушбу жараёнларда фаол катнашишлари ва ўз кўникмаларини доимо ошириб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

20. Иш ҳақини автоматлаштириш мумкинми?

Ҳа, албатта, иш ҳақи ҳисобчисининг иши тўлиқ автоматлаштирилиши мумкин. Халқаро тажрибада, бир қатор компаниялар аллақачон иш ҳақини тўлаш жараёнларини соддалаштириш учун автоматлаштиришдан тўлиқ фойдаланмоқда.

Бунга мисол қилиб, булутга асосланган иш ҳақи провайдери Gusto (<https://gusto.com/>) ҳисобланади. Gusto иш ҳақи ва ушланмаларни ҳисоблашдан тортиб, иш ҳақини расмийлаштириш ва солиқлар ҳисоботларини топширишгача бўлган барча иш ҳақини ҳисоблаш жараёнини автоматлаштиради. Бу иш ҳақи бўйича бухгалтерларни иш ҳақи сиёсати ва тартибларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби кўпроқ стратегик вазифаларга эътибор қаратишдан озод қилади.

Яна бир мисол, ADP глобал инсон капиталини бошқариш компанияси. ADP иш ҳақини автоматлаштириш бўйича турли хил эчимларни таклиф этади, жумладан, онлайн вақт ҳисоби, тўғридан-тўғри пул маблағини ўтказиш ва солиқ ҳисоботлари. Ушбу эчимлар иш ҳақи ҳисобчиларига вақтни тежаш ва хатоларни камайтиришга ёрдам беради.

Технология ривожланишда давом этар экан, иш ҳақини тўлаш бўйича вазифалар кўпроқ автоматлаштирилган бўлиши мумкин. Бу иш ҳақи бўйича бухгалтерларни кўп вақт оладиган майда ишларга эътибор қаратишдан озод қилади ва компанияларга уларнинг самарадорлиги ва комплаенсни оширишга ёрдам беради.

Иш ҳақини автоматлаштиришнинг баъзи афзалликлари:

- **Хатоларни камайтиради:** автоматлаштириш иш ҳақини қайта ишлашдаги хатоларни камайтиришга ёрдам беради. Бунинг сабаби шундаки, компьютерлар одамларга қараганда камроқ хато қилади.
- **Вақтни тежайди:** Автоматлаштириш иш ҳақи ва ушланмаларни ҳисоблаш каби такрорий вазифаларни автоматлаштириш орқали вақтни тежаш имконини беради. Бу иш ҳақи бўйича бухгалтерларни кўпроқ стратегик вазифаларга эътибор қаратишга ундайди.
- **Самарадорликни оширади:** автоматлаштириш жараёнини соддалаштириш ва қўлда бажариладиган ишларни бекор қилиш орқали иш ҳақини қайта ишлаш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.
- **Комплаенсни оширади:** Автоматлаштириш барча тўловлар ўз вақтида амалга оширилишини ва барча ушланмалар тўғрилигини таъминлаш орқали иш ҳақи тўлаш қоидаларига риоя қилишни оширишга ёрдам беради.

Умуман олганда, автоматлаштириш иш ҳақини тўлаш жараёнларини яхшилашга интилаётган компаниялар учун қимматли восита бўлиши мумкин. Бу хатоларни камайтириш, вақтни тежаш, самарадорликни ошириш ва комплаенсни кучайтиришга ёрдам беради.

21. МҲХС стандартига ўзгартириш киритилди

МҲХС Фонди бугун 21-сон БҲХС «Валюта курслари ўзгаришининг таъсири»га тузатишлар киритилганини эълон қилди. Бу эса компаниялардан валютани бошқа валютага айрибошланмайдиган ҳолларда молиявий ҳисоботда маълумотларни янада фойдали тақдим этиш имконини беради.

Амалда МҲХСни қўллайдиган Ўзбекистон компанияларда чет эл валютасидаги операциялари орасида Марказий банк томонидан айрибошлаш курси белгиланмаган валюталардаги шартномалар ҳам учраб туради. Бундай шартнома бўйича операцияларни ҳисобда функционал валюта-сўмга ўтказиш бўйича саволлар юзага келиши мумкин.

Стандартга ўзгартиришлар манфаатдор томонларнинг фикр-мулоҳазалари ва валюталар ўртасидаги айрибошлашнинг мавжуд эмаслигини ҳисобга олишда амалдаги хилма-хиллик тўғрисидаги рискларга жавоб беради. Ўзгартиришлар компаниялар ва инвесторларга валюта курслари ўзгариши оқибатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби талабларида илгари қамраб олинмаган масалани ҳал қилиш орқали ёрдам беради.

Мазкур тузатишлар компаниялардан валютани бошқа валютага айрибошлаш мумкинми ёки йўқлигини баҳолашда, агар у имкони бўлмаса, валюта курсини аниқлашда ва тақдим этилиши лозим бўлган маълумотни аниқлашда изчил ёндашувни қўллашни талаб қилади.

БҲХС Кенгаши раиси ўринбосари Линда Мезон-Хуттер шундай деди: «Ушбу тузатишлар бизнинг бухгалтерия стандартларимиздаги бўшлиқни тўлдиради. Валютани бошқа валютага айрибошлаш мумкинми ёки йўқлигини баҳолаш бўйича турли хил қарашлар ва бу мумкин бўлмаганда айрибошлаш курси компанияларнинг молиявий ҳисоботида жиддий фарқларга олиб келиши мумкин. Ўзгартиришлар инвесторларга тақдим этиладиган маълумотларнинг фойдалилигини оширади».

Ўзгартиришлар **2025 йил 1 январдан кучга** киради. Бу санадан олдин қўллашга ҳам рухсат берилади.

22. МҲХС ҳисоботининг қизиқ пункти

Кўпчилик йирик компаниялар МҲХС асосидаги молиявий ҳисоботини катта тўртликка кирувчи компаниялар (БИГ4) томонидан аудитдан ўтказадилар. Ушбу БИГ4 компаниялар томонидан аудитдан ўтказилган МҲХС асосидаги молиявий ҳисоботларда қуйида мисол қилиб келтирганимиз Ўзбекистон бизнес муҳити тўғрисида доимо «Солиқ солиш муҳити» ҳам қўшиб ўтилади. Мазкур стандарт фразалар ўтган 5 йилда ўзгармай қолмоқда...

АБС компаниянинг МҲХС асосидаги молиявий ҳисоботидан олинди:

«Солиқ солиш

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли солиқларни тартибга солувчи бир қатор қонунлар мавжуд. Кўпинча қарорлар ижросини таъминлаш бўйича қоидалар ноаниқ ёки мавжуд эмас ва бир нечта прецедентлар ўрнатилган. Кўпинча қонун ҳужжатларини талқин қилишда давлат органлар орасида ҳам бир давлат органи ичида (яъни Давлат солиқ қўмитаси ва унинг турли

инспекцияларида) ҳам турли хил қарашлар мавжуд. Бу ноаниқлик ва турли низолар учун асос яратади. Солиқ ҳисоботлари, шунингдек, ҳуқуқий тартибга солишнинг бошқа соҳалари (масалан, божхона ва валюта назорати масалалари) бир нечта давлат органлари назорати остида бўлиб, улар қонун бўйича жуда катта жарималар, пенялар ва фоизларни ҳисоблаш ҳуқуқига эга.

Бу ҳолат, масалан, солиқ қонунчилиги янада ривожланган бошқа мамлакатларга қараганда Ўзбекистонда солиқ rischi эҳтимолини юқорироқ даражада яратади. Раҳбариятнинг фикрича, компания, унинг фаолиятига тааллуқли солиқ қонунчилигининг барча қоидаларига умумий ҳолда амал қилади. Бироқ, тегишли органларнинг баҳсли масала бўйича бошқача муносабатда бўлиши rischi сақланиб қолмоқда.

Раҳбарият 2022-йил 31-декабрь ҳолатига кўра, қонунни талқин қилиш мақсадга мувофиқ ва Компаниянинг солиқ, валюта ва божхона позициялари сақланиб қолади, деб ҳисоблайди».

23. Аудиторнинг мустақиллиги

Аудитдаги мустақиллик тамойили аудиторнинг аудит ўтказишда манфаатлар тўқнашуви ва тарафкашлиқдан холи бўлиши ва холислигини англатади. Бу тамойил молиявий ҳисобот бўйича аудиторнинг фикри ишончли ва асосли бўлишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Аудиторнинг мустақиллигига таҳдид соладиган кўплаб омиллар мавжуд, жумладан:

1. Мижоз билан молиявий алоқалар, масалан, мижоздан совғалар ёки кредитлар олиш.
2. Ўтмишда ёки ҳозирги вақтда мижоз билан ишлаш.
3. Мижоз раҳбарияти ёки кузатув кенгаши аъзолари билан шахсий муносабатлар.
4. Мижозга маслаҳат бериш ёки солиқ ҳисоботини тайёрлаш каби бошқа хизматларни тақдим этиш.

Аудиторлар мустақиллигига таҳдидларни юмшатиш учун қуйидаги чораларни кўришлари керак, масалан:

1. Аудиторлик ҳамкорлари ва ходимларини алмаштириш.
2. Мустақиллик бўйича аниқ сиёсат ва тартибларни белгилаш.
3. Мустақиллик билан боғлиқ барча қарорларни ҳужжатлаштириш.

Аудиторнинг мустақиллигига таҳдид солиши мумкин бўлган ҳолатларга мисоллар келтирамиз:

1. Аудиторнинг турмуш ўртоғи мижоз томонидан ишлайди.
2. Аудитор мижоз-компаниянинг катта миқдордаги акцияларига эгалик қилади.
3. Аудитор мижознинг кузатув кенгаши аъзоси ҳисобланади.
4. Аудитор мижоздан маълум миқдордан қимматроқ совға олди.

Агар Сиз аудиторингизнинг мустақиллигидан хавотирда бўлсангиз, мижоз компаниянинг аудит қўмитасига мурожаат қилишингиз керак.

Аудиторнинг мустақиллиги унинг компания тўғрисида билдирадиган фикри бир тийинга қиммат бўлмаган пайтда катта риск ҳисобланади. Албатта бу бизнинг субъектив фикримиз.

24. Россия ва Украина ўртасидаги муносабатлар

Банкларнинг 2022 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботларида умумий иқтисодий муҳитни ёритиб бериш билан бир қаторда Россия ва Украина ўртасидаги муносабатларнинг потенциал оқибатлари тўғрисида ҳам банд киритилган.

Қуйида банк молиявий ҳисоботининг ушбу қисмини хавола қиламиз:

«Геосиёсий ҳодисалар

Россия Федерацияси ва Украина ўртасидаги зиддият натижасида кўплаб давлатлар Россиянинг айрим юридик шахслари ва Россия фуқароларига қарши янги санкцияларни жорий қилдилар ва жорий этишида давом этмоқдалар. Беларус Республикасига ҳам санкциялар жорий этилди.

Қимматли қозғалар ва валюта бозорларидаги ўзгарувчанлик, импорт ва экспорт чекловлари, маҳаллий ресурслар, материаллар ва хизматларнинг мавжудлиги Россия Федерацияси, Беларус Республикаси ёки Украина билан фаол ёки муҳим алоқаларга эга бўлган компанияларга бевосита таъсир қилади. Бироқ, ҳозирги вазиятнинг оқибатлари нафақат тўғридан-тўғри, балки билвосита можарода иштирок этаётган мамлакатлар билан бевосита боғлиқ бўлган компанияларга таъсир қилиши мумкин.

Мамлакатлар аро рискларни бошқариш мақсадида Банк ўзининг коллегиал органи томонидан белгиланган чегаралар доирасида контрагентлар билан операцияларни назорат қилади, уларни мунтазам кўриб чиқади».

МХХСга мувофиқ молиявий ҳисобот тузишда глобал таъсирларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Бундай талаб МХХС стандартида тўғридан-тўғри келтирилмаган бўлса ҳам, бундай маълумот компания тўғрисида янада яхшироқ тасаввур ва тўғри қарорлар чиқаришга ёрдам беради.

25. Хом ашё ва материалларнинг фарқи

2-сон МХХС «Захиралар»га кўра захиралар ўз ичига товарлар, тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришдан ташқари хом ашёлар (production supplies) ва материаллар(Materials)ни олади.

Хом ашёлар ва материаллар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, хом ашёлар ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун ишлатилади, материаллар эса тайёр маҳсулотларни яратиш учун ишлатилади.

Хом ашёлар одатда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган ёки сарфланадиган нарсалар, масалан, мойлаш материаллари, тозалаш воситалари ва қадоклаш материалларини ўз ичига олади. Улар тайёр маҳсулотнинг таннархига киритилса ҳам, унинг таркибий қисми ҳисобланмайди.

Материаллар – бирламчи материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар каби тайёр маҳсулотни ташкил этувчи компонентлардир. Улар тайёр маҳсулотнинг бир қисми ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, хом ашё ва материаллар ўртасидаги фарқни баъзи ҳолларда аниқ кўриш имконсиз. Масалан, баъзи захиралар қандай ишлатилишига қараб хом ашё ёки материал сифатида таснифланиши мумкин. Шундай экан, захираларни таснифи муайян ҳолатларга боғлиқ тарзда ўзгариши мумкин.

26. Ер ҳақида қизиқ фактлар

Ер бухгалтерия ҳисобида одатда асосий восита ёки инвестиция кўчмас мулки сифатида таснифланади. Чунки у узоқ муддатли актив бўлиб, бир йил ичида пул маблағларига айлантирилиши кутилмайди. Агар ер одатдаги фаолият доирасида сотиш мақсадида тутиб турилган бўлса, товар ёки сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли актив сифатида жорий активлар таркибида акс эттирилади.

Ер компаниянинг баҳолаш моделига боғлиқ тарзда бошланғич қиймати бўйича ёки қайта баҳоланган қиймати бўйича ҳисобга олинади. Ер амортизация қилинмайди, яъни унинг қиймати вақт ўтиши билан харажатлар таркибига ўтказилмайди.

Ер кўплаб компаниялар учун қимматли бойлик бўлиб, ундан турли мақсадларда, масалан, янги объект қуриш, мавжуд объектни кенгайтириш ёки бошқа компанияларга ижарага беришда фойдаланиш мумкин.

Бухгалтерия ҳисобидаги активларнинг бир қисми сифатида ер ҳақида баъзи қўшимча фактлар:

1. Ер чекланган ресурс бўлиб, унинг қиймати вақт ўтиши билан ортиб боради.
2. Ер жисмоний эскиришга дучор бўлмайди, лекин у табиий офатлар ёки атроф-муҳитнинг ифлосланиши натижасида зарар кўриши мумкин.
3. Ер кредитлар учун ишончли кафолат бўлиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобида ер билан боғлиқ энг кенг тарқалган хатолардан баъзилари:

- Молиявий ҳисоботда ернинг қийматини ошкор этмаслик. Ернинг қиймати молиявий ҳисоботларда, масалан, балансда ва молиявий ҳисоботга изоҳларда ёритиб берилиши керак. Ушбу маълумот инвесторлар ва кредиторлар учун компания активларининг қийматини тушунишлари учун муҳимдир.
- Гаровни тўғри ошкор қилмасдан, ерни кредит учун гаров сифатида фойдаланиш. Агар ер қарз учун гаров сифатида фойдаланилса, ер участкасининг гарови молиявий ҳисоботда кўрсатилиши керак. Ушбу маълумот инвесторлар ва кредиторлар учун компаниянинг молиявий мажбуриятларини тушунишлари учун муҳимдир.
- Даромад ёки зарарни тўғри қайд этмасдан ерни сотиш. Ер сотилганда, сотишдан олинган даромад ёки зарар молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилиши керак.

27. WorldCom компанияси таназзули сабаби

WorldCom телеком соҳаси бўйича ўз даврининг энг муваффақиятли компанияларидан бири эди. Тўқликка шўхлик қилган бу компания ўз даромадларини миллиардлаб долларга ошириш учун сохта бухгалтерия амалиётидан фойдаланишга қарор қилади.

Бунга эришиш учун компания ҳисобга олишнинг номақбул усулларида фойдаланган, жумладан:

Алоқа каналлари бўйича сарфларни капиталлаштириш: алоқа каналлари сарфлари телекоммуникация тармоқларини қуриш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлардир. WorldCom

линия сарфларини, улар узоқ муддатли актив таърифига жавоб бериши ёки бермаслигидан қатъий назар капиталлаштира бошлаган. Бу компанияга ўз даромадларини кўпайтиришга ва харажатларни тан олишни кечиктиришга имкон берган.

Ўзбекистон амалиётида ҳам жуда кўп мулклар, улар компанияга узоқ муддат иқтисодий наф келтириши ёки келтирмаслигидан қатъий назар узоқ муддатли активлар сифатида тан олинади. Бу охир оқибат компанияни банкрот бўлишига сабаб бўлади.

Олинмаган даромадни тан олиш: компания ҳақиқатда содир бўлмаган сотувлардан даромадни тан олишни бошлаб юборади. Бу компанияга ўз даромадларини кўпайтиришга ва компанияни аввалгидан кўра кўпроқ даромадли кўринишга имкон беради.

Компания ўз даромадларини қандай оширганига оид баъзи аниқ мисоллар:

1. Компания ҳар икки томон имзоламаган савдо шартномаларидан даромадни ҳисобга олади.
2. Компания, агар бу шартлар бажарилмаган бўлса ҳам, баъзи шартлар бажарилишига боғлиқ бўлган савдо шартномаларидан тушган даромадни ҳисобга олади.
3. Компания мавжуд бўлмаган маҳсулот ва хизматларни сотишдан тушган даромадни ҳисобга олади.

Охир оқибат, компаниядаги бухгалтерия фирибгарлиги компаниянинг қулашига ва унинг бир неча топ-менежерларига айблов эълон қилинишига олиб келди. Шунингдек, бундай фирибгарлик телекоммуникация соҳасига ишончнинг йўқолишига ва банкротлик тўлқинига олиб келди.

28. Компаниядан манфаатдор томонлар

Бухгалтерия ёки аудит, солиқ маслаҳати соҳалари бўйича иш фаолиятини бошлаган ёш мутахассисларимиз учун кичик маслаҳат! Сиз фаолияти олиб бораётган ёки ундаги лойихада иштирок этаётган компаниянинг манфаатдор томонларини таниб олинг. Қолаверса, уларни компаниядан манфаатларини тушуниб олинг.

Халқаро адабиётларда компаниянинг манфаатдор томонлари икки тоифага бўлинади: ички ва ташқи манфаатдор томонлар. Ички манфаатдор томонлар бу компаниянинг ходимлари ва директорлари. Ташқи манфаатдор томонлар эса бу инвесторлар, харидорлар, етказиб берувчилар, молиялаштирувчи компаниялар, давлат ва жамият.

Манфаатдор томонлар

Инвестор: компаниядан ўз инвестицияси бўйича самарали даромад (дивиденд) олишни ва директорлардан шаффоф ҳисобдорликни кутади. Шунинг учун компания ягона мулкдори ўз бизнесини ўзи директор сифатида бошқарган компанияларда низолар кам бўлади. Лекин, йирик компанияларда бундай самарадорлик тўғри корпоратив бошқарув тизим орқали эришилади.

Директор: компаниядан яхши иш ҳақи ва бонуслар олишни хоҳлайди. Уларни компанияга лояллигини ошириш мақсадида инвесторлар кўпинча фаолият натижаларига ёки КРІга

боғланган бонуслар ёки компания акцияларини таклиф қиладилар. Бундай таклиф беришда компаниянинг нафақат йиллик фойдаси ўсишини балки узоқ йиллик стратегиясини ҳам инобатга олиш лозим. Акс холда директор узоқ муддатли лекин катта фойда келтириши мумкин бўлган лойихаларга қўл урмайди.

Харидорлар: компаниядан сифатли ва нисбий арзон маҳсулотларни узоқ муддат давомида таъминлаб беришини кутишади. Айниқса харидор жисмоний шахс эмас, бизнес субъекти бўлган тақдирда компаниядан узоқ муддатли хамкорликни кутиши мумкин. Бунинг учун компания ўз манфаатдор томонларига молиявий ҳолати ва молиявий натижалари тўғрисида шаффоф маълумотни тақдим этиши лозим. Масалан, компания веб сайти орқали.

Етказиб берувчилар: компаниядан ўзлари етказиб берган товарлар ва хизматлар учун тўловни ўз вақтида таъминлашини кутадилар. Яъни компаниянинг ликвидлилик ҳолати етказиб берувчилар учун муҳим фактор ҳисобланади.

Молиялаштирувчи компаниялар: компаниядан ўзлари берган қарзларни ўз вақтида қайтарилишини кутадилар. Қолеверса, банклар мисолида компания фаолиятини натижасига боғлиқ бўлмаган фоизларни ҳам таъминлаши кутилади. Компания фаолият учун зарур маблағларни топишда барча рисклар ва нафларни ҳамда ахлоқий тамойилларни қўллаган ҳолда молиялаштирувчи томонларни танлаши керак бўлади.

Давлат: компаниядан солиқ қонунчилигига риоя қилган ҳолда солиқларни ўз вақтида таъминлаши ва умумий иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун статистик ёки молиявий ҳисоботларни таъминлашини кутади. Компанияда инвесторлар ва давлат манфаатлари ўзаро паралел жойлашган. Яъни инвестор ҳам кўпроқ даромад олишни ҳоҳлайди, давлат ҳам солиқ тушумларини иқтисодий ривожланишга мутаносиб ўсишини таъминлашга ҳаракат қилади. Лекин, инвестор ўзи бизнесни ўзи бошқарган тақдирда ёки директорлар бонуси компания соф фойда кўрсаткичига боғлиқ бўлганда, солиқларни қонуний ёки ноқонуний айланиб ўтиш ҳолатлари кўпроқ учраши мумкин.

Ходимлар: компаниядан узоқ муддатда барқарор иш ҳақи билан таъминлашини кутадилар. Кўпинча бундай кутишлар компания ичидаги шивир-шивирлар орқали баҳоланади. Масалан, компания ходимлари ўзлари фаолият юритаётган филиалнинг ёпилишини компания молиявий ҳисоботи ёки компания ичида раҳбариятнинг олдиндан огоҳлантиришидан эмас, «Йўғеее» деб бошланадиган хабарчилардан эшитадилар. Молиявий саводхон ишчи компаниядаги ўз фаолияти давомийлигини компаниянинг ўтган йиллардаги молиявий натижалари ва ҳолатига, қолаверса, ўзининг моддий маънавий ўсиши имкониятига кўра аниқлаши мумкин, агар бундай маълумот уларга очиқ бўлса, албатта.

Жамият – компаниядан улар яшаётган худудни, атроф муҳитни ифлослантirmаслиги, шовқин солмаслиги, янги иш ўринларини очиши, иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшишини кутишади. Жамиятнинг бундай кутишларини стандартлаштириш мақсадида МХХС фонди янги йўналиш Барқарорлик стандартларини ишлаб чиқишга киришган. Мазкур стандартлар катта 20лик давлатлар томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда.

29. Янги МҲХС стандарти

МҲХС фонди томонидан янги стандарт ишлаб чиқиладиганлиги хабар қилинди. Бу барчага таниш бўлган 1-сон МҲХС «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш»нинг ўрнини босувчи стандарт бўлади. Мазкур стандарт 1975 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирга қадар фақат муайян ўзгартиришлар киритилган ҳолда амалда бўлган.

Ана шу стандартни ўрнини босадиган 18-сон МҲХС кейинги йилнинг иккинчи чорагида эълон қилинишига қарамай, кучга кириш санаси 2027 йил қилиб белгиланиши кутилмоқда. Демак, молиявий ҳисобот шаклининг фундаментал ўзгаришини кутишимиз мумкин.

Янги 18-сон МҲХС барча компанияларга таъсир қилади ва компанияларнинг молиявий натижалари тўғрисида тақдим этадиган маълумотларини яхшилайти.

Янги стандарт учта асосий такомиллаштиришни тақдим этади. Бу компаниялардан иккита янги мажбурий оралиқ суммани, шу жумладан операция фойдани тақдим этишни талаб қилиш орқали фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботга янада қатъийлик киритади. Бу компанияларга раҳбарият томонидан белгиланган самарадорлик кўрсаткичларини, агар улар ошқоралиқни таъминлаш учун қандай тақдим этилишига оид маълум талабларни тақдим этишни хоҳласа, киритиш имконини беради.

30. Дивиденд тақсимлаш маданияти

Компания соғлиги учун энг муҳим операциялардан бири бу дивиденд тақсимлаш ҳисобланади. Олдинги фаолиятимиз мобайнида дивидендларни тўғри тақсимлаш бўйича бир лойиҳага дуч келгандик. Шу лойиҳани умумий мазмунини сизларга ёритиб бериш билан бир қаторда, қатта ёки кичик компания бўлишидан қатъий назар тақсимланадиган фойда суммасини аниқлаш компания келажаги учун ўта муҳим қарор эканини эслатиб ўтаемиз.

Компания мулкдорлар даромадини максимал даражада оширишни мақсад қилади ва бунга ўсиш суръати орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблайди. Компания мулкдорларни дивидендлар орқали мукофотлаш ва Компаниянинг ўсиши ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун этарли фойда сақланиб қолишини таъминлаш ўртасида мақбул мувозанатни сақлашга интилади. Бунинг учун дивиденд ҳисоб-китобини изчил ёндашувини белгилаш лозим.

Дивиденд нима?

Дивиденд - бу компаниянинг фойдадан мулкдорларга (акциядорларга) тегишли акциялар бўйича тўланган суммасига мутаносиб равишда тўлайдиган сумма. Дивидендлар оралиқ ва якуний бўлиши мумкин. Йил давомида оралиқ молиявий натижаларга кўра тақсимланадиган фойда оралиқ дивиденд деб аталади. Йиллик молиявий ҳисоботларга мувофиқ тақсимланадиган фойда якуний дивиденд деб аталади.

Дивиденд берилмайдиган ҳолатлар (ҳалқаро тажриба)

Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор ҳаётий қарор бўлиб, унинг мулкдорлар (акциядорлар) ўртасида тақсимланиши керак бўлган фойда миқдори ва компаниянинг келажак-

даги ўсиши ва модернизациясини кенгайтириш режаси учун бизнесда қоладиган фойда миқдорини белгилайди. Компания мулкдорларини(акциядорларини) мукофотлаш билан бир қаторда ўзининг яқин ва узоқ муддатли талабларини таъминлаш учун прогрессив ва динамик дивидендларни тақсимлаш сиёсатини қабул қилишни давом эттиради. Молиявий йил учун дивиденд миқдори қонунчилик, иқтисодий, бозор, саноат, ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда Кузатув Кенгаши томонидан қарор қабул қилинади/тавсия қилинади.

Жамият қуйидаги ҳолларда дивидендлар эълон қилиши мумкин эмас (ҳалқаро тажриба):

1. компания зарар кўрган ёки фойда этарли бўлмаган тақдирда;
2. агар компания юқори капитал ажратишни, айланма маблағларни, илгари олинган кредитларни қайтаришни талаб қиладиган капитал маблағларга бўлган эҳтиёжи бўлса;
3. пул маблағларининг этарли даражада мавжуд эмаслиги; ва
4. муқобил манбалардан маблағларни жалб қилишнинг қимматлиги;

Дивиденд тақсимлашда ҳисобга олинadиган факторлар:

1. Молиявий йил учун фойда, шунингдек компаниянинг умумий захиралари.
2. Келгусидаги фойда ва пул оқимларининг прогнозлари;
3. Қарз олиш даражаси ва қарз олиш қобилияти, шу жумладан қайтариш мажбуриятлари;
4. Компаниянинг жорий ва келгусидаги капитал харажатлари режалари, шу жумладан органик/ноорганик ўсиш йўллари;
5. Амалдаги солиқлар, шу жумладан дивидендга солинадиган солиқлар ставкаси;
6. МЧЖ/АЖ тўғрисидаги қонун ёки бошқа қонун ҳужжатлари қоидаларига риоя қилиш;
7. компания ўзи фаолият юритаётган соҳа бўйича компанияларнинг дивиденд тақсимлаш тенденцияси;

Кузатув кенгаши томонидан дивиденд суммасини тавсия қилишда пулсиз операциялар истисно қилиниши мумкин. Яқуний сўзни умумий йиғилиш қарори ҳал қилиши ҳаммага маълум. Лекин, умумий йиғилиш қарори соғлом ёки носоғлом қарор экани йиллар ўтиб ўз сабабини кўрсатади.

31. Бухгалтерия ҳисоби нечта ўзи?

Шу кунларда бир мақолага кўзим тушиб қолди. Унда айтилишича, бир ривожланган мамлакатда йирик компания 3 хил бухгалтерия ҳисоби юритгани аниқланган.

Биринчиси солиқ ҳисоби бўлиб, расмий ҳолда солиқларни ҳисоблаш учун юритилган. Шу ерда қўшимча қиламиз, солиқ ҳисоби компаниянинг соф фойдасини холис тақдим этишни эмас, балки компания солиқ солинадиган фойдасини холис тақдим этишни назарда тутди.

Иккинчи ҳисоб бу солиқ идорасидан кўра кўпроқ лекин ҳақиқатдан кўра пастроқ фойдани акс эттирувчи ҳисоб юритилган. Бу асосан, миноритар акциядорларга ортиқча дивиденд тўламаслик учун юритилган ҳисоб бўлган.

Учинчиси, супер бухгалтерия ҳисоби бўлиб, буни фақат битта мажор акциядор учун юритилган. Бу ишнинг энг қизиғи шундаки, мажор акциядор компанияда ишламаганликла-

ри ва ҳар доим кўпроқ дивидендлар сўраганлари учун бошқа акциядорлардан ҳақиқатни яширган.

Хуллас, компанияда инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун чоралар кўрилмаган компанияларга инвесторлар келмаслиги ёки фақат қарз шаклида инвестиция киритиши ёки рискни жуда юқори баҳолаган ҳолда кафолат орқали инвестиция киритиши мумкин.

32. Фирибгарлик аломатлари

Компанияларда (2011-2013 йилларда) фирибгарликка йўл қўйилган ҳолатлар бўйича КРМГ томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича фирибгарликка йўл қўйган ходимларнинг характеристикаси тўғрисида қуйидаги қизиқарли маълумотлар аниқланган:

1. Уларнинг 79%и эркаклар;
2. Уларнинг 68%и 36-55 ёш оралиғида;
3. Уларнинг 65%и шу компанияда фаолият юритади;
4. Улар кўпинча бошқарув ва молия департаментида ишлайди;
5. Улар бошқарув вазифаларини бажаради;
6. Улар кўпинча компанияда 10 йилдан ортиқ фаолият олиб борган бўлади;
7. Фирибгарликка сабаб уларнинг очкўзлиги ёки ўта қийинчиликка тушиб қолгани сабаб бўлган;
8. Фирибгарликларнинг 75%и аниқланишидан олдин 5 йилгача давом этган;
9. Уларнинг кўпчилиги олдинги иш жойида ҳам фирибгарлик билан қўлга тушган;

Шунингдек, уларнинг шахсий характери бўйича қуйидагилар келтирилган:

1. Уларнинг кўпчилиги ҳашаматли ҳаёт тарзига эга бўлган;
2. Уларнинг кўпчилиги қўл остидаги ходимларни кўпинча ҳақорат қилган ва менсиманган;
3. Уларнинг кўпчилиги медида жуда фаол бўлган.

33. Бухгалтернинг иш ҳақиға таъсир кўрсатувчи омиллар

Компанияда 10 йилдан бери бухгалтерсиз. Ишингиздан зериккансиз. Компания ротация қилиб бошқа бухгалтерия соҳаларига ўтказмаслигидан нолийсиз. Лекин, агар шундай имконият берилса, ўзингизга қулай бўлган ишдан ажралишдан аслида кўрқасиз...

Юқоридаги ҳолатлар кимда учраса, унда ўзгаришлар вақти келди. Бугунги постимизда қайси омиллар сизни иш ҳақингизга тўғридан-тўғри боғлиқ эканини тушунтиб берамиз.

1. Тажриба: Кўпроқ тажрибага эга бухгалтерлар камроқ тажрибага эга бухгалтерларга қараганда кўпроқ маош олишлари турган гап. Тажрибани оширишнинг энг яхши йўли бу кўнгилли ёрдамчи бўлишдир. Ёрдамни ўз жамоангиздан бошланг. Ўз вазифаларингизни яқунлагандан сўнг, ҳамкасбингизга ёрдам бериш таклифини билдиринг. Бу ўз вақтингизни тажриба олиш учун инвестиция қилган бўласиз.

2. Малака: ДипИФР ёки АССА каби профессионал малакага эга бухгалтерлар касбий малакага эга бўлмаган бухгалтерларга қараганда юқори маош олишлари мумкин. Бунинг сабаби, сертификатлар нафақат назарий билимни оширишга, балки халқаро трендда бўл-

ган муаммолардан сизни ҳабардор қилади ва компаниядаги ҳолатлар бўйича сизда янги ечимларни пайдо қилади. Бу баъзан 20 йиллик тажрибага эга бухгалтерни ҳам хайратлантириши мумкин.

3. Компания кўлами: Каттароқ компанияларда ишлайдиган бухгалтерлар кичикроқ компанияларда ишлайдиган бухгалтерларга қараганда юқори маош олишлари мумкин. Бунинг сабаби, бухгалтернинг маъсулияти ва бажарадиган иш кўламига боғлиқ. Йирик компанияда турган гапки, бир операция ҳам ўта катта маъсулиятни ва хушёрликни талаб қилади.

4. Компания фаолият соҳаси: Молия ёки нефт ва газ каби муайян соҳаларда ишлайдиган бухгалтерлар бошқа соҳаларда ишлайдиган бухгалтерларга қараганда юқори маош олишлари мумкин. Бундай компанияларда бухгалтер сифатида ишлаш учун соҳанинг ўзига хос жихатлари ва бизнес жараёнларни ҳам яхши тушуниш талаб этилади.

34. Устав капиталига бадаллар ҳисоби

Амалиётда кўп учрайдиган ўтказмалардан бири бу жамият устав капитали тасдиқланиши ва бироз муддат ўтгандан сўнг таъсисчилар томонидан унинг тўланиши ҳисобланади.

Миллий стандарт (БХМС)га мувофиқ бундай операцияни устав тасдиқланган санага қуйидаги ўтказма берилади:

1. Устав капитали тасдиқланди.

Д-т 4610 Таъсисчиларнинг қарзи

К-т 8330 Устав капитали

Агар ҳисобот даври якунига мазкур таъсисчининг қарзи тўланмаган бўлса, компания балансида дебиторлик қарзи сифатида акс этирилади. Бундай акс этириш концептуал жихатдан қанчалик тўғри? Молиявий ҳисобот маълумотларини энг аввало мулкдорларга таёрланган бўлса, баланс компания таъсисчидан ҳақдор қилиб кўрсатилиши мантиқан тўғрими? Қолаверса, компаниянинг бундай дебиторлик қарзи ликвидми? Компанияни ликвид қилиб кўрсатиш учун бундай акс этириш манипуляция инструменти бўлиб хизмат қилмаяптими?

Бу каби саволларга халқаро стандартлар (МҲҲС) орқали жавоб топишга ҳаракат қиламиз. МҲҲСга мувофиқ мазкур операция қуйидагича акс этирилади:

1. Устав капитали тасдиқланди.

Д-т Тўланмаган капитал (контр пассив)

К-т 8330 Устав капитали

Тўланмаган устав капитали дебиторлик қарзи каби актив сифатида тақдим этилмайди, чунки у учинчи шахсдан активларни олиш ҳуқуқини назарда тутмайди. Дебиторлик - бу компаниянинг мижоздан ёки бошқа учинчи шахслардан активларни олиш ҳуқуқини ифодаловчи активдир. Мисол учун, агар компания товар ёки хизматларни қарзга сотса, у бухгалтерия ҳисобида дебиторлик қарзини акс эттиради.

Бошқа томондан, тўланмаган устав капитали компаниянинг таъсисчилари билан операция бўлганлиги сабабли, хусусий капитал ичида акс эттирилади. Бундан ташқари, тўланмаган устав капитали ликвид эмас. Бу шуни англатадики, уни осонлик билан пул маблағларига айлантириб бўлмайди. Агар компания пул маблағларини йиғиши керак бўлса, у ўзининг тўланмаган устав капиталини шунчаки талаб қила олмайди. Чунки компания якуний қарорлари унинг таъсисчиларининг ўзига боғлиқ.

Юқоридаги сабабларга кўра, тўланмаган устав капитали балансда актив сифатида кўрсатилмаслиги керак. Бу компаниянинг контр пассив моддаси ҳисобланади ва у ликвид эмас.

35. Ташкилотга таъсир кўрсатувчи омиллар

Бухгалтерия ва аудит соҳасидаги кўпчилик халқаро сертификатлар кўпинча бизнес ва ташкилотни моҳиятини тушунишни талаб қилади ва айнан шу йўналиш бўйича бухгалтерларни билимини синаб кўради. Бугундан бошлаб шу мавзу бўйича ҳам муайян мавзулар бўйича билимларни улашиб борамиз. Айнан бизнес ва ташкилот тўғрисидаги маълумотларни келгусида осонроқ топилиши учун #бизнес хаволаси орқали қидириб топишингиз мумкин.

Ташкилотга таъсир кўрсатувчи омиллар икки қисмга бўлинади: Макро омиллар ва микро омиллар. Бугун макро омиллар тўғрисида гаплашамиз. Макро омилларни халқаро тан олинган PEST таҳлили асосида амалга оширилади. PEST сўзи инглиз тилидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик каби сўзларнинг бош харфларидан олинган. Демак, мазкур таҳлил бўйича ташкилотга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган макро омиллар тўртта қисмга бўлинмоқда: сиёсий омиллар, иқтисодий омиллар, ижтимоий омиллар ва технологик омиллар.

PEST таҳлили бизнес ёки ташкилотга таъсир қилиши мумкин бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик омилларни аниқлаш ва баҳолаш учун фойдаланиладиган воситадир. Бу стратегик режалаштириш ва қарорлар қабул қилиш учун фойдали восита ҳисобланади, чунки у корхоналарга ўзлари фаолият юритаётган ташқи муҳитни тушунишга ҳамда потенциал имкониятлар ва таҳдидларни аниқлашга ёрдам беради.

Сиёсий омил

Сиёсий омилларга давлат сиёсати, қоидалар ва солиқ солиш киради. Бу омиллар бизнесга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин, чунки улар бизнесни юритиш харажатларига, ресурсларнинг мавжудлигига, маҳсулот ва хизматларга бўлган талабга таъсир қилиши мумкин. Масалан, янги смартфон ишлаб чиқармоқчи бўлган компания смартфонлардан фойдаланиш бўйича қонунчиликдаги қоидалар, соҳага берилган енгилликлар, солиқ ставкаларини билиши лозим.

Иқтисодий омил

Иқтисодий омилларга инфляция, фоиз ставкалари ва ишсизлик даражаси киради. Бу омиллар истеъмолчилар ва корхоналарнинг харид қобилиятига таъсир кўрсатиш орқали, шунингдек, меҳнат ва бошқа материаллар нархига таъсир қилиш орқали корхоналарга таъсир

қилиши мумкин. Бунга смартфон ишлаб чиқариши мисолида, харидорларнинг сотиб олиш қобилияти, рақобатчи компания смартфонлари нархи каби омиллар киради.

Ижтимоий омил

Ижтимоий омиллар демографик ҳолат, маданий тенденциялар ва ижтимоий қадриятларни ўз ичига олиши мумкин. Ушбу омиллар маҳсулотлар ва хизматларга бўлган талабга таъсир кўрсатиши ва ходимлар ва мижозларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир қилиш орқали корхоналарга таъсир қилиши мумкин. Смартфон ишлаб чиқариш лойихаси бўйича бундай маҳсулотнинг харидорлар ўртасида оммалашганлиги, истеъмолчиларнинг ўзгарувчан эҳтиёжлари каби омиллар киради.

Технологик омиллар

Технологик омилларга янги технологиялар, ихтиролар ва инновациялар кириши мумкин. Бу омиллар корхоналарга янги имкониятлар яратиш, мавжуд бозорларни бузиш ва корхоналарнинг ишлаш услубини ўзгартириш орқали таъсир қилиши мумкин. Смартфон лойихаси бўйича бундай маҳсулотда харидорлар учун зарур дастурлар ва аксессуарларнинг мавжудлиги каби омиллар киради.

Таҳлил қандай ўтказилади?

PEST таҳлилинини ўтказиш учун компаниялар ўз фаолият соҳаси ва ўзига хос бизнесига тегишли бўлган асосий омилларни аниқлашлари керак. Ушбу омиллар аниқлангандан сўнг, компаниялар ҳар бир омилнинг ўз бизнесига потенциал таъсирини баҳолашлари лозим. Ва ниҳоят, компаниялар рискларни камайтириш ва аниқланган имкониятлардан фойдаланиш стратегияларини ишлаб чиқишлари керак.

PEST таҳлили барча ҳажмдаги компаниялар учун қимматли воситадир, чунки мазкур таҳлил улар фаолият юритаётган ташқи муҳитни яхшироқ тушунишга ёрдам беради ва уларнинг келажаги ҳақида кўпроқ асосли қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

36. Қурилиш учун фоизларни капиталлаштириш

Охириги йилларда қурилиш компаниялар ва қурилиш билан боғлиқ операциялар кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга бундай қурилиш объектлари учун жалб қилинган қарз маблағларининг фоиз харажатлари солиқ мақсадларида капиталлаштирилиши бўйича саволлар туғилиши табиий.

Buhgalter.uz сайтида эълон қилинган Қурилиш объектлари бўйича жалб қилинган қарзлар бўйича фоизларни қандай ҳисобга олиш керак? деб номланган мақолада қуйидаги хулоса берилган: **Солиқ ҳисоби мақсадларида мақсадли кредит бўйича фоиз харажатлари фақат ушбу активни қуришда амортизация қилинадиган квалификацияланган активнинг қийматига киритилади.**

Мазкур хулосага келиш учун Солиқ кодексининг 310-моддаси талабларини ҳам ҳисобга олиш лозим эди.

01.01.2022 гача	01.01.2022 дан бошлаб
Солиқ тўловчининг қарз мажбуриятлари (кредитлар, товар ва тижорат кредитлари, қарзлар, банк омонатлари, банк ҳисобварақлари ёки расмийлаштириш усулидан қатъи назар, бошқа жалб қилинган маблағлар) бўйича фоизлар тарзидаги харажатлари (бундан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликда капиталлаштириш учун рухсат берилган харажат мустасно) ушбу Кодекснинг VI бўлимида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда, ҳақиқий ставкадан келиб чиқиб, чегириб ташланади	Солиқ тўловчининг қарз мажбуриятлари (кредитлар, товар ва тижорат кредитлари, қарзлар, банк омонатлари, банк ҳисобварақлари ёки расмийлаштириш усулидан қатъи назар, бошқа жалб қилинган маблағлар) бўйича фоизлар тарзидаги харажатлари ушбу Кодекснинг VI бўлимида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда, ҳақиқий ставкадан келиб чиқиб, чегириб ташланади

Ушбу ўзгаришни киритилишдан айна кўзланган мақсад бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобини бир биридан ажратиш ҳамда солиқ қоидаларини мулоҳазага эмас, қоидаларга асослан-тириш томон киритилган ўзгаришлардан бири ҳисобланади. Сабаби, МХХС асосида ҳисоб юритувчи компанияларда қарзлар эффе́ктив фоиз ставкаси бўйича харажатларга ёки капи-таллаштиришга йўналтирилади. Қолаверса, МХХС стандарти бўйича қарз билан боғлиқ курс фарқларини ҳам капиталлаштириш ҳолати мавжуд. Солиқ мақсадларида бу қоидани қабул қилиниши солиқ текширувларини қийинлаштиради.

Солиқ мақсадларида ҳақиқий ставкадан (шатрномада кўрсатилган) келиб чиққан ҳолда фоиз харажатлари ҳисобланиши ва қарзларни қайси мақсадда ишлатилишидан қатъий назар солиқ мақсадларида чегирилиши назарда тутилган.

Қарз олиш сарфлари бухгалтерия ҳисоби мақсадларида капиталлаштирилиши мумкин бўлса ҳам солиқ мақсадларида капиталлаштирилмайдиган баъзи мамлакатлар, жумладан Австралия, Канада, Франция, Япония, Нидерландия.

Нега бу мамлакатларда қарз олиш бўйича фоиз харажатлари солиққа тортиш мақса-дида капиталлаштирилмайди?

Ушбу мамлакатларда қарз олиш сарфлари солиқ мақсадларида капиталлаштирилмаслиги-нинг бир неча сабаблари бор:

- **Солиқ тизимини содалаштириш учун.** Қарз олиш сарфларини капиталлаштириш мураккаб жараён бўлиши мумкин ва солиқ органлари солиқ тўловчиларни кўшимча маъмурий юк яратишни хоҳламаслиги мумкин.
- **Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.** Қарз олишни қимматроқ қилиш орқали дав-латлар бизнесни қарз олиш ва янги лойиҳаларга сармоя киритишдан қайтаришга уринаётган бўлиши мумкин.

37. Ижара ва хизматнинг ўртасидаги фарқ нимада?

Амалиётда кўп учрайдиган ҳолат бирор объектни бошқа томонга фойдаланиш учун берилиши ижара ёки хизмат сифатида қаралиши. Масалан, Тошкентга хизмат сафарига келдингиз, бирор квартирани ижарага олишингиз мумкин ёки мехмонхона хизматидан фойдаланишингиз мумкин. Сиз учун ҳар иккиси бир хил мақсаддаги эҳтиёжингизни қондиради.

Лекин даромад олувчи томон бу икки операциядан икки хил даромадни акс эттиради. Биринчи оператив ижара даромади, бошқаси мехмонхона хизмати даромади. Бошқа бир мисол, хусусий университет ўз талабаларига ётоқхонадан фойдаланиш имконини бермоқда. Бу хизмат ижарами ёки ётоқхона хизмати?

16-сон МҲХС «Ижара» стандарти ушбу фарқни жуда яққол ва зарур омиллар билан тушунтириб берган. Ушбу омилларни беш кадамли жараён орқали тушунтириб берамиз:

1-қадам. Актив идентификацияланганми? Агар жавобингиз «йўқ» бўлса, кўрсатилаётган хизмат ижара ҳисобланмайди ва жараён шу ерда якунланади. Аксинча, жавобингиз «Ҳа» бўлса, кейинги қадамга ўтамиз.

Активнинг идентификацияланганлиги унинг шартномада объект барча белги, ўлчам ва бошқа характеристикаси билан кўрсатилган бўлиши лозимлигини англатади.

Ушбу қадамни тўлиқ тушуниш учун 16-сон МҲХСнинг В13-В20 бандларини ўқинг.

2-қадам. Объектдан фойдаланиш муддати мобайнида харидор деярли барча иқтисодий нафларни олишга ҳақлими? Агар жавобингиз «йўқ» бўлса, кўрсатилаётган хизмат ижара ҳисобланмайди ва жараён шу ерда якунланади. Аксинча, жавобингиз «Ҳа» бўлса, кейинги қадамга ўтамиз.

Ушбу қадамни тўлиқ тушуниш учун 16-сон МҲХСнинг В21-В23 бандларини ўқинг.

3-қадам. Объектдан қайси мақсадда фойдаланишни белгилаш ҳуқуқи кимда? Бу саволга жавоб хизмат кўрсатувчи бўлса, битим ижара ҳисобланмайди. Агар жавоб харидор бўлса, битим ижара ҳисобланади ва жараён шу ерда тўхтатилади. Агар жавобингиз «номаълум» бўлса, кейинги қадамга ўтамиз.

Ушбу қадамни тўлиқ тушуниш учун 16-сон МҲХСнинг В25-В30 бандларини ўқинг.

4-қадам. Объектдан фойдаланиш тартибини хизмат кўрсатувчи белгилашга ҳақли бўлмагани ҳолда харидор ўзи белгилашга ҳақлими? Агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, кўрсатилаётган хизмат ижара ҳисобланади ва жараён шу ерда якунланади. Аксинча, жавобингиз «йўқ» бўлса, кейинги қадамга ўтамиз.

Ушбу қадамни тўлиқ тушуниш учун 16-сон МҲХСнинг В24(b)(i) бандини ўқинг.

5-қадам. Объектни бутун фойдаланиш мобайнида муайян мақсадда фойдаланиш учун дастлаб дизайн ва қайта лойihalаш ишлари харидор томонидан амалга оширилганми? Агар жавобингиз «йўқ» бўлса, кўрсатилаётган хизмат ижара ҳисобланмайди ва жараён шу ерда якунланади. Аксинча, жавобингиз «Ҳа» бўлса, битим ижара ҳисобланади ва жараён шу ерда якунланади.

Ушбу қадамни тўлиқ тушуниш учун 16-сон МХХСнинг В24(b)(ii) бандини ўқинг.

Юқоридаги саволларга ушбу 5 қадамли моделни қўллаш орқали хизмат ва ижара ўртасидаги фарқни аниқ тушуниб олинг. Чунки, улар ўртасидаги фарқнинг иқтисодий моҳиятини шунчаки шартнома тузиш орқали яшира олмайсиз.

38. Катта тўртлик аудит ташкилотлари

Экспертлар таъкидлашicha, кўпайиб бораётган текширувлар ва жарималар аудит секторида «Катта тўртлик» ҳукмронлигига ёрдам беради, бу ишончлилиқ, инновациялар ва соҳанинг ўсиш темпига путур этказиши мумкин.

Бундай реакция Молиявий Ҳисобот Кенгаши (МХК) (МХК Буюк Британияда регулятор хисобланади) ўрта аудиторлик фирмалари ва ушбу фирмаларда ишлайдиган мутахассислар учун 2021-2022 йиллар ва 2022-2023-йилларда олтига жарима солганини аниқлаганидан кейин пайдо бўлган. Бу 2020-2021 ва 2019-2020 йилларда берилган жарималарга қараганда уч баравар кўплигини англатади.

Ўрта даражадаги аудиторлик фирмалари суғурта ва профессионал товон тўловини амалга оширолмасликлари сабабли, бу уларнинг йирик листингга кирган компанияларда аудиторлик текширувларини ютиб олишларини қийинлаштириши мумкин. Бу аудит бозорининг катта тўртлик фирмалари қўлида янада тўпланишига олиб келиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий тартибга солишнинг таъсири

Ҳақиқатан ҳам, МХК ўз текширувчилари сонини кўпайтириши, кичик аудит фирмаларни тобора кўпроқ текшириш ва сифатсиз аудитлар учун рекорд даражада жарималар чиқариши билан ўрта ва кичик аудит ташкилотларга ҳам ўзлари учун ҳам қийин бўлган сценарийни келтириб чиқаради.

Бу вазифа осонлашаётганга ўхшамайди, чунки ўрта аудит фирмаларга каттароқ аудит лойиҳаларига киришга ёрдам берадиган қонунчилиқ режалари ёз охирида тўхтатилган ва МХК ушбу янгилик пайтида аудит соҳасидаги рақобатбардошлиқни ошириш учун уларга қонунчилиқ ёрдами кераклигини айтган.

Листингга кирган корхоналарга ўрта аудиторлик фирмалари яхшироқ хизмат кўрсатиши мумкин бўлса-да, муаммо шундаки, катта тўртлик фирмалари каби мижозларга хизмат кўрсатиш учун уларда истеъдодлар етишмаслиги кузатилади. Катта тўртлик эса ҳар доим ўзининг энг яхши истеъдодлари билан бундай йирик лойиҳаларга бостириб киришга муваффақ бўлган.

Аудит соҳасида рақобатбардошлиқни ошириш стратегиялари

Юқоридаги саналган муаммоларга қарамасдан, МХК кичик ва ўрта аудиторлик фирмалари билан йирик аудит лойиҳалари ва аудит сифатини қандай сақлаб қолиш ҳақида кўпроқ маълумот алмашиш устида ишламоқда.

Эксперт фикрича, листингга кирган йирик компаниялар аудити эҳтиёжларини қондириш учун методология ва дастурий таъминотга сармоя киритиш зарурати кичик ва ўрта аудит фирмалар учун имконсиз бўлиши мумкин. Бошқа бир эксперт эса, йирик компаниялар Катта тўртлик томонидан таклиф қилинган хизмат асосида эришиши мумкин бўлган ресурслар ва глобал имкониятлардан воз кечишни истамаслиги мумкин деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон тажрибаси

Хозирча, аудиторлик ташкилотлар иши сифати назорат қилинмайди. Йирик давлат улушидаги корхоналар Катта тўртлик томонидан аудит қилиниши афзал кўрилади. Катта тўртлик аудит ташкилотлари сифатига шунчаки ишонилади.

Фикримизча, аудит ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳити, шаффофлик, ва сифатни назорат қилиш бошланганда аудит қилинаётган компанияларнинг ахволи ва уларнинг қонун талабларига лояллиги янада ошган бўларди.

39. Энг кўп хатолар яшириладиган счетлар

Жуда кўп компанияларда муаммоли бўлган масалаларни ўзида яширадиган бухгалтерия счетларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

0810 «Тугалланмаган қурилиш» смети. Бу счет торнадога ўхшайди. Компанияда қурилиш бошланиши билан ўша қурилиш ёнида бир пиёла чой ичсанг хам қурилиш таннархига кириб кетади. Харажатлар айнан қурилишга тегишлими, нормадан ортиқча эмасми деган саволларга хозирча миллий стандартлардан жавоб топа олмайсиз.

3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» смети. Бу счет амалиётда икки мақсадда фойдаланилмоқда. Биринчиси, актив ва пассив баланс бермай қолганда активга сумма киритиш, иккинчиси компания фойдасини ошириб кўрсатиш мақсадида харажатларни сунъий тарзда кечиктириш. «Ия нима кераги бор фойдани оширишни, солиқ кўпайиб кетадику» дейишингиз мумкин. Агар сиз директор бўлиб сизни йиллик бонусларингиз фойдага боғлиқ бўлган компанияда ишласангиз, ушбу саволга жавоб топасиз.

9430 «Бошқа операция харажатлар» смети. Аралаштириб юбор, бир гап бўлар деган счет мана шу бўлади. Агар компанияда бу счетни тенденциясини кузатиб бирор маъноли хулоса қидирсангиз хато қиласиз.

Юқорида кўп учрайдиган бухгалтерия тажрибаси тўғрисида ёздик. Тартиб ва интизом билан бухгалтерия провдқаси берадиган бухгалтерларимиз албатта жуда кўп. Барчаларининг машаққатли фаолиятига омад тилаймиз.

40. Савдо белгиси

Савдо белгилари - бу компаниялар ёки маҳсулотларни идентификация қилувчи номлар ёки белгилар. Улар давлат томонидан рўйхатга олинishi ва абадий қолиши мумкин. Компаниялар брeндни тан олиш учун товар белгиларига сармоя киритадилар. Ўзларининг савдо белгиларини ҳимоя қилиш учун компаниялар юридик маслаҳат тўловлари ва реклама учун кўп пул сарфлашади.

Савдо белгиси ҳисобда акс эттириладими?

Компаниялар тез-тез илмий ёки техник билим, янги жараёнлар ёки тизимларни лойиҳалаш ва жорий этиш, лицензиялар, интеллектуал мулк, бозор тўғрисидаги билимлар ва савдо белгилари (жумладан, фирма номлари ва чоп этиш ҳуқуқлари) каби номоддий ресурсларни харид қилиш, ишлаб чиқиш, сақлаб туриш ёки такомиллаштириш бўйича ресурсларни сарфлашади ёки мажбуриятлар олишади (38-сон МХХС 9-банд).

Компания ўзида яратилган савдо белгилари, сарлавҳалар, ноширлик ҳуқуқи, ҳаридорлар рўйхати ва моҳиятан шунга ўхшаш моддаларга қилинган сарфларни бизнесни умумий ҳолда ривожлантириш бўйича амалга оширилган сарфлардан ажратиш мумкин эмас. Шунинг учун бундай моддаларни номоддий актив сифатида тан олинмайди (38-сон МХХС 64-банд).

41. Компаниялар катта ўзгаришга тайёрни?

Мақола номидан чўчиб кетманг. Бу дунёдаги барча компанияларга қарата айtilган. Биз айтмоқчи бўлган янгилик тўлқини 2030 йилга келиб бизга таъсир қилиши мумкин.

Хуллас, МХХС бўйича молиявий ҳисобот тузиш бўйича тартиб тубдан ўзгаради. Чунки 1-сон МХХС «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш» стандарти ўрнига 2024 йилда Молиявий ҳисоботларда маълумотларни тақдим этиш ва ёритиб бериш» стандарти эълон қилиниши кутилмоқда.

Молиявий натижалар янги концепция бўйича тайёрланиши кутилмоқда

Катта ўзгариш айнан фойда ёки зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга киритилиши кутилаётган оралик суммалар бўйича бўлади. Булардан бири «операцион фойда», иккинчиси «молиявий фаолият ва фойда солиғидан олдинги фойда». Ушбу оралик суммалар, шунингдек, компания томонидан қуйидаги бир неча белгиланган тоифаларда қайд этилган даромад ва харажатларни тақдим этиш лозимлигини англатади: операцион, инвестиция, молиявий фаолият, фойда солиғи ва тугатилган фаолият.

Операцион, инвестиция ва молиявий фаолият ўртасида элементларни тақсимлаш компаниялар тайёрланиши керак бўлган асосий ўзгаришлардан бири бўлади. Амалда тажрибали мутахассислар ҳам Пул маблағлари харакати тўғрисидаги ҳисоботда ушбу фаолиятларни қийнаиб фарқлайдилар. Эндиликда ўша учта фаолият бўйича ҳисоблаш усули орқали даромад ва харажатларни таснифлашни назарда тутилмоқда.

Операцион фаолият

Операцион фаолият тоифаси компаниянинг асосий тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ барча даромад ва харажатларни ўз ичига олади. Ташкилотлар бу фаолият бўйича харажатларни характери ёки функциясига кўра тақдим этишлари талаб этилади. Сотиш таннархини тақдим этувчи компаниялар харажат сифатида тан олинган товар-моддий захираларнинг баланс қийматини сотиш таннаригига киритишлари лозим.

Инвестиция фаолияти

Инвестиция фаолияти тоифасига якка тартибда ва асосан компания тасарруфидаги бошқа ресурслардан мустақил равишда даромад келтирадиган активлардан олинadиган даромадлар ёки харажатлар киради. Бундай активлар таъсир остидаги ташкилотлар ёки қўшма корхоналарни ўз ичига олади, шунингдек, пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларидан олинган ҳар қандай даромад ёки харажатлар ҳам киритилади.

Активни ҳисобдан чиқариш натижасида келиб чиқадиган даромадлар ёки харажатлар ушбу объектни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин компания томонидан ушбу активдан фойдаланилиши пайтидаги даромадлар ва харажатлар билан бир хил тоифада ҳисобга олинади.

Молиявий фаолият

Молиявий фаолиятга молиялаштиришни жалб қилишда юзага келадиган мажбуриятлар бўйича даромадлар ёки харажатлар киради. Лекин, асосий фаолият тури мижозларни молиялаштириш бўлган компаниялар бундай даромад ва харажатларни операцион фаолиятда кўрсатиши лозим.

Курс фарқи қаерга боради?

Баъзи даромад ва харажат элементларига бош қотириш керак бўлади. Масалан, курс фарқлари. Уларни ўзлари тегишли бўлган актив ёки мажбурият бўйича юзага келган ёки юзага келадиган даромад ва харажатларнинг таснифига кўра тақсимлашга тўғри келади. Яъни барча операцион, инвестиция ва молиявий фаолият бўйича алоҳида-алоҳида курс фарқлари юзага келиши мумкин.

Тавсиямиз

МҲХСнинг амалдаги стандартларига етиб олинг. Акс ҳолда янги концепциялар янада мураккаблашиб бормоқда. Дунё миқёсида капитал эгаларининг инжиқлиги бухгалтерларни сочи оқаришига сабаб бўладиганга ўхшайди.

42. Устав шаблон хужжат эмас

Амалиётда жуда кўп дуч келётганимиз муаммо бу компания мулкдорларининг ўзаро низолари ёки мулкдорларнинг компания директори билан низолари. Бу низоларни юзага келишига фундаментал сабаблардан бири устав хужжатида шунчаки шаблон хужжат сифатида қарашимиздир.

Қуйида мулкдорлар йўл қўядиган бир нечта хатоликларни айтиб ўтамиз:

1-хатolik. Директорни барча операциялар бўйича тўлиқ ваколатли қилиш. Бу мулкдорнинг ўз мулкни йўқолиши, ўғирланиши ёки манипуляция йўли билан бошқа шахсларга ўтказиш учун асос яратади. Масалан, компаниядаги тўлиқ эскирган автомобилни унинг

бозор баҳосидан паст нархга учинчи томонга сотилиши. Бунда мулкдор ушбу автомобилни сотилишига тўсқинлик қилолмайди. Буни бартараф қилиш учун устав ҳужжатида қайси операциялар, шартномалар ёки мулклар бўйича директор қарор чиқара олмаслиги, бунинг учун таъсисчиларнинг умумий йиғилиши қарори зарурлигини қатъий белгилаб қўйиш лозим.

2-хатолик. Директорга нисбатан малака талабларининг белгиланмаслиги. Кўпинча компанияда кўпроқ улушга эга бўлган мулкдор ўзининг ишончли одамани компания директори бўлишини хоҳлайди ва буни амалга оширишга ҳаракат қилади. Лекин қолган мулкдорларнинг мулкига нисбатан бу риск ҳисобланади. Сабаби директор ўзи компания соҳасини бошқаришга лаёқатлими деган савол бор. Барча мулкдорлар келишган ҳолда уставда директорга нисбатан малака талабларини белгилаб олиши лозим. Масалан, директор олий маълумотли бўлиши, соҳада белгиланган тажрибага эга бўлиши, бошқарув қобилятига эга бўлиши ва.х.к.

3-хатолик. Директорни танлаш бўйича кворумни 100%дан камайтириб қўйиш. Бу хатолик натижасида кўпинча кўпроқ улушга эга бўлган мулкдорнинг директорлик учун танлаган номзоди танланиши эҳтимоли кучаяди. Устав ҳужжатида барча мулкдорларнинг 100% овоз бериши орқали директор танланишини белгилаш мақсадга мувофиқ.

4-хатолик. Мулкдор улушини олиб чиқиб кетиши масалалари аниқ белгиланмаслиги. Бир нечта мулкдор биргаликда ташкил этган компанияда бир мулкдорнинг ўз улушини олиб чиқиши учун таъсир кўрсата олмаслигининг мумкин. Чунки уставда улушни олиб чиқиб кетилиши бўйича бошқа мулкдорларнинг розилигини олиш талаб мавжуд бўлмаслиги мумкин. Шунингдек, устав ҳужжатида мулкдор ўз улушини бошқа учинчи шахсга ўтказишини (сотиши, совға қилиш в.х.к) тақиқлаб қўйиш ҳам мумкин. Буларнинг барчаси бошқа мулкдорларнинг ўз рискларини камайтиришга хизмат қилади.

5-хатолик. Меросхўрларнинг компания улушига кириб келиши. Инсон иссиқ жон. Тўсатдан бахтсиз воқеа туфайли бирор мулкдорнинг вафот этиши ва унинг улуши унинг меросхўрига ўтиши компаниянинг бошқа мулкдорларига маъқул бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда устав ҳужжатида мулкдорнинг меросхўрлари компания таъсисчилари таркибига киритилмаслиги, уларга улушнинг ҳақиқий қиймати тўлаб берилиши ёки бошқа барча мулкдорларнинг 100% розилиги асосида таъсисчилар таркибига киритиш масаласини ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

6-хатолик. Улушнинг ҳақиқий қийматини ҳисоблашга нисбатан ноаниқлик. Бу тўғрисида 99% ҳолатларда уставда ҳеч нарса ёзилмайди. Ваҳоланки, жуда катта риск айнан мана шу масалага боғлиқ бўлиши мумкин. Айтайлик, сиз ўз улушингизни олиб чиқиб кетмоқчисиз. Бухгалтерия баланси асосида охириги ҳисобот санаси учун аниқланган хусусий капиталнинг ўз улушингизга мутаносиб қисми сизни қаноатлантирадими? Бу ҳисобот аудит қилинганми? Нима учун ўтган йилги ҳисоботдан олишимиз керак? Агар жорий йил августда чиқаётган бўлсангиз, дастлабки етти ой фойдасичи? Бу саволларга жавобни устав ҳужжатида аниқ белгилаб қўйиш лозим. Қонунчилик мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун минимал талабларни ўрнатади. Устав ҳужжатида қонунчиликдан тақиқланмаган шартларни киритиш мулкдорларнинг ҳуқуқларини таъминлаши мумкин.

43. Оғирлик юкловчи шартнома нима?

Оғирлик юкловчи шартнома - бу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун муқаррар харажатлар у бўйича олиниши кутилаётган иқтисодий нафдан ошиб кетадиган шартнома. Бошқача айтганда, шартнома тузиш санасида Сиз фойда олишни кутаётган эдингиз, лекин вақт ва шароит ўзгариши билан шартнома натижасида пул йўқотиши кутилади.

Оғирлик юкловчи шартномаларга мисоллар

Қурилиш компанияси белгиланган нарх эвазига янги офис биносини қуриш учун шартнома тузади. Бироқ қурилиш материаллари нархи бирданига ошиб кетгани сабабли корхона келишилган нархда лойиҳани амалга ошира олмайди. Шунинг учун шартнома қурилиш компанияси учун оғирлик юкловчи шартнома ҳисобланади.

Чакана савдо дўкони катта миқдордаги товарларни белгиланган нархда сотиб олиш учун шартнома тузади. Бироқ, товарга бўлган талаб кутилмаганда пасаяди ва чакана сотувчи барча товарларни харид қилган нархда сота олмайди. Шунинг учун шартнома чакана савдо дўкони учун оғирлик юкловчи шартнома ҳисобланади.

Оғирлик юкловчи шартномаларни ҳисобга олиш

Агар корхонада оғирлик юкловчи шартнома бўлса, у ўз молиявий ҳисоботида баҳоланган мажбуриятни тан олиши керак. Баҳоланган мажбурият - бу кутилаётган муқаррар зарар учун резервни билдиради. Баҳоланган мажбурият суммаси шартномани бажариш ёки ундан чиқиш суммаларидан кичигига тенг бўлади.

Қандай қилиб оғирлик юкловчи шартномалардан қочиш мумкин?

Тадбиркорлар оғирлик юкловчи шартномалар тузмаслик учун бир қанча чораларни кўришлари мумкин:

- Шартнома тузишдан олдин унга боғлиқ бўлган рискларни диққат билан баҳолаш;
- Шартномада рискларни тенг бўлиши шартларини муҳокама қилиш.
- Шартноманинг бажарилишини диққат билан кузатиб бориш ва агар шартнома оғирлик юкловчи шартномага айланиши билан, чоралар кўриш.

Мазкур оғирлик юкловчи шартномаларни ҳисобга олиш масаласини батафсил 37-сон МҲХС «Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар» стандартини ўқишни тавсия қиламиз.

44. TESLA нима иш кўрсатди?

Етакчи электр автомобил ишлаб чиқарувчи TESLA ҳайдовчига автопилот ёрдам бериш тизими билан жиҳозланган 2 миллиондан ортиқ автомобилларини оммавий равишда чақириб олди. Миллий автомобил йўллари ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (АҚШ) ҳайдовчиларнинг автопилот тизимидан нотўғри фойдаланишига қарши ҳимоя чораларининг етарли эмаслигини асосий сабаб сифатида кўрсатди. Ушбу тизим TESLAнинг молиявий соғлиғи ва

потенциал мажбуриятларини баҳолаш билан шуғулланадиган бухгалтерия ҳисоби ва аудит мутахассислари учун жиддий ташвиш уйғотиши турган гап.

Фикримизча, қайтариб олишнинг молиявий таъсири қуйидагилардан иборат:

Қайтариб олиш харажатлари: Қайтариб олиш, шубҳасиз, TESLA учун дастурий таъминотни янгилаш, потенциал носоз компонентларни таъмирлаш/алмаштириш ва потенциал суд харажатларини ўз ичига олган катта молиявий харажатларни келтириб чиқаради. Ушбу харажатлар компаниянинг молиявий кўрсаткичларига таъсир қилади, бу эса рентабеллик ва акциялар қийматининг пасайишига олиб келади.

Савдога таъсири: TESLAнинг ўз-ўзини автопилот технологияси бўйича олиб борилаётган текширувлар билан бир қаторда, қайтариб олиш харидорлар ишончига салбий таъсир кўрсатиши ва савдони камайтириши мумкин. Бу, ўз навбатида, компаниянинг келажақдаги даромадлари ва рентабеллигига таъсир қилиши мумкин.

Келажақдаги потенциал мажбуриятлар: ваколатли органнинг давом этаётган тергови ва автопилот билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан келиб чиқадиган келгусидаги потенциал даъволари TESLANи жиддий молиявий мажбуриятларга дучор қилиши мумкин. Ушбу риск компаниянинг молиявий прогнозларида ва рискларни баҳолашда ҳисобга олиниши керак.

Бухгалтерлар ва аудиторларга сигналлар:

Шартли мажбуриятлар: Аудиторлар чақириб олиши ва давом этаётган текширувлар натижасида юзага келадиган потенциал молиявий мажбуриятларни диққат билан баҳолашлари керак. Бу суд жараёнлари натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарни ва компаниянинг молиявий ҳисоботида таъсирини баҳолашни ўз ичига олади.

Молиявий ҳисоботлар устидан ички назорат: Аудиторлар автопилот билан боғлиқ рискларни аниқлаш ва юмшатишда TESLA ички назорат самарадорлигини баҳолашлари керак. Бу компаниянинг автомобил бўйича хавфсизлик муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш жараёнларини, шунингдек, унинг тегишли қоидаларга мувофиқлигини баҳолашни ўз ичига олади.

Маълумотларни ёритиб бериш талаблари: TESLA қайтариб олиш, унинг молиявий таъсири ва келажақда юзага келиши мумкин бўлган мажбуриятлари бўйича аниқ маълумотларни тақдим этиши шарт. Аудиторлар инвесторлар ва бошқа манфаатдор томонларни хабардор қилиш учун бундай маълумотларнинг тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида бўлишини таъминлаши керак.

Халқаро даражада юз берган ҳолатлар Сизнинг компаниянгизда бошқа бир шаклда юз бермаслиги кафолатланмаган. Шунинг учун ушбу кейслардан ўз хулосамизни чиқаришимиз керак.

45. Материалларни ташиш харажатлари

Савол: Компаниянинг материаллари ўзининг бир омборидан бошқа омборига ташиш жараёнида амалга оширилган ташиш харажати қандай ҳисобга олинади?

Жавоб: 4-сонли БҲМСнинг 13-бандига мувофиқ, бухгалтерия ҳисобида товар-моддий захираларнинг тегишли тарзда тан олинган таннархи қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Стан-

дарт билан белгиланган ҳоллардан бошқа ҳолатларда ўзгартирилмайди. Бу бошқа ҳолат таннарх соф сотиш қийматдан ортиқ бўлган ҳолатни ўз ичига олади ҳолос.

Айни мазмун 2-сонли БҲХСдан ҳам англашилади. Яъни заҳиралар уларнинг таннархи ва соф сотиш қийматининг кичиги билан баҳоланади. Таннарх шаклланишида фақат заҳираларни харид қилиш пайтидаги ташиш харажатлари капиталлаштирилиши мумкин. Компания ичидаги бир омбордан бошқа омборга заҳираларни ташиш харажатлари капиталлаштирилиши бухгалтерия ҳисобининг фундаментал тамойили «Активларни ошириб кўрсатмаслик, мажбуриятларни камайтириб кўрсатмаслик»ка зид келади.

Шундай экан, материални харид қилгандан сўнг компания ичидаги ҳаракатини таъминлайдиган харажат материални нима мақсадда ишлатилишидан қатъий назар (қурилиш учун, ишлаб чиқариш учун, сотиш учун) материал қийматига капиталлаштирилмайди.

Бундай харажат амалиётда тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаганлиги учун сотиш таннархига ҳам олиб борилмайди, аксинча бошқа операцион харажатларга олиб борилади (Бундан материалларни ишлаб чиқаришнинг бир циклидан (босқичидан) бошқа циклига(босқичига) ташиш мустасно).

Мазкур ички ташиш харажатлари фойда солиғи мақсадларида чегирилади (СК 305 модда талаблари ва 317 модда талабларини инобатга олган ҳолда).

II. СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

1. Солиқларни режалаштириш

Солиқларни режалаштириш ва стратегия ишлаб чиқиш riskли жараён бўлиб, кўпинча ортикча маъмурий харажатлар, солиқ кодекси ўзгариши riskи ва солиқ маслаҳатчиларига тўланадиган суммалар билан изоҳланади. **Лекин, бу солиқларни тежаш орқали олинандиган нафдан қимматга тушиши ёки тушмаслиги иккинчи масала.** Шу сабабли, молия директорлари, солиқ маслаҳатчилари солиқларни тўғри режалаштириш ва тежаш кўникмасига эга бўлишлари лозим.

Солиқларни тўғри режалаштириш ва уларни қонуний йўл билан тежаш қуйидаги **тўртта тоифага** бўлинади:

Яратиш – солиқ тўловларини муаян ҳудуд, давлат, соҳага берилган солиқ енгилликларидан фойдаланиш режаси. Масалан, мижозларни йўқотмаган ҳолда фаолият олиб боришни солиқ юки енгил бўлган ҳудудга кўчириш режаси. Бундай ҳудудлар тоифасига Қорақалпоғистон Республикасини келтириш мумкин.

Ўзгартириш – ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизматни ёки фойдаланиладиган активни солиқ юки енгил бўлган маҳсулот, хизмат ёки активга ўзгартириш. Масалан, йирик заводларда бўш объектлари бўлишига қарамай фуқаро муҳофазаси, табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнгин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектлар ташкил этилмаган ёки кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилмаган бўлиши мумкин. Оқибатда, мол-мулк солиғи бўйича юридик шахсларга берилган имтиёزلардан фойдаланмай қолаверади.

Вақтни ҳисобга олиш – солиқ базасини ўзингизга қулай солиқ даврига кўчириш. Бунга бир яхши мисол, асосий воситаларни амортизация бўлиши мумкин. Яъни машина ва ускуналарга амортизация нормаси бухгалтерия ҳисобидаги активнинг фойдали хизмат муддат бўйича амортизация нормасидан ортик бўлса, шунингдек, актив бўйича инвестициявий чегирма қўллаш мумкин бўлса, уни албатта қўллаш керак. Чунки, кўпчилик ҳисобчилар томонидан юритиладиган фикр, яъни солиқ кодекси бўйича белгиланган амортизация нормаси таннарх ошишига олиб келади деб ҳисоблашади. Бу тўғри эмас, албатта.

Бўлиш – халқаро тажрибада ҳам, миллий тажрибада ҳам қўлландиган солиқ тежаш механизми бўлиб, солиқ базасини бир нечта солиқ тўловчиларга бўлиш орқали солиқ юкини камайтиришни англатади. Бизнесни қай йўсинда ташкил этиш, унинг ташкилий ҳуқуқий

шакли ва қайси ҳудудларда ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги корхона мулкдорларининг ўз ихтиёрида. Бу албатта қонунчилик билан таъқиқланмаган.

Лекин, солиқлардан фирибгарлик йўли билан, айтайлик товарларни айланмасини хужжатлаштирмасдан амалга ошириш, қонунга ҳилоф ҳисобланади. Бундай фирибгарликка қўл урмоқчи бўлган шахслар бизнинг солиқларни тўғри режалаштириш бўйича маслаҳатимизни ўқимаганлари маъқул.

2. Тенглик, аниқлик, қулайлик ва иқтисод

XVIII асрда Адам Смит ёзган асарларга мувофиқ солиқ тизимларини яратишда таъкидлаб ўтган тамойиллари ҳали ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Улар: **тенглик, аниқлик, қулайлик ва иқтисод.**

Тенглик – солиқ тўловчилар ўзларининг иқтисодий ҳолатларига кўра адолатли солиқ тўлаши лозим. Тенглик горизонтал ва вертикал тенгликка бўлинади. Горизонтал тенгликда бир ҳил иқтисодий ҳолатдаги солиқ тўловчилар бир ҳил тартибда солиққа тортилади. Вертикал тенгликда турли иқтисодий ҳолатга эга солиқ тўловчиларда иқтисодий ҳолати яхши бўлганлари кўпроқ солиққа тортилади. Ҳалқаро амалиётда, кўпинча бизнес горизонтал тенгликни таъминлайди. Вертикал тенглик жисмоний шахсларнинг даромад солиқларини адолатли тарзда даражаларга ажратиш орқали таъминланади.

1-Мисол.

Али фақат дивидендлар шаклида **150 млн сўм** даромад кўрган. Акаси Вали эса фақат **150 млн сўмлик** фоиз кўринишида даромад кўрган. Уларнинг иккиси ҳам Солиқ кодексининг 381 моддасига мувофиқ 10% ставкада **15 млн сўмдан** солиқ тўлайди.
Демак, горизонтал тенглик мавжуд.

2-Мисол.

Салим иш ҳақи кўринишида йилига жами **36 млн сўм** даромад кўрган. Акаси Ҳалим эса **250 млн сўмлик** иш ҳақидан даромад кўрган. Уларнинг иккиси ҳам Солиқ кодексининг 381 моддасига мувофиқ **12% ставкада** солиқ тўлайди.
Бу ерда вертикал тенглик мавжуд эмас. Чунки бир ҳил ставкада солиқ тўланаши натижасида камбағал инсонлар бой инсонларга нисбатан ўз маблағларини кўп қисмини солиқларга сарфлашига тўғри келади. Буни яшаш минимумига нисбатан олинса ҳам тушунарли бўлади.

Аниқлик – солиқ тўловчилар қачон, қаерга, қай тарзда ва қанча солиқ тўлашлари лозимлигини аниқ билиши лозим. Мамлакатимизда солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектлари бу борада илғор деб айтишимиз мумкин. Улар солиқ бўйича электрон порталда ишлаш кўникмасига эга бўлдилар. Жисмоний шахсларнинг солиқлар бўйича саводхонлиги оширилиши эса мақсадга мувофиқ бўлади.

Қулайлик – бу солиқлар солиқ тўловчилардан уларни тўлашга қулай бўлган вақтда олинishi лозимлигини билдиради. Шу сабабли, тўлов манбаида ушлаб қолинандиган солиқлар, билвосита йиғиладиган солиқлар (ҚҚС) қулай солиқлар ҳисобланади. Бошқа турдаги солиқлар учун,

масалан, фойда солиғи, тўловларни даврий амалга ошириш орқали қулайлик яратилади. Лекин, даврий солиқ ҳисоботлар қисқартирилиши тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратади.

Иқтисод – бу солиқлар уларга амал қилиш ҳамда маъмуриятчилик учун минимум харажат талаб қилиши лозимлигини англатади. Яъни солиқ қонунчилигига амал қилиш, солиқларни ҳисоблаш ва уларни тўлаш харажати тадбиркорлик субъектига минимум даражада камай-тирилишига эришишни билдиради. Маъмуриятчилик харажати деганда давлат томонидан бундай солиқни йиғиб олиш учун қилинадиган харажатлар тушунилади. Давлат ҳам бундай харажатларни минималлаштиришга интилади. Ҳалқаро тажрибага кўра, фойда солиғи тадбиркорлик субъектлари учун амал қилиш ва давлат учун маъмуриятчиликни олиб бориш учун энг катта харажат талаб қиладиган солиқ тури ҳисобланади.

Солиқларни янги ўрганишни бошлаганлар учун ихтиёрий солиқни ҳисоблаш учун универсал формула:

Солиқ суммаси = Солиқ базаси x Солиқ ставкаси

Солиқ базаси бу операция, операция натижаси ёки мол-мулк бўлиши мумкин.

Одатда компаниялар ўз фаолияти бошида активлар сотиб олади, сотади, ижарага беради, ижарага олади ёки қайта капиталлаштиради ва ушбу операциялар орқали фойдани ошириш ҳаракат қилади. Шу пайтда, кутилмаган меҳмон эшик тақиллатиб кириб келади. Бу меҳмон солиқ орган. Меҳмонни муносиб кутиб олиш учун компаниялар олдиндан ҳар бир солиқ операциясини якунига қадар **солиқ оқибатини** билиб туриши самарали солиқ режалаштиришга томон ташланган биринчи қадам ҳисобланади.

3. Солиқларни режалаштиришда стратегик қадамлар

Солиқларни режалаштиришда қуйидаги стратегик қадамлар муҳим ўрин тутаяди:

1. стратегияни аниқлаш;
2. узоқни кўра олиш;
3. қийматни орттириш;
4. музокара олиб бориш; ва
5. трансформация.

1-қадам. Стратегияни аниқлаш.

Муваффақиятли компаниянинг сири унинг амалга оширадиган муваффақиятли стратегиясидан иборат. Солиқларни тўғри режалаштириш компания стратегиясини амалга ошириши учун ҳалал бериши эмас, балки ёрдамчиси бўлиши керак. Масалан, ўз акцияларини IPOга чиқармоқчи бўлган компаниянинг фойдасини камайтириш орқали солиқларни камайтириш абсурд мақсад бўлиб қолади. **Шунинг учун, авваламбор, компания молия директорлари ва солиқ маслаҳатчилари компаниянинг стратегиясини, унинг кучли ва кучсиз томонларини, имкониятлари ва рискларини (SWOT таҳлили ёрдамида) яхши тушуниб олиши лозим.**

Компания стратегиясини **учта даражага** бўлиш мумкин:

1-даража-оператив стратегия. Бу компания ўз харидорларига маҳсулотлар ва хизматларни етказиб беришда ўзининг рақобатчиларига нисбатан устунликка эга бўлишга интилишини ўз ичига олади.

2-даража-корпоратив стратегия. Бу бизнес диверсификациясини билдиради, яъни амалдаги структураси, ишлаб чиқариш бирликлари оптималлиги жиҳатидан мутлақ устунликка интилишни ўз ичига олади.

3-даража-халқаро стратегия. Бу глобал бозорларда корпоратив ва бизнес устунликка эга бўлишни билдиради. Бунинг учун компания бошқа давлатларни бизнес муҳитини яхши тушуна олиши лозим.

Шундай қилиб, солиқларни тўғри режалаштириш учун стратегия билан қандай ҳамоҳанг ҳаракат қилиш мумкин?

1-қоида. Агар стратегияга мувофиқ келмаса, компания операциясига солиқларни камайтиришга қаратилган ўзгаришни киритманг. Масалан, компания ўзининг асосий фаолияти билан умуман боғлиқ бўлмаган зарар билан ишлаб келаётган бизнесни харид қилиш орқали солиқларни камайтиришга қаратилган қарор қабул қилишни ҳоҳласа, солиқ масаласидан бошқа омилларни энг аввал ҳисобга олиши, акс ҳолда фақат солиқни оптималлаштириш учун бундай операцияни амалга оширмаслиги лозим.

2-қоида. Солиқларни тўғри режалаштириш орқали самарали солиқ мақомига эга бўлиш рақобатли бозорда мустаҳкам ўрин эгаллашга ёрдам беради.

Масалан, бир ҳил маҳсулот ишлаб чиқарувчи иккита компаниядан бири фойда солиғи бўйича имтиёзга эга (айтайлик, иқтисодий зонада жойлашганлиги учун), иккинчисида бундай имконият йўқ. Агар уларнинг ишлаб чиқариш ускунаси бир ҳил унумдорликда ва сифатда ишлайдиган бўлса, иккинчи компания устунликка эга бўлиш учун янада унумдор бўлган янги ускуна сотиб олиши узоқ муддатда тўғри қарор бўлиши мумкин. Чунки, амалда бир ҳил фойда маржасига эга бўлиб, ўз рақобатчисидан кўпроқ солиқ тўлаётган компания янги технология сотиб олиши ортидан амортизация(20%) ва инвестициявий чегирма (20%) орқали солиқларни ўзининг амалда тўлаётган солиғидан кўра камроқ суммага камайтириши мумкин. Бошқа тарафдан, бундай технология ҳодимлар меҳнати, электр энергияси ва бошқа иқтисодий ресурсларни тежаш имконини бериши мумкин.

Яна бир мисол. Айтайлик компания ўз рақобатчисидан солиқ мақоми бўйича устунликка эга (яъни фойда солиғини камайтирилган ставкада тўлайди). Бозорда яхшироқ ўрнашиш учун ўз рақобатчисидан кўра камроқ тўлаган солиқ суммасидаги фарқни ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сифати, кўриниши ва моделини яхшилашга қаратилган тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишига сарфлаш, ушбу суммани дивиденд сифатида тақсимлашдан кўра кўпроқ даромад келтириши мумкин.

4. Узоқни кўра олиш

Компаниялар ўз рақобатчиларининг, бозорнинг ва давлатнинг позициясини олдиндан кўра олишга интилади. Солиқ маслаҳатчилари солиқ қонунчилигидаги кутилаётган ўзгаришларини олдиндан кўра олишга интилади. Компаниялар ўзининг солиқ бўйича мақоми ёки солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар аниқ бўлган пайтдан бошлаб ўзининг амалга оширилиши режалаштирилаётган операциялари вақтига тузатиш киритиши мумкин.

Масалан, декабр ойида сизнинг компаниянгиз фаолият олиб борадиган соҳани кейинги йилда солиқ солишдан озод қилиниши тўғрисидаги маълумот олдингиз. Ўша пайтдан бошлаб бундай ўзгаришлар кучга киргунга қадар амалга оширилган операциялар бўйича тўлан-

ган солиқлар суммаси кўрилган фойда суммасидан кўп бўлиши мумкин. Бунинг ўрнига бу давр мобайнидаги сотиш операцияларини кейинги даврга қолдирилиши компания учун фойдали бўлиши мумкин.

Айталик, фойда солиғи бўйича имтиёз даврингиз кейинг йил бошида яқунланиши ва давлат томонидан бундай имтиёзни узайтириш бўйича режа мавжуд эмаслиги маълум бўлса, декабр ойидаги баъзи харажатларни кейинги йилга қолдирилиши солиқ суммасини тўғри режалаштириш имконини беради. Бу мисол фойда солиғи ставкаси кейинги йилдан оширилиши тўғрисидаги маълумотни олганингизда ҳам тўғри бўлиши мумкин.

1-қоида. Фойда солиғи мақсадларида, даромадлар кам солиқ солинадиган даврларга ўтказилади, харажатлар кўп солиқ солинадиган даврларга ўтказилади.

Мисол-Ер сотилиши

Айталик, компания ўзига қарашли бўш турган ер майдонини сотиш ниятида. Ернинг бозор баҳоси 10 млрд сўм. Компания кейинги йилга фойда солиғи мақсадларида биринчи марта даромадлари маълум даражадан ортгани ҳисобига фойда солиғини 50% ставкада тўлаши мумкинлиги эълон қилинган. Бу ҳолатда компания ер сотилишини кейинги йилга қолдириши аҳамиятли суммани солиқдан тежаб қолиш имконини беради.

Амалиётда, кўп давлатларда солиқлар бўйича навбатдаги йилда киритиладиган ўзгаришлар тасдиқланишидан олдин муайян режа сифатида ўша давлат раҳбарлари томонидан эълон қилинади. Бундай маълумот орқали компания ўзининг стратегиясини ушбу солиқ қонунчилигига киритиладиган ўзгариш тасдиқланиши эҳтимоллигини боғлай олса, ана шу кўникма – узоқни кўра олиш деб ҳисобланади.

Бозордаги нарх ва солиқ солиш

Бозор бу бизнес назорат қила олмайдиган, нарх шаклландиган жой ҳисобланади. Шу мақсадда, солиқларни вақт бўйича режалаштиришда **бозордаги нархлар ўзгаришини** ҳам инобатга олиш лозим.

Масалан, кейинги йилдан бошлаб янги харид қилинган дастурий таъминот учун инвестиция чегирмалари берилишидан хабар топдингиз. Шу сабабли, дастурий таъминотни декабр ойида эмас, балки келаси январ ойида амалга оширишга қарор қилдингиз. **Бу қарор, агар дастурий таъминотни сотиб олиш учун нарх ўзгариши натижасида тўланадиган ортиқча сумма тежаб қолинган солиқ суммасидан кўп бўлса, нотўғри қарор ҳисобланади.**

Шундай қилиб, йирик компанияларда молия директорлари ёки солиқларни режалаштириш бўйича масъул мутахассислар компаниянинг бозордаги позицияси ва нархлар ўзгаришидан ҳам яхшигина хабардор бўлиши тўғри қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

5. Қийматни орттириш

Мазкур стратегик қадам солиқларни бошқаришда **пулнинг вақт қийматини** ҳисобга олган ҳолда қарорлар қабул қилиш орқали солиқларни режалаштириш лозимлигини англатади. Пулнинг вақт қиймати бу сизнинг бугунги 1 млн сўмингиз бир ой вақтдан кейинги бир мил-

лиондан катта эканини билдиради. Чунки бугунги бир миллион инвестиция қилиш орқали бир ойдан кейинг сизга фойда билан қайтиб келиши кутилади.

Қўллаш усули

Пулнинг вақт қийматини ҳисобга олиб солиқларни режалаштиришда уларни табиий усулда кечиктириш мумкинлигини ўрганиш лозим.

Масалан, икки йил илгари 100 млрд сўмга сотиб олган ерингизнинг ҳозирги баҳоси 300 млрдга тенг дейлик. Агар ушбу 300 млрдни инвестиция сифатида бошқа бизнесга ёки фаолиятга йўналтирмоқчи бўлсангиз, уни сотишда келиб тушадиган пул маблағлари 270 млрдни ташкил қилади. Чунки, уни сотишдан олинадиган фойдадан тўланадиган фойда солиғи суммаси $(300 \text{ млрд} - 100 \text{ млрд}) * 15\% = 30 \text{ млрд}$ сўмни ташкил этади. Шу жойда, компания ерни ўзини сақлаб туриш натижасида унинг йиллик нархи ошиши ва солиқдан тежаб қўлинадиган суммани қўшган ҳолда бошқа бизнес орқали олинishi мумкин бўлган фойда суммасини таққослаши лозим ва фойдали бўлган қарорни танлаши лозим.

Мазкур стратегияни кейинги мақолаларда қандай қилиб **сотувларни бир нечта қисмларга бўлиш** орқали қийматни орттириш ҳамда **қайта капиталлаштириш** операцияларига қўлланишини кўрсатиб ўтамыз.

6. Музокара олиб бориш

Мазкур стратегик қадам солиқларни режалаштиришда солиқ солинадиган операция ёки объект бўйича **хукумат (солиқ органи)** ёки **бошқа томонлар (компаниялар ёки ходимлар)** билан солиқ бўйича имтиёзга ёки энгилликка эга бўлиш учун очик музокара олиб боришни назарда тутлади.

Қўллаш усули

Хукумат одатда бизнес субъектлари билан солиқ масалаларида очик музокаралар олиб боришга тайёр бўлади. Чунки, хукумат фискал сиёсат (солиқларни йиғиш ва тақсимлаш)дан ташқари макроиқтисодий жиҳатдан давлатнинг ривожланишини энг олдинги ўринга қўяди. Бунда давлат ишсизликни камайтиришга ёки иқтисодиётни тез суръатларда ўсишига хизмат қилувчи фаолият турлари ёки операциялар бўйича солиқ энгилликларини бериши мумкин.

1-қоида. Эшик очилиши учун дастлаб уни таққиллатинг. Кўпчилик бизнес эгалари ёки солиқ маслаҳатчилари у ёки бу масала юзасидан солиқ органлари билан очик музокара ўтказиш кўникмасига эга эмаслар. Аслида бизнеснинг оғир-енгил тарафларини яхши билишлари билан бизнес субъектлари хукуматга (солиқ органларига) ёрдам беришлари ва иқтисодиётни тезроқ ривожланиши учун ўз хиссаларини қўшишлари мумкин. Ўз навбатида бизнес субъектлари ҳам муайян операциялари бўйича солиқ энгилликларига эга бўлиши мумкин.

Хукумат билан музокара олиб бориш масаласи кўпроқ йирик компанияларга тегишли бўлиб, уларнинг фаолияти иқтисодиёт кўламига таъсири билан баҳоланади.

Солиқ юкини бошқа томонларга ўтказиш (tax shifting) бу халқаро амалиётда мавжуд тushунча ҳисобланади. Масалан, ижтимоий солиқ ставкаси оширилиши натижасида компания

харажатлари ошиши табиий. Лекин компания мазкур харажатларни иш ҳақини камайтириш орқали қоплашга ҳаракат қилиши мумкин. Бунинг учун ҳодим билан музокара олиб бориш кўникмаси талаб этилади.

2-қоида. Операцияларни амалга оширишда бошқа томонларнинг солиқ бўйича позицияларини олдиндан билиб олинг.

Масалан, компания фойда солиғидан озод бўлган бошқа компаниядан бино сотиб олаётгандан ушбу компанияга бозор нархидан арзон нарх таклиф қилиш имкони бўлиши мумкин. Чунки, бинони сотаётган компания бинони сотишдан олинадиган фойда учун солиқ тўламайди.

7. Трансформация

Солиқларни бошқаришда солиқ солинадиган фойдани(даромадни) **солиқ солишдан озод қилинган даромадга ўзгартириш**, чегирилмайдиган харажатлар (зарарлар)ни **чегириладиган харажатга(зарарга) трансформация қилиш** тушунилади.

Қўллаш усули

Кўпинча тадбиркорлик субъекти ўз маҳсулотининг якуний истемолчисини танимаслиги мумкин. Масалан, компания томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот асосан чет элга экспорт қилинади. Лекин, ўртадаги савдо ташкилоти томонидан амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқарувчи компания экспорт операцияларини хужжатлаштириш ёки харидор топишдан ўзини олиб қочиши оқибатида стандарт ставкадаги фойда ва ҚҚС солиқларини тўлашга тўғри келади. Бундай ҳолатда компания ўзи экспорт операцияларни амалга оширишга киришиши трансформация ҳисобланади.

Бошқа бир мисол, компания ўзининг чегирилмайдиган харажатларини таҳлил қилиш орқали уларни чегириладиган харажатга айлантириш имконияти бор ёки йўқлигини аниқлашдан иборат. Амалиётда биринчи операция амалга оширилиб, кейин солиқ оқибати ўрганилади. Аслида, харажат амалга оширилишидан олдин солиқ бўйича тактика ишлаб чиқилиши компания учун фойдали бўлиши мумкин. Айтайлик, ўзингизни дўстингиз билан корпоратив карта орқали овқатланиш харажатлари, агар дўстингиз билан бизнес тўғрисида гаплашаётган бўлсангиз ва харажатларни тўғри расмийлаштирсангиз чегириладиган харажатга айланиши мумкин.

Шундай қилиб солиқларни режалаштиришга қаратилган беш қадамли моделни яқунладик. Кейинги мақолаларда Ўзбекистон ва Сингапур солиқлари ўртасидаги фарқли жиҳатлар ҳақида гаплашамиз.

8. Товари ёки хизмат?

Амалиётда товар ва хизматни бир-биридан фарқлаш биров мураккаб ҳисобланади. Чунки бухгалтерия ҳисоби стандартларида (МХХС ёки БҲМС) ҳам уларнинг аниқ фарқлари келтирилмаган. Лекин солиқ мақсадларида баъзи масалалар товар ёки хизматни бир-биридан фарқлаш лозимлигини тақозо қилади. **Масалан, қўшилган қиймат солиғи мақсадларида товарларнинг экспортига нол ставкали ҚҚС ҳисобланади. Халқаро ташишлар билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлардан ташқари хизматлар учун эса нол даражали**

ҚҚС қўлланмайди. Натижада, ушбу фарқни аниқ билмаслик турли солиқ оқибатларига олиб келиши мумкин.

Дастлаб товар ва хизмат таърифини Солиқ кодекси талқини бўйича кўриб чиқамиз:

Товар таърифи

*Табиатнинг ёки инсон фаолиятининг (шу жумладан интеллектуал фаолиятнинг) қиймат баҳосига эга бўлган ва реализация қилиши учун мўлжалланган ҳар қандай предмети товар деб эътироф этилади. Товарлар деб, хусусан, **электр энергияси, маълумотлар базаси, ахборот, интеллектуал фаолият натижалари, шу жумладан уларга бўлган мутлақ ҳуқуқлар эътироф этилади (СК 45м).***

Хизмат таърифи

*Бошқа шахсларнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган **маҳсулотларни (моддий ёки номоддий) ишлаб чиқаришга доир тадбиркорлик фаолиятининг турлари, шунингдек бошқа шахслар учун бажариладиган ишлар солиқ солиши мақсадида хизматлар деб эътироф этилади (СК 45м).***

Юқорида кўрсатилган таърифларга асосан электр энергияси таъминоти «**аниқ**» товар деб эътироф этилган. **Шу жиҳатдан, компаниялар томонидан харид қилинган электрокарлар (электромобиллар) бўйича зарядлаш сарфлари дастлаб ТМЗ сифатида кириш қилиниши ва электромобил сарфига кўра ҳисобдан чиқарилиши лозим (Солиқ солиш мақсадларида).**

Хўш, газ таъминоти бу товар етказиб бериши ёки хизмат кўрсатиш? Буни юқоридаги таърифлардан аниқ айтиб бўлмайди. Товар ва хизматнинг халқаро тажрибадаги асосий фарқларини санаб кўрайлик:

Асослар	Товар	Хизмат
Табиати	Моддий	Номоддий
Эгалик ҳуқуқи ўтказилиши	Мавжуд	Мавжуд эмас
Ажраладиган	Сотувчидан ажралади	Сотувчидан ажралмайди
Омборда сақланиши	Товарлар омборда сақланади	Хизматлар омборда сақланмайди
Ишлаб чиқарилиши ва истеъмол	Бир вақтда эмас	Бир вақтда

Ушбу хусусиятларга эътибор қаратилса, газ ўз хусусиятига кўра, харидор томонидан бир вақтнинг ўзида истемол қилиниши уни хизматдек кўрсатади.

Шунинг учун кўпчилик давлатлар ўзларининг Солиқ кодекси ҳужжатларида электр, газ ва сув таъминотини аниқ товар ёки хизмат сифатида таснифлаб ўтадилар. СКнинг 45-моддасига биноан рўйхатга газ ва сув таъминоти киритилмаган. Бундай ноаниқлик солиқ тўловчиларда келгусида турли саволларни келтириб чиқариши мумкин.

Мазкур мақолада газ ва сув таъминоти бир мисол сифатида келтириб ўтилди. Бундай мисоллар амалиётда жуда кўп бўлиши мумкин ва одатда сиз уни етарли асосларсиз нол даражали ҚҚСга тортаётган бўлсангиз яна бир бор ўйлаб кўринг.

Товар ва хизмат реализация қилинишининг тан олиш вақти бир ҳил бўлмаслиги мумкин.

Амалиётда бир шартнома доирасида товар сотиш ва хизмат кўрсатиш предмети биргаликда назарда тутилган бўлиши мумкин. **Бунда компания товар реализациясини уни харидорга етказиб берган (эгаллик ҳуқуқи ўтказилганда) тан олиши, хизмат бўйича эса хизмат кўрсатилган пайтда тан олиниши лозим.** Албатта бу икки иқтисодий ҳодиса бир вақтнинг ўзида содир бўлмаслиги мумкин.

Масалан, трансформатор заводи ўз махсулотини чет элга экспорт қилади ва уни ўрнатиб бериш хизматини ҳам кўрсатади. Бунда махсулот реализацияси уни ўрнатиш хизмати билан бир вақтда тан олинмайди. Шунинг учун фойда солиғи ва ҚҚС бўйича солиқ оқибатлари ушбу операциялар учун турли вақтда юзага келиши мумкин.

9. Лозим даражада эҳтиёткорлик

Солиқ кодексини ўқиб, киритилган янгиликлардан ҳайратга тушаман. Солиқ механизмлари нафақат бухгалтерия ҳисобидан, балки бизнестан бир қадам олдинда кетмоқда. Ривожланган давлатларда компаниялар ўз контрагентларини танлашда эҳтиёткорликка риоя қилишга мажбур. Чунки, унинг мол етказиб берувчилари ва харидорлари жуда кўп бўлиши мумкин. Эртага компания ликвидлиги, фойдалилик кўрсаткичлари савол остида қолиши мумкин. Шунинг учун ҳукуматлар молиявий ҳисоботларни оммавий фойдаланиш учун очик порталларда эълон қиладилар.

СКнинг 15-моддасидаги талаб жуда ҳам ўринли. Айниқса, бизнес субъектининг ўзи учун ҳам. Лекин, уни амалга ошириш механизми савол остида. Бу масалани ечими сифатида компаниялар молиявий ҳисоботини оммавий эълон қилиниши зарур деб ўйлайман. Бунда давлат стратегик аҳамиятга эга компанияларнинг молиявий ҳисоботини эълон қилмаслиги халқаро тажрибада мавжуд.

10. ЖШДС гибридми?

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи структураси охириги 15 йилликда (ставкасини ҳисобга олмаганда) деярли ўзгармади. Халқаро солиқ тизимларини билмаган пайтларим энг идеал туюлган бу солиқ турини энди яқиндан таний бошладим.

Биринчидан, мазкур солиқ жисмоний шахснинг даромадини солиққа тортишга қаратилгандек. Лекин, аслида «капитал фойда» (Capital gains) солиққа тортилиши учун катта дарвоза очиб қўйилган. Солиқ кодексининг 377 моддаси 15 бандига кўра, жисмоний шахснинг даромадлари рўйхати «ОЧИҚ».

Иккинчидан, жуда кўп давлатларда даромад солиғи (Income tax) ва капитал фойда солиғи (Capital gains tax) бир-биридан ажратилган. Буни фарқлаш учун кўчмас мулкни мисол қилиш мумкин. Жисмоний шахс кўчмас мулк харид қилиб, уни ижарага беришдан даромад олса, бу даромад солиғига тортилади. Агар бу кўчмас мулкни олганидан қимматроққа сотса, капитал фойда солиғи тўлайди. Кўпчилик давлатлар, масалан, Бахраин, Янги Зеландия ва Сингапур жисмоний шахсларни қўллаб қувватлаш мақсадида капитал фойда солиғидан воз кечган. Айтганча, ўз пулларини валютада сақлайдиган жисмоний шахслар диққатига, курс фарқидан ЖШДС тўлашингиз кераклигини билармидингиз?

Учинчидан, энг олий Қомусимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб эълон қилдик. ЖШДС бўйича имтиёزلарни инвентаризациядан ўтказиш пайти келди. Солиқлар жамиятга мотивация бўла оладиган энг яхши инструментлардан бири. Қўлланиши фақат бир марталик ва зарурий бўлмаган имтиёزلардан воз кечиш ва ўрнига самарали механизмларни жорий қилиш керак.

Тўртинчидан, Сингапур солиғида мен дуч келган ажойиб инструмент бу хайрия суммалари даромад солиғи базасидан чегирилишидир. Яъни жисмоний шахс ўз даромадидан давлат томонидан белгиланган реестрга кирган ташкилотга хайрия тўласа, ушбу ташкилот солиқ органига автоматик тарзда хайрия қилган жисмоний шахс тўғрисида хабар беради. Ушбу хайрия суммаси 2.5 га кўпайтирилган ҳолатда жисмоний шахс даромади бўйича солиқ базасини камайтирувчи имтиёз сифатида қўлланади. Бу мамлакатда ижтимоий мақсадларда хайрия қилинишига рағбат беради.

Хулоса ўрнида, фақат компаниялар тўғрисида қайғуриб иқтисодиётнинг асосий драйвери бўлган инсонларни эсдан чиқаришимиз, менимча, тўғри бўлмайди. ҚҚСни компаниялар эмас, жисмоний шахслар тўлаётганига эътибор қаратишимиз лозим.

11. ҚҚС ҳақида

ҚҚС- бу йиғилиш жихатидан энг самарали солиқ тури ҳисобланади. Унинг салмоғи 2022 йил Давлат бюджетида энг кўп улушни (26%) ташкил этган.

Билармидингиз: Халқаро амалиётда реализация моментини аниқлашнинг учта усули мавжуд: 1) касса усули - товар/хизматга пул тўланганда, ҚҚС ҳисобланади. 2) ҳисоблаш усули-товар/хизмат етказиб берилганда ҚҚС ҳисобланади. 3) гибрид усул - товар/хизмат етказиб берилган ёки унга пул тўланган санадан олдингисида ҚҚС ҳисобланади. ЎзРда 2- усулдан фойдаланилади.

Кўпчилик давлатлар электрон ҳисоб-фактурани расмийлаштириш учун камида 1 ой вақт беради. Ҳисоб-фактурада ҳақиқий реализация қилиш санаси ва ҳисоб-фактура расмийлаштириш санаси алоҳида акс этади. Электрон ҳисоб-фактуранинг асосий функцияси эса товар/хизматни олувчи томонга ҚҚС суммасини ҳисобга олишини тасдиқлаш учун асос бўлади.

12. Солиқлар турлари

Солиқ турлари ҳақида гап кетганда кўпчилик айланмадан олинadиган солиқни (АОС) ҳам алоҳида солиқ тури деб ўйлаши мумкин. Асли у ҚҚС ва фойда солиғи ўрнига киритилган солиқ режими ҳисобланади.

АОСни номига ишониб солиқ базасини тахмин қилиб бўлмайди. Чунки унинг базаси ҚҚС каби товар/хизмат айланмаси эмас, компанияда қўлга илинадиган ҳамма нарсани «айланмаси»ни назарда тутди. Шунинг учун АОСнинг солиқ солиш объектини ўқисангиз, у Сизни қўлингиздан ушлаб тўғри Фойда солиғининг 43-боби «Жами даромад»га етаклайди.

АОСдаги бир ўйин қондаси эътиборимни тортди «Баланснинг валюта ҳисобварақларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти деб эътироф этилади. Курсдаги салбий фарқнинг суммаси курсдаги ижобий фарқ суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма айланмадан олинadиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ базасини камайтирмайди». Шу жойда СКнинг 10-моддасини қайта ўқишга киришаман.

13. Солиқ рисклари

Солиқларни нотўғри ҳисобланиши rischi юқори бўлган иккита солиқ тури мавжуд. Биринчиси, фойда солиғи, иккинчиси ҚҚС.

Бундай рискни камайтириш бўйича халқаро тажрибага мувофиқ регуляторлар томонидан қўрилган чоралар ичида икки жиҳат диққатга сазовор.

Биринчи жиҳат, регулятор ўз веб сайтыда мазкур икки солиқ тури бўйича соҳалар (ишлаб чиқариш, авиасаноат, нефтегаз, телеком в.х.к) кесимида тушунтириш беради ва асосий рискларни санаб ўтади. Бизни ҳолатимизда, 15 йил ишлаб чиқариш соҳасида солиқларни ҳисоблашда устаси фаранг бўлган мутахассис ҳам ўз соҳасини ҳатто хизматлар соҳасига ўтказса ҳам, бу солиқларни ҳисоблашда хатоликларга йўл қўйиши табиий ҳолат. Чунки, соҳанинг ўзига ҳос хусусиятлари бор.

Иккинчи жиҳат, баъзи мамлакатларда солиқ аудити натижалари бўйича муҳим солиқ хатоликлари аниқланган тақдирда ва солиқ органи ушбу хатолик компаниядаги ҳодим малакасизлиги оқибати деб баҳоласа, бундай компания ҳодими солиқ органи томонидан бепул ўз компанияси контекстида қайта ўқитилади. Агар бундай принцип бизда қўлланса, солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ҳамкорлиги принципининг амалий натижаси бўлган бўларди.

Ушбу икки жиҳат ҳақида ёки бундан кўра самарали таклифлар бўлса ҳам, ўз фикрларингизни қолдиришингиз мумкин. Мазкур каналда солиқ соҳасининг айна бунёдкор мутахассислари ҳам бор.

14. Харажатлар фойда солиғи мақсадларида чегириладими?

Юқоридаги алгоритм бўйича амалга оширилган харажатлар фойда солиғи мақсадларида чегирилиши ёки чегирилмаслигини таҳлил қилишингиз мумкин. Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 305 ва 317 моддаларини ҳам диққат билан ўқиб чиқиш тавсия қилинади.

Халқаро амалиётга кўра, харажатлар чегирилиши учун 4 та тамойил қўлланади: 1) харажатлар фақат даромад олиш учун амалга оширилган; 2) харажат шартли мажбурият натижасида юзага келмаган; 3) харажат капиталлаштириладиган сарфдан иборат эмас; 4) харажат Солиқ кодекси билан чегирилишига тақиқ қўйилмаган.

Яқуний таклиф бизнесни хафа қилиши мумкин, лекин айтмасак бўлмайди. Шахсий фикримга кўра, енгил автомобиллар амортизациясини фойда солиғи мақсадларида чегирилишини тўхтатиш зарур. Шунингдек, улар бўйича ҚҚС ҳисобга олинишини ҳам. Агар уларни табиатга етказётган зарарларини тасаввур қилсангиз, эҳтимол фикримга қўшиларсиз.

15. ҚҚСдан ноқонуний қочиш ҳолатларига йўл қўйманг...

Амалиётда компаниялар ҚҚС солиғидан қочиш мақсадида баъзи ноқонуний йўللарга қўл уришади. Қўйида бундай хатоликларга бир қанча мисоллар келтирамиз:

1.Тушумни камайтириб кўрсатиш. Компания ўзининг реализация қилинган товар ёки хизматларини реализациясини қисман кўрсатишга уринади. Бунинг учун амалда реализация қилинган товар ёки хизмат учун электрон ҳисоб-фактурани расмийлаштирмайди. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун солиқ органи томонидан кўриладиган чоралар сифатида

инвентаризациядан ўтказиш орқали товарларнинг омбордоги қолдиғи ва солиқ ҳисоботи билан таққослаш кабиларни келтириш мумкин.

2.Товар ва хизматларни нотўғри таснифлаш. Компаниялар банан сотиб олади ва олма сотишга уринади. Ёки кўрсатиладиган хизматларини ҚҚСдан озод қилинган хизмат турига айлантиришга ҳаракат қилиши мумкин. Бундай ҳолатда солиқ органлари томонидан кўрилатган чора электрон ҳисоб-фактурада товарлар/хизматлар таснифини рақамлаштиришни мисол қилиш мумкин.

3.Аграр давлатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи компаниялар томонидан маҳсулотлар киримини назорат қилиш имкони йўқлиги. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ўзи етиштирувчи компанияда пишиб етилган маҳсулотни камайтириб кўрсатишга мингта баҳона бор. Бир дўл ёғади, бир сел олиб кетади. Бундай ҳолатга халқаро амалиётда солиқ органлари томонидан қатъий таъсир чоралар қўлланмайди.

4.ҚҚСни ҳисоблаш, миждан олиш, лекин солиқ органига ўтказмаслик ҳолати. Буларни халқаро амалиётда «йўқолиб қолган савдогарлар» деб аташади. Бундай ҳолатни олдини олиш учун сотувчига тўланадиган ҚҚСни тўғридан-тўғри солиқ органига тўлаш механизмига ўтказиш мумкин. Яъни сотиб олувчи компания ўзи шубхали деб ҳисоблаган сотувчидан ҚҚС бўйича қарзини тўғридан тўғри солиқ органига ўтказди ва хотиржам ҚҚСни ҳисобга олади.

Бундай мисолларни жуда кўп келтиришимиз мумкин. Юқоридаги фикрлар тадбиркорлик субъектларини тўғри йўлга бошлашига умид қиламиз.

16. Акциз солиғи нима?

Акциз солиғи - бу муайян товарлар ёки хизматларни сотиб олиш пайтидаги қонун билан белгиланадиган солиқ ҳисобланади.

Акциз солиғига тортиладиган товарлар асосан ёқилғи, тамаки ва алкоголь ва бошқалар бўлиши мумкин.

ЎзР мобил алоқа хизматига акциз қўллашни бошлаган. Бундай давлатлар қаторида Хиндистон, Хитой ва жуда кўп африка давлатлари мавжуд. Алоқа хизматларига акциз солиғи баҳсли мавзу. Баъзи кишилар солиқни адолатсиз деб таъкидлашади, чунки у асосий алоқа эҳтиёжлари учун мобил алоқа хизматларига таянадиган кам таъминланган одамларга номутаносиб равишда солиқ юклайди. Бошқалар эса солиқ давлат дастурлари учун даромадларни ошириш учун зарур, деб таъкидлайдилар.

Ўзбекистонда акциз солиғи ставкаси Солиқ Кодекс билан белгиланади. Акциз солиғининг ставкалари, маҳсулот нархи динамикасидан ва уни реализация қилиш, шу жумладан импорт қилиш ҳажмидан келиб чиқиб, ЎзР Президентининг қарорлари билан йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

17. Акциз марка нима учун керак?

Контрабанданинг олдини олиш учун. Акциз маркалари ноқонуний товарларни сотишни қийинлаштириб, контрабанданинг олдини олишга ёрдам беради. Мисол учун, агар бирор давлат сигарета учун акциз маркасини талаб қилса, контрабандачилар учун маркасиз ноқонуний сигаретларни мамлакатга олиб кириш қийинроқ бўлади.

Товарларнинг ҳаракатини кузатиш учун. Акциз маркалари таъминот занжири бўйлаб товарларнинг ҳаракатини кузатишга ёрдам беради. Бу давлатлар учун товарларга тўғри солиқ солиниши ва улар ноқонуний каналларга йўналтирилмаслиги учун фойдали бўлиши мумкин.

Истеъмолчиларни ҳимоя қилиш учун. Акциз маркалари истеъмолчиларни асл товарларни сотиб олишларини таъминлаш орқали ҳимоя қилишга ёрдам беради. Мисол учун, агар давлат алкоғолли маҳсулотлар учун акциз маркасини талаб қилса, истеъмолчилар сотиб олаётган спиртли ичимликлар қалбаки эмаслигига ишончлари кўпроқ бўлиши мумкин.

18. Автотранспорт воситаларини солиққа тортиш

Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг ЎзР ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Солиқ Кодекси билан тартибга солинади (СК 17-модда).

ҚҚС солиғи бўйича товарларни халқаро ташишлар учун нол ставка қўлланиши кўрсатиб ўтилган. Бунда товарларни халқаро ташиш уларни автотранспорт воситалари орқали ташишни ҳам ўз ичига олади (СК 263-модда).

Фойда солиғи мақсадларида автотранспорт воситаларига йиллик 20% амортизация нормаси қўллашга рухсат берилган (СК 306-модда). Айтганча, Сингапур давлатида энгил автотранспорт воситаларига фойда солиғи мақсадида амортизация қилишга йўл қўйилмайди.

Фойда солиғи мақсадларида ходимнинг шахсий автотранспортдан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун қонунчиликда белгиланган нормалардан ортиқча тўловлар чегирилмайди (СК 317-модда). Амалда бундай норманинг ўзи мавжуд эмас. Шунинг учун бундай тўловлар 100% чегирилмаслиги маслаҳат берилади.

Юқорида халқаро ташишларга нисбатан улар автотранспортда ташиш бўлса ҳам ҚҚС учун нол ставка қўлланишини айтиб ўтдик. Худди шундай хизматлар учун фойда солиғида ҳам нол ставка қўлланади, фақат автотранспортда ташиш бундан мустасно (СК 337-модда). Бунинг мантиғи фақат ёзган одамга аён.

Яқин қариндош бўлмаган шахсдан мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек текинга олинган автотранспорт воситаси олувчи томоннинг даромади ҳисобланади ва ЖШДСга тортилади (СК 378-модда).

Автотранспорт воситаларини ювиш учун ишлатилган сув ҳажмининг 1 куб метри учун солиқ тўловчилар амалда 2410 сўмдан сув солиғи тўлайдилар. Бунда автотранспорт воситаларини ювишни амалга оширувчи корхоналар томонидан ер усти манбаларидан олинган сувдан фойдаланилганда солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг беш баравари миқдорида белгиланади (СК 445-модда).

Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг эгалари ёки улардан фойдаланувчилар ушбу воситаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимнинг солиқ тўловчилари деб эътироф этилади ва уларда тегишли тартибда ушбу йиғим ундирилади (СК 456-модда).

Автотранспорт воситасида йўловчи ва юк ташиш, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари — 2022 йил 1 апрелдан

2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди (СК 483-модда).

19. Акциз солиғида нол ставка

Хақиқатда, баъзи мамлакатлар акциз тўланадиган товарларни экспорт қилишда нол акциз ставкасини қўллайди. Жумладан Ўзбекистон ҳам бундай товарлар экспортини (уларнинг пули 180 календар кунда келиб тушиши шарт билан) акциз солиғи объектига киритмайди (СК 284м). Бу экспортни рағбатлантириш ва маҳаллий товарларни жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида амалга оширилади.

Товарларни экспорт қилишда нол акциз ставкасини қўллайдиган баъзи мамлакатларга қуйидагилар киради:

Австралия: Ёқилғи, алкоголь, тамаки ва «роскош» маҳсулотлар экспортига нол акциз солиғи ставкаси қўлланилади.

Канада: Ёқилғи, алкоголь, тамаки ва «роскош» маҳсулотлар экспортига нол акциз солиғи ставкаси қўлланилади.

Европа Иттифоқи: Ёқилғи, алкоголь, тамаки ва «роскош» маҳсулотлар экспортига нол акциз солиғи ставкаси қўлланилади.

Ҳиндистон: Ёқилғи, алкоголь ва тамаки экспортига нол акциз солиғи ставкаси қўлланилади.

Америка Қўшма Штатлари: Ёқилғи ва алкоголь экспортига нол акциз солиғи ставкаси қўлланилади.

Шуни таъкидлаш керакки, экспортга нол акциз солиғи солинган товарлар ҳар бир мамлакатда бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Бундан ташқари, акциз солиғининг нол ставкаси фақат маълум мамлакатларга экспорт қилиш учун қўлланилиши мумкин. Мисол учун, Европа Иттифоқи Европа Иттифоқиға аъзо бўлган мамлакатларга экспортга фақат нол акциз солиғини қўллайди.

Мамлакатларнинг товарлар экспортига нол акциз солиғи ставкасини қўллаш сабаблари қуйидагилар:

- **Экспортни рағбатлантириш учун:** Акциз солиғининг нол ставкаси маҳаллий товарларни жаҳон бозорида рақобатбардош қилади, бу эса экспорт ҳажмининг ошишига олиб келиши мумкин. Бу иқтисодий юксалтириш ва иш ўринлари яратиш имконини беради.
- **Чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун:** Акциз солиғининг нол ставкаси мамлакатни ишлаб чиқариш корхоналари ёки экспорт операцияларини йўлга қўймоқчи бўлган хорижий инвесторлар учун янада жозибадор қилиши мумкин. Бу инвестициялар ва иқтисодий ўсишнинг ошишига олиб келиши мумкин.
- **Адолатли савдони ривожлантириш учун:** Акциз солиғининг нол ставкаси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хорижий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўйин майдонини тенглаштиришга ёрдам беради. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатда ноқулай аҳволга тушиб қолмаслигини таъминлашга ёрдам беради.

20. Талабаларги солиқ имтиёзлари

Қонунчиликка мувофиқ, ота-оналар олий ўқув юртлири ёки нодавлат мактаб ва боғчаларда ўқийдиган фарзандларига таълим тўловларини ўз ойлик иш ҳақларидан тўлаб берсалар, 12 фоиз даромад солиғини қайтариб олишлари мумкин. Бу ўзи ишлаб ўз контрактини тўлаган талабалар ва турмуш ўртоғи учун контракт тўлаганларга ҳам амал қилади.

Шу билан бирга, ОТМ талабаларининг ота-онаси иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлмаган қисми бўйича юқорида кўрсатилган имтиёзни қўллаш имконсиз. Шунинг учун барча талабаларга тенг имкониятлар яратиш учун ўқиш даврида ушбу имтиёздан фойдаланмаган ОТМ талабалари учун бундай имтиёзни келгуси даврга ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Мазкур тажриба Канада тажрибасида учрайди. Яъни ўқиш контракт пулини тўлаган лекин солиқ имтиёздан фойдаланмаган (яъни ўқиш даврида расмий даромадга эга бўлмаган) талаба солиқ имтиёзини 20 йилгача келгуси даврга ўтказиши мумкин.

Солиқ кодексида ҳам талабаларга боғлиқ бир қатор моддалар мавжуд. Уларни бир қатор эслатиб ўтамыз.

Талабаларнинг ЎЗР олий таълим ташкилотлари ҳудудида пулли ўқув курсларини, спорт тўғарақларини ташкил этишдан ва бошқа таълим хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлари жисмоний шахсларнинг даромадлари таркибига киритилмайди ва ЖШДСга тортилмайди (СК 369м).

Компаниялар томонидан талабаларнинг таълим олиши учун ЎЗРнинг профессионал ва олий таълим ташкилотлари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган маблағлар жисмоний шахснинг даромади сифатида қаралмайди (СК 369м).

Резидент жисмоний шахслар томонидан уй-жойларни талабаларга ижарага беришдан олинган даромадлари ЖШДСга тортилмайди (СК 378м).

21. Товарларни экспорт қилишда фойда солиғи

Статистик маълумотларга қараганда дунёнинг 55 та мамлакатаида товарлар (хизматлар) экспорти учун фойда солиғи мақсадларида нол ставка қўлланар экан. Бизда ўтган 20 йиллик тажрибамизда ҚҚСда товарлар экспорти учун нол ставка қўллаш амалиёти мавжуд эди. Фойда солиғида ҳам нол ставка қўллаш янги тахрирдаги солиқ кодекси билан кириб келди. Мазкур солиқ сиёсатининг афзаллик ва камчилик томонлари мавжуд.

Афзалликлари:

Экспортни кучайтириши мумкин: Товарлар экспорти учун фойда солиғининг нол ставкаси товарларни халқаро бозорларда рақобатбардошлигини ошириш орқали экспортни ошириши мумкин. Чунки, экспортчилар ўз фойдаларидан солиқ тўлашлари шарт эмас, бу уларга рақобатчиларга нисбатан нарх устунлигини бериши мумкин.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиши мумкин: Товар экспорти учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг нол ставкаси хорижий компаниялар учун мамлакатда экспортга йўналтирилган компанияларни ташкил этишни янада жозибадор қилиш орқали хорижий

инвестицияларни жалб қилиши мумкин. Чунки хориж компаниялари экспортдан олган фойдалари бўйича солиқ имтиёзларидан фойдаланишлари мумкин, бу эса уларга мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва юритиш харажатларини қоплашга ёрдам беради.

Иш ўринларини яратиши мумкин: товарлар экспорти учун фойда солиғининг нол ставкаси иқтисодий ўсишни рағбатлантириш орқали иш ўринларини яратиши мумкин. Бунинг сабаби, экспортчилар ўз бизнесларига сармоя киритиш учун кўпроқ пулга эга бўладилар, бу эса иш ўринларини яратишга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, хорижий инвестициялар мамлакатда иш ўринларини яратиши мумкин.

Камчиликлари:

Даромад йўқотилишига олиб келиши мумкин: товарлар экспорти учун фойда солиғининг нол ставкаси давлат учун даромад йўқотишларига олиб келиши мумкин. Бунинг сабаби, давлат экспортчиларнинг фойдасидан солиқ ундирмайди.

Мониторинг қилиш қийин бўлиши мумкин: товарлар экспорти учун фойда солиғининг нол ставкасини мониторинг қилиш қийин ҳисобланади. Чунки давлат қайси компаниялар маҳсулот экспорт қилаётгани ва улар қанча фойда кўраётганини кузатиб бориши лозим. Бундан ташқари, давлат компаниялар товарларни экспорт қилаётганини даъво қилиб, тизимни суиистеъмол қилмаслигини таъминлаши лозим.

Солиқдан қочишга олиб келиши мумкин: Товарларни экспорт қилиш учун фойда солиғининг нол ставкаси солиқдан қочишга олиб келиши мумкин. Чунки, компаниялар ўз товарларини аслида экспорт қилинмаса ҳам экспорт сифатида таснифлашга ҳаракат қилишлари мумкин. Бундан ташқари, компаниялар каттароқ солиқ имтиёзларини талаб қилиш учун экспорт қийматини оширишга ҳаракат қилишлари мумкин.

Охир оқибат, товарларни экспорт қилиш учун юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг нол ставкасини жорий этиш ёки қилмаслик тўғрисидаги қарор жуда мураккаб ҳисобланади. Бунда экспорт, хорижий инвестициялар ва давлат даромадларига потенциал таъсир каби бир қатор омилларни ҳисобга олиш лозим.

22. Мол-мулк солиғи нима?

Мол-мулк солиғи - бу ер ва бинолар каби мулк қийматига ҳисобланадиган солиқдир. Бу дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг тарқалган солиққа тортиш шакли ҳисобланади.

Мулк эгаси тўлайдиган мол-мулк солиғи суммаси одатда мулкнинг баҳоланган қийматига асосланади. Баҳоланган қиймат - бу маҳаллий солиқ органи томонидан белгиланадиган мулкнинг тахминий бозор қиймати.

Мол-мулк солиғи одатда йиллик асосда тўланади, аммо тўлов даврийлиги мамлакатдан мамлакатга фарқ қилиши мумкин. Мулк эгаси мол-мулк солиғини тўлаш учун жавобгардир ва солиқ одатда ҳар йили маълум бир санада тўланади.

Мулк эгаси тўлайдиган мол-мулк солиғи суммасига таъсир қилиши мумкин бўлган бир қатор омиллар мавжуд. Ушбу омилларга мулкнинг баҳоланган қиймати, солиқ ставкаси ва мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай имтиёзлар киради.

Солиқ ставкаси - солиққа тортиладиган мулкнинг ҳисобланган қийматининг муайян фоизидир. Солиқ ставкаси мамлакатдан мамлакатга ва шаҳардан шаҳарга фарқ қилиши мумкин. Буюк Британия тажрибасига кўра мол-мулк солиғи ставкаси нафақат мулкнинг баҳосига балки унда яшаётган ёки фойдаланаётган шахслар сонига ҳам боғлиқ тарзда ўзгаради.

Мол-мулк солиғи кўплаб давлатлар учун асосий даромад манбаи ҳисобланади. У таълим, соғлиқни сақлаш ва инфратузилма каби турли хил давлат хизматларини молиялаштириш учун ишлатилади.

23. Солиқ мақсадларида мол-мулк қиймати

Охириги йилларда солиқ кодексига киритилган фойда солиғидаги асосий воситалар бўйича ўзгаришлар бундай активларни ҳар йилги мажбурий баҳолашдан озод қилди. Бу ўйлайманки, жуда ҳам тўғри қарор. Биринчидан, активларни қайтабаҳолашда йўл қўйиладиган хатоликларни олди олинади, активлар суммасини текшириш осонлашади. Кўпчилик давлатлар томонидан солиқ қонунчилигига киритиладиган қоидаларда уларнинг энг аввало осон текшириладиган бўлиши лозимлигига аҳамият берилади.

Бошқа тарафдан, мол-мулк солиғи бўйича шартли бозор қийматига ўтиш бўйича тайёргарликлар кетмоқда. Бунинг мисоли сифатида бино ва иншоотлар учун минимал суммалар киритилганлигини кўриш мумкин. Бу амалиёт ҳам дунё давлатлари тажрибасида бор адолатли механизм ҳисобланади.

Фойда солиғи учун амортизация ҳисоблашда бошланғич қийматдан фойдаланишнинг ижобий тарафлари:

- **Бошланғич қиймат аниқроқ ва ишончли.** Бу актив сотиб олинган ҳақиқий қийматга асосланади, бу маълум ва текширилиши мумкин бўлган миқдордир. Бошқа томондан, бозор қиймати субъектив ва ишончсиз бўлиши мумкин бўлган тахминлар ва фаразларга асосланади.
- **Фойда солиғи учун бошланғич қийматдан фойдаланиш компаниялар учун кўпроқ барқарорлик ва прогноз қилишни таъминлайди.** Бу компанияларга ўз молиясини режалаштириш ва маълум харажатлар асосида сармоявий қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бошланғич қийматдан фойдаланиш компаниялар учун буни амалга оширишни қийинлаштиради, чунки бозор қийматлари тез ўзгариши мумкин.
- **Фойда солиғи учун бошланғич қийматдан фойдаланиш янада адолатлидир.** Бу барча компаниялар ўз мулкни қачон сотиб олганидан қатъи назар, бир хил асосда солиққа тортилишини таъминлайди. Фойда солиғи бўйича бозор қийматидан фойдаланиш мулкка узокроқ муддат эгалик қилган компанияларга афзаллик беради, чунки улар ўз мулкни яқинда сотиб олган компаниялардан кўра анча кам амортизация ҳисоблайдилар.

Мол-мулк солиғи учун бозор қийматидан фойдаланишнинг ижобий тарафлари:

- **Бозор қиймати мулкнинг жорий қийматини аниқроқ акс эттиради.** Бу мол-мулк солиғи мақсадларида муҳим аҳамиятга эга, чунки у мулк эгаларининг солиқларнинг адолатли улушини тўлашини таъминлайди. Бошланғич қиймат кўчмас мулкнинг жорий қийматини тўғри акс эттира олмайди, айниқса, агар мулк сотиб олинганидан бери қимматлашган бўлса.

- **Мол-мулк солиғи бўйича бозор қийматидан фойдаланиш мулк эгалари ўз мол-мулкни кам баҳолаган ҳолда солиқ тўлашдан қочишини олдини олишга ёрдам беради.** Агар мулк эгаларига мол мулк солиғи мақсадларида бошланғич қийматдан фойдаланишга рухсат берилса, улар ўз мулкнинг қийматини сунъий равишда пасайтириши ва камроқ солиқ тўлаши мумкин эди.
- **Мол-мулк солиғи бўйича бозор қийматидан фойдаланиш давлат бюджет даромадларини ошириши ҳаммага маълум.** Лекин, бу даромад мактаблар ва инфратузилма каби муҳим давлат хизматларини молиялаштириш учун ишлатилиши, компанияларни оғринмай солиқ тўлашга ундайда албатта.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мол-мулк солиғи ёки фойда солиғи мақсадлари учун бошланғич қиймат ёки бозор қийматидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик тўғрисидаги қарор давлатлар томонидан қабул қилинадиган сиёсат қароридир. Энг асосийси, бундай қарорлар барқарор тарзда муайян давр амал қилиши солиқ тўловчиларни чарчатмайди. Солиқ кодексининг махсус қисмига киритиладиган солиқ ставкасидан ташқари ўзгаришларни фақат йилда бир марта ва асосли тарзда киритадиган бўлсак, ривожланган давлатлар даражасига етиб олардик албатта.

24. Солиқ кодексидаги сирли бандлар

Солиқ кодексида шундай бандлар борки, уларни қайта-қайта ўқийсиз, лекин мазмунига етиб бора олмайсиз.

Шундай моддалардан бири бу Солиқ кодексининг ҚҚС бўйича 239-моддасидаги қуйидаги банд «Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида қуйидагилар ҳам товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмадир:... б) солиқ тўловчи томонидан ўзига тегишли мол-мулкни (хизматларни), агар бундай мол-мулк (хизматлар) бўйича солиқ суммаси тўлиқ ёки қисман ҳисобга ўтказилган бўлса, бошқарув органи аъзоларига, ходимларга, уларнинг оила аъзоларига ёхуд бошқа шахсларга солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий мақсадларда фойдаланиш учун бериш (хизматлар кўрсатиш);».

Ушбу бандни тушуниб олишингиз учун юқорида алгоритм тузишга ҳаракат қилдик. Ушбу алгоритмни ўз ҳодимида бепул овқат етказиб берадиган компания ёки ўз ҳодимини рағбатлантириш мақсадида музлаткич ҳарид қилиб, уни ўз ҳодимида берган ҳолатлар бўйича синаб кўринг.

25. Фойда суммасидан ортиқча тақсимланган дивидендлар

Эрталабдан buhgalter.uz сайтида бир мақолага кўзим тушди. Мақола ортиқча тўланган дивидендларни солиққа тортилиши бўйича ёзилган. Мақоладаги марказий нуқта бу компанияда тақсимланиши мумкин бўлган суммадан (тақсимланмаган фойда) ортиқча тўланган дивидендлар солиқ кодексининг 377 моддаси 15 бандига мувофиқ жисмоний шахснинг бошқа даромадлари сифатида қаралиши лозимлиги ва 12% ставкада ЖШДС солиққа тортилиши айтиб ўтилган. Шунингдек бундай ортиқча тақсимланган сумма фойда солиғи мақсадларида чегирилмаслиги кўрсатиб ўтилган. Лекин бу хулосага келиш учун солиқ кодексида етарлича асослар йўқ.

Асос: Солиқ кодекси 41 моддасига мувофиқ, «Қуйидагилар дивидендлар деб эътироф этилади: 1) юридик шахснинг фойдасини (шу жумладан имтиёзли акциялар бўйича фоизлар

тарзидаги фойдасини) ушбу юридик шахснинг акциядорига (иштирокчисига) тегишли акциялар (улушлар) бўйича тақсимлаш чоғида акциядор (иштирокчи) томонидан олинган ҳар қандай даромад». Айнан шу жойда жисмоний шахс томонидан тақсимланиши мумкин бўлган фойда суммасидан ортиқча тўланган дивидендлар қандай даромадга киритилиши бўйича банд киритиб ўтилиши лозим эди.

Халқаро амалиёт:

АҚШ: Ички даромадлар кодексининг 301(в) бўлимида дивидендлар компания томонидан унинг даромадлари ва фойдасидан ўз акциядорларига мулкни тақсимлаш сифатида белгиланади. 306 (а) бўлимида даромад ва фойдадан ортиқ бўлган тақсимлаш мулкий даромад сифатида қаралишини назарда тутди.

Буюк Британия: Даромад солиғи тўғрисидаги қонуннинг 981-моддасига мувофиқ дивидендлар компания томонидан фойдани унинг акциядорларига тақсимлаш сифатида белгиланади. 993-моддага мувофиқ компаниянинг фойдасидан ортиқ бўлган тақсимлаш акциядорга мулкий даромад сифатида қаралишини назарда тутди.

Шу билан бирга ортиқча тўланган дивиденд суммаси компания фаолиятига боғлиқ бўлмаган харажат бўлганлиги сабабли уларни фойда солиғи мақсадларида чегирилмайдиган харажатлар рўйхатига қўшилиши тўғри бўлади.

Хулоса ва таклиф:

Солиқ кодексида фойдадан ортиқча тақсимланган дивидендларни жисмоний шахснинг бошқа даромадлари сифатида ёки бошқа мулкий даромад сифатида аниқ белгилаб қўйиш лозим.

Солиқ қонунчилигидаги бўшлиқларни мантиқан тўғри лекин қонуний асоссиз ва норасмий баёнотлар билан тартибга солиш механизмини бартараф қилишимиз зарур. Хар бир масалага концептуал ёндашиш ва уни қонуний асосини мустаҳкамлаб қўйиш тадбиркорлик субъектлари ва солиқ органлари ўртасидаги суд низоларини камайтиришга хизмат қилади.

26. Солиқ маслаҳатчилари учун 10 та қоида

1. Амалдаги барча қонунлар ва қоидаларга риоя қилиш; Солиқ маслаҳатчилари барча амалдаги қонунлар ва қоидаларга, жумладан, солиқ қонунлари, ахлоқ қоидалари ва профессионал стандартларга риоя қилишлари керак.

2. Ўз миждозлари манфаатларини кўзлаб иш тутиш; Солиқ маслаҳатчилари ўз миждозлари манфаатларини кўзлаб иш тутишлари керак, бу уларга тўғри ва холис маслаҳатлар беришни аниқлатади. Солиқ маслаҳатчилари, агар миждоз талаб қилса ҳам, ноқонуний ёки ахлоқий бўлмаган солиқ стратегияларини тавсия этмаслиги керак.

3. Миждозларнинг махфийлигини сақлаш; Солиқ бўйича маслаҳатчилар миждознинг махфийлигини сақлашлари керак, яъни миждознинг барча маълумотларини махфий сақлашни аниқлатади. Бунга миждознинг молиявий аҳволи, солиқ ҳисоботлари ва бошқа хусусий маълумотлар кирди.

4. Манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш; Солиқ маслаҳатчилари ўз миждозларига ҳар қандай манфаатлар тўқнашувини ошкор қилишлари керак. Бунга маслаҳатчининг шахсий манфаатлари миждознинг манфаатларига зид келадиган ҳар қандай ҳолатлар кирди.

5. Етук ва малакали эксперт бўлиш; Солиқ маслаҳатчилари солиқ маслаҳати бериш учун тажрибали ва малакали бўлиши керак. Бу тўғри ва объектив маслаҳат бериш учун зарур таълим, тайёргарлик ва тажрибага эга бўлишни англатади.

6. Ҳалол ва ахлоқий бўлиш; Солиқ маслаҳатчилари мижозлар ва жамоатчилик билан муносабатларида ҳалол ва ахлоқий бўлиши керак. Бу нотўғри ёки ёлғон амалиётлардан қочиш ва профессионал хатти-ҳаракатларнинг энг юқори стандартларига риоя қилишни англатади.

7. Солиқ қонунлари ва қоидаларидан хабардор бўлиш; Солиқ қонунлари доимий равишда ўзгариб туради, шунинг учун солиқ маслаҳатчилари сўнги ўзгаришлардан хабардор бўлишлари муҳимдир. Буни солиқ янгиликлари ва блогларига обуна бўлиш, узлуксиз таълим курсларида қатнашиш ёки профессионал ташкилотларга қўшилиш орқали амалга ошириш мумкин.

8. Мижозлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш; Солиқ маслаҳатчилари ўз мижозлари билан мустаҳкам муносабатлар ўрнатишлари керак. Бу уларнинг эҳтиёжларига жавоб бериш, аниқ ва ўринли маслаҳатлар бериш, барча ишларда ҳалол ва ахлоқий бўлишни англатади.

9. Технологиядан ва дастурий таъминот воситаларидан фойдаланиш; Солиқ маслаҳатчилари технологиядан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. Бу уларга янада самаралироқ ва унумлироқ бўлишга ёрдам беради, шунингдек, мижозларга яхши хизмат кўрсатишга ёрдам беради.

10. Умр бўйи илм талабида бўлиш; Солиқ маслаҳатчилари бутун умр ўрганувчи бўлиши керак. Бу доимий равишда янги билим ва кўникмаларни излаш, янги ғояларга очиқ бўлишни англатади.

27. Солиқ мажбурияти бўйича даъво муддати

Солиқ мажбурияти бўйича даъво муддати - бу солиқ органи ёки бошқа ваколатли орган солиқ текширувини ўтказишга, текширув натижалари бўйича солиқ тўловчига солиқ қарзини узиш тўғрисида талабнома юборишга ёки солиқ тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланиши лозим бўлган солиқлар миқдорини қайта кўриб чиқишга ҳақли бўлган муддат ҳисобланади.

Президент қарори (ПҚ-292, 04.09.2023 й.) кўра, солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати 5 йилдан 3 йилга туширилади.

Халқаро тажриба(Синапур)

Сингапурда солиқлар бўйича даъво муддати молиявий йил тугаганидан кейин тўрт йилни ташкил қилади. Бу шуни англатадики, Сингапур Солиқ органи солиқни ҳисоблаш ва ундириш керак бўлган йил охиридан бошлаб тўрт йил муддатда текшириш ҳуқуқига эга.

Бироқ, бу қоидадан баъзи истиснолар мавжуд. Масалан, солиқ тўловчи қуйидаги ҳолларда даъво муддати олти йилга узайтирилади:

- Сохта ҳисобот топширилган бўлса;
- Ҳисобот топширилмаса;
- Бухгалтерия ёзувларини яширган ёки йўқ қилган бўлса;
- Солиқ тўлашдан бўйин товлаш ниятида Сингапурни тарк этган бўлса;

Бундан ташқари, даъво муддати АҚШда 3 йил, Канадада 2 йил, Буюк Британияда 6-йил эканини эслатиб ўтамиз.

Солиқ мажбурияти бўйича даъво муддатининг қисқа бўлишининг афзалликлари ва камчиликлари албатта ҳар бир солиқ тўловчининг нуқтаи назарига боғлиқ. Бизнинг фикримизча, даъво муддатининг қисқалигининг афзаллик ва камчилик томонлари куйидагилардан иборат:

Афзалликлари:

Солиқ тўловчиларни солиқ ҳисоботини тузиш ва тақдим этишда ҳалол ва аниқ бўлишга ундайди. Агар солиқ тўловчилар солиқ органи томонидан 3 йилда ҳеч бўлмаганда бир марта текширилиши мумкинлигини билсалар, улар солиқ ҳисоботини тўғри ва аниқроқ тузишлари мумкин.

Солиқ органининг маъмурий харажатларини камайтиради. Солиқ органи солиқларни текшириш ва ундириш учун ресурс сарфлаши керак. Қисқароқ даъво муддати уларнинг ушбу тадбирларга камроқ пул сарфлаши мумкинлигини англатади. Бундан ташқари, тез ўзгарувчи солиқ сиёсати шароитида солиқ органлари текширувчилари узоқ муддатли даъво муддатидаги ўзгаришларни тўлиқ қўллаш олмадликлари ва натижада ундирилиши мумкин бўлган солиқлар йўқотилиши турган гап.

Солиқ тўловчилар учун ишончни таъминлайди. Солиқ тўловчилар маълум вақтдан кейин солиқлар учун жавобгар бўлмаслигини билдилар. Бу уларга ишончни таъминлайди ва уларга ўз рискларини шунга мос равишда режалаштириш имконини беради.

Камчиликлари:

Солиқ тўловчиларга солиқ тўлашдан бўйин товлашдан қочиш имконини беради. Агар даъво муддати жуда қисқа бўлса, солиқ тўловчилар даъво муддати тугашини кутиш орқали солиқ тўлашдан бўйин товлашдан қутулишлари мумкин.

Кўчиб кетган ёки тўловга қодир бўлмаган солиқ тўловчилардан солиқ ундиришни қийинлаштиради. Агар даъво муддати жуда қисқа бўлса, солиқ органи кўчиб кетган ёки тўловга лаёқатсиз бўлган солиқ тўловчилардан солиқ йиғи олмадлиги мумкин. Бунинг сабаби шундаки, улар солиқ тўловчини топа олмадлиги ёки солиқ тўловчининг солиқ тўлаш учун пули бўлмаслиги мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, даъво муддатининг қисқа ёки узоқ бўлиши тўғрисидаги қарор давлат томонидан қабул қилиниши лозим бўлган сиёсий қарордир. Ҳар бир ёндашувнинг афзалликлари ва камчиликлари мавжуд ва энг яхши ёндашув муайян ҳолатларга қараб ўзгаради.

28. «Откат» фойда солиғи мақсадларида чегириладими?

Бозор нархидан юқори бўлган материалларни сотиб олиш чегириб ташланадими ёки йўқми бу муайян ҳолатларга боғлиқ. Амалдаги солиқ кодекси бўйича 317 моддада конкрет бундай банд мавжуд эмас. Лекин, харажатларнинг иқтисодий асосланганлиги меъзони материалларни бозор нархида қимматга олинисига нисбатан саволларни келтириб чиқаради.

Бизнинг солиқ текширувчилар ҳозирча фақат бозор қийматидан кам кўрсатилган даромадга нисбатан бозор қийматини қўллаш устида ишламоқдалар. Лекин, бир тарафдан компаниянинг пулларини расмий ювиш, бошқа тарафдан фойда солиғи базасини камайтиришга қаратилган «откат» операцияларига эътибор қаратилмаяпти.

Умуман олганда, материалларни ҳаққоний бозор қийматидан юқори нархда сотиб олиш бизнес харажатлари сифатида чегирилмаслиги лозим. Бунинг сабаби, бундай харид иқтисодий асосланган бизнес харажатлари ҳисобланмайди. Соғлом бизнес эгаси ўзининг корхонасига бозордагидан кўра қимматроқ нарса сотиб олмайди. Агар сотиб олса, у соғлиги жойида эмас ёки бошқа мақсадни кўзлаган.

Бироқ, ушбу қоидадан баъзи истиснолар мавжуд. Мисол учун, агар сотиб олиш виждонан амалга оширилган бўлса ва солиқ тўловчи бозор нархи сотиб олиш нархидан юқори бўлганлигини исботлай олса, сотиб олиш чегириб ташланади. Бундан ташқари, агар сотиб олиш иқтисодий асосланган бизнес битимининг бир қисми сифатида амалга оширилган бўлса, нарх ҳаққоний бозор қийматидан юқори бўлса ҳам, харид чегириб ташланиши мумкин. Масалан, қонунчилик талаби билан муайян етказиб берувчидан белгиланган нарх бўйича сотиб олган бўлса.

Бозор нархидан юқори бўлган материалларни сотиб олиш чегириб ташланадими ёки йўқлигини аниқлашда эътиборга олинishi мумкин бўлган баъзи қўшимча омиллар мавжуд:

- **Харид қилишдан мақсад:** харид иқтисодий асосланган бизнес мақсадларида қилинганми?
- **Тўланган нарх:** тўланган нарх ҳаққоний бозор қийматидан сезиларли даражада юқори бўлганми?
- **Солиқ тўловчининг мақсади:** Солиқ тўловчи нархнинг ҳаққоний бозор қийматидан юқори эканлигини биларми?
- **Атрофдаги шароитлар:** Харид қилиш иқтисодий асосланган бизнес харажатлари эмаслигини кўрсатадиган бошқа омиллар борми?

Агар Сиз бозор нархидан юқори бўлган материалларни сотиб олишни ўйлаётган бўлсангиз, қарор қабул қилишдан олдин потенциал фойда ва рискларни баҳолашингиз лозим.

29. Тушум ҳақида фактлар

Тушум тушунчаси Солиқ кодексида 56 марта, рус тилида «выручка» тушунчаси 40 марта ишлатилган. Нахотки бир ҳужжатда шундай бўлиши мумкинми?

Албатта, ўзбек тилида солиқ кодексини ўқишда жуда эҳтиёт бўлишимиз керак. Жорж ва Морж бир биридан фарқланмаган, минг афсус. Рус тилидаги «Поступления» ва «Выручка» атамалари ўзбек тилида бир текис «тушум» деб таржима қилинган.

Қолаверса, Кодекснинг кўп жойларида даромад сўзи ўрнига «тушум» сўзи ишлатилган. Лекин, солиқ мақсадларида тушум нима экани изоҳланмаган.

Таклиф: Бу йилги солиқ кодексига киритиладиган ўзгаришларни ўзбек тилидаги таржима экспертизасидан бошлаш лозим. Акс ҳолда солиқ кодексининг нотўғри талқин қилиниши оқибатида қанча солиқ тўловчилар жабр кўриши мумкин.

30. Реализация нархи ва бозор қиймати ўртасидаги фарқ

Шу кунларда бозор қиймати бўйича ҚҚС суммаси чегирилиши масаласига оид мақола ўқиб қолдим. Мақоладан айна кўчирма: «Агар корхона маҳсулотлар (товарлар)нинг бозор нархи ва реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқдан ҚҚСни мустақил равишда қўшимча

ҳисоблаб ёзган бўлса, фойда солиғини ҳисоб-китоб қилишда қўшимча ҳисобланган ҚҚС суммаларини чегиришга ҳақли». Мақолада айнан мустақил равишда деган сўзга урғу берилган.

Демак, сотиш нархи ва бозор қиймати ўртасидаги фарқ бўйича компания ўзи мустақил равишда ҳисоблаган ҚҚС суммаси фойда солиғи мақсадларида чегирилади. Буни аксини давом эттирсак, агар шундай фарқ солиқ органи томонидан аниқланса, фойда солиғи мақсадларида чегирилмайди деган маъно келиб чиқмоқда.

Бунинг асоси сифатида муаллиф эҳтимол Солиқ кодексининг 317-моддаси 12-бандини келтириши мумкин: «Солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланмайдиган харажатлар жумласига қуйидагилар киради: 12) солиқ текширувлари натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар».

Солиқ органи томонидан ҚҚС солиқ базасига тузатиш қиритиш ваколати орқали ҳисобланган солиқ қўшимча ҳисобланган солиқ ҳисобланадими?

Солиқ тўловчиларни бозор қиймати бўйича солиққа тортиш орқали ноаниқ позицияга қўйиб, қўшимча ҚҚС ундириш ва камига бундай ҚҚС харажати фойда солиғидан чегирмаслик қанчалик тўғри?

Солиқ органи томонидан текширув давомида солиқ тўловчи томонидан очикдан-очик йўл қўйилган хатолик учун ҳисобланган солиқлар фойда солиғидан чегирилмаслигида мантиқ бор. Лекин бозор қиймати бу солиқ тўловчининг хатоси эмас, балки амалий мулоҳазаси натижасику!

31. Хашаматли автомобил эскириши

Компания ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади. Компания мулкдорлари айни пайтда компания директорлари функциясини бажаради. Компания томонидан енгил автомобиллар сотиб олинган ва компания директорлари томонидан бошқарилади. Мазкур ҳолатда ушбу автомобиллар амортизацияси фойда солиғи солиғи мақсадларида чегириладими?

Бу саволнинг жавоби ҳар бир индивидуал ҳолат, факт ва ҳужжатлаштиришга боғлиқ бўлади.

Бирок, умуман олганда, бизнес активларининг амортизацияси, агар активлар асосан тадбиркорлик фаолияти мақсадларида фойдаланилган бўлса, фойда солиғи мақсадларида чегириб ташланади. Директорлар томонидан фойдаланиладиган енгил автомобиллар бўйича компания амортизация чегирмаларини қўллаши учун автомобиллар асосан бизнес мақсадларида фойдаланилганлигини кўрсатиши керак бўлади.

Енгил автомобилдан асосан бизнес мақсадларида фойдаланиладими ёки йўқлигини аниқлашда халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобга олиниши мумкин бўлган баъзи омиллар қуйидагилардан иборат:

- Автотранспортдан бизнес мақсадларида фойдаланиш вақтининг фоизи.
- Автотранспорт воситасидан фойдаланиладиган тадбиркорлик фаолиятининг хусусияти.
- Автомобил бизнеснинг фаолияти учун зарурми?
- Автомобил шахсий мақсадларда фойдаланиладими?
- Автомобилга сарфланадиган бензин ва ёғилғи сарфлари қайси мақсадларга сарфлангани ҳужжатлаштирилганми?

Амалда директорлар автомобилларни қайси мақсадлар учун хайдаганини кўрсатиб бериши керак. Масалан, директорлар миқдорларга ташриф буюриш, маҳсулотларни етказиб бериш ёки савдо кўргазмаларида қатнашиш учун автомобиллардан фойдаланиши мумкин.

Юқоридагиларга қўшимча равишда, айрим давлатларда ҳашаматли автомобиллар амортизациясини чегириб ташлашни чеклаши мумкин бўлган махсус қоидалар мавжудлигини таъкидлаш муҳим. Мисол учун, АҚШда ҳашаматли автомобиллар учун амортизация суммаси чегирмаси маъмурий мақсадларда фойдаланилган автомобиллар учун чегирилмаслиги қоида мавжуд.

Бизнинг солиқ қонунчилигимиз бўйича ҳозирча фойда солиғи мақсадларида энгил автомобиллар учун аниқ қоидалар эмас, фақат тамойиллар амал қилмоқда. Яъни иқтисодий жихатдан асосланганлик тамойили (СК 305м). Қолаверса, ҚҚС бўйича энгил автомобилларнинг ҚҚС суммасини ҳисобга олиш бўйича қоида конкретлаштириш лозим.

Лекин, бу тамойилларни адолатли тарзда қўллаш амалда имконсиз. Шу сабабли, солиқ кодексига тегишли ўзгаришларни киритмасдан туриб, энгил автомобиллар амортизациясини чегирмаслик кўпгина низоли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Айниқса энгил автомобил бўйича амортизация чегирилмаслиги қарори ортидан қуйидаги солиқ оқибатлари келиб чиқади:

- Амортизацияси чегирилмаган автомобил бўйича илгари ҳисобга олинган ҚҚС суммаси ҳам тузатилиши керак бўлади (яъни ҳисобга олинган сумма бекор қилинади, агар даъво муддати ўтмаган бўлса, албатта);
- Амортизацияси чегирилмаган автомобилни хайдаган жисмоний шахс учун автомобилдан фойдалангани учун моддий наф тарзидаги даромад ҳисобланади ва ЖШДС ҳисобланади.

Юқоридаги рискларни ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий асосланганлик тамойилини энгил автомобиллар амортизациясига нисбатан қўллашни Солиқ кодексига аниқ қоидалар киритилгандан сўнг қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

32. Электрон хизматларни солиққа тортиш

Дунёда электрон хизматларни солиққа тортиш мураккаб масаладир. Электрон хизматларга солиқ солишининг ягона халқаро стандарти мавжуд эмас ва турли мамлакатлар турлича ёндашувларни қўллашмоқда.

Баъзи мамлакатларда электрон хизматлар учун махсус солиқлар жорий қилинган, масалан, Рақамли Хизматлар Солиғи (РХС). РХС - бу Google, Amazon, YandexGo ва Facebook каби йирик рақамли компанияларнинг даромадларига солинадиган солиқдир. РХС ушбу компаниялар фойдаланувчилари жойлашган мамлакатларда солиқларнинг адолатли улушини тўлашларини таъминлаш учун ишлаб чиқилган.

Бошқа мамлакатлар электрон хизматларни солиққа тортишга кўпроқ урғу бермоқдалар. Масалан, айрим мамлакатлар қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) базасини кенгайтириш орқали электрон хизматларни ҳам қамраб олмақда.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ОЕСД) ҳозирда электрон хизматларга солиқ солишининг янги халқаро асоси устида ишламоқда. Мазкур ташкилотнинг мақсади бутун дунё бўйлаб электрон хизматларга солиқ солишга янада изчил ва самарали ёндашувни яратишдир.

Турли мамлакатлар электрон хизматларга қандай солиқ солишига мисоллар:

Буюк Британия: Буюк Британияда глобал даромади 750 млн эвродан ортиқ ва Буюк Британиядаги айланмаси 500 миллион фунт стерлингдан ортиқ бўлган йирик рақамли компанияларга тегишли РХС мавжуд. РХС ставкаси 2% ни ташкил қилади.

Ҳиндистон: Ҳиндистонда товарлар ва хизматлар солиғи (ҚҚС) мавжуд бўлиб, электрон хизматларга ҳам тегишли. Электрон хизматлар учун ҚҚС ставкаси 18% ни ташкил қилади. Шужумладан, йиғим жорий қилинган.

Чет эл компанияси томонидан кўрсатиладиган хизматларни фойда солиғига тортиш Солиқ кодекси доирасидан чиқади. Сабаби, иккиёқлама солиқ солишни олдини олишга қаратилган халқаро шартнома доирасида бундай компания даромадига нисбатан қайси давлатда солиқ олиниши келишилган бўлади.

Ўзбекистон тажрибасида ҚҚСдан ташқари, ечим сифатида хизмат қийматига нисбатан қўлланадиган РХСни жорий қилиш кўзланган натижа бериши осонроқ кўринмоқда.

33. Сотув акцияларини солиққа тортиш

Компания салқин ичимликлар ишлаб чиқаради. Компания сотув хажмини ошириш мақсадида ўз мижозларига акция эълон қилган. Акция иштирокчиларига пул мукофоти ёки қимматбаҳо совғалар (планшет ёки телефон) совға қилинади. Бундай кўринишдаги ашёларни жисмоний шахсларга берилиши қайси ҳолатларда уларнинг даромади сифатида қаралмайди?

Мазкур саволнинг жавобини топишда Солиқ кодексининг 369 моддаси иккинчи қисми 14-бандига мурожаат қилиш лозим. Бунда икки асосий ва учта қўшимча шартлар келтириб ўтилган.

Бундай акция натижасида бериладиган ашёлар жисмоний шахснинг даромади бўлмаслиги учун қуйидаги **ИККИ АСОСИЙ ШАРТЛАР БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА** бажарилиши лозим:

1- Шарт. Дастур (акция) мижозларнинг товарлар ва хизматларни сотиб олиш фаоллигини оширишга қаратилган бўлиши лозим; Буни аниқлаш учун акция моҳиятини ўрганиш лозим, масалан, акция мижозларни кўпроқ товарлар ёки хизматлар сотиб олиш учун ундайдими? Акция маълум миқдорда харидларни амалга оширган харидорлар учун чегирмаларни назарда тутадими? Акция иштирокчиси акция иштирокчиси бўлмаган харидорга қараганда товарлар ва хизматлар учун кўпроқ пул сарфлайдими?

2 - Шарт. Акцияда иштирок этиши натижасида бонус баллар ҳисобланиши ёки олинишини назарда тутиши лозим; Демак, акция шунчаки ютуқли ўйин шаклида ташкил этилиши иккинчи шартни қаноатлантирмайди. Чунки харидор бундай акцияда совғага эга бўлиш учун илгари амалга оширган харидлари учун маълум бир балларни йиғиб борган бўлиши лозим.

Юқоридаги икки асосий шартга қўшимча тарзда, акция **қуйидаги 3 қўшимча шартларнинг БАРЧАСИ** бажарилиши лозим:

1-шарт. Жисмоний шахс акцияда оммавий оферта шартларида иштирок эта олиши лозим. Бу шунинг англатадики, солиқ тўловчи иштирок этишдан олдин дастур шартларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш имконияти берилган ҳолда дастурда иштирок этади. Акс ҳолда акция доирасида олинган ашё жисмоний шахснинг даромади сифатида қаралади.

2- шарт. Акция доирасида очик офертани акцептлаш муддати 30 кундан ортик бўлиши ва компания оммавий офертани муддатидан олдин чақириб олиш имконияти мавжуд бўлмаслиги лозим. Бу шуни англатадики, жисмоний шахс дастур шартларини кўриб чиқиш учун етарли вақтга эга бўлиши ва дастур ташкилотчиси исталган вақтда оммавий офертани қайтариб ололмаслигини билдиради. Яъни компания директори ўзининг қариндошига эшикни очиб, қолганларга эшикни ёпиб қўйиш имконияти бўлса, бундай акция доирасида жисмоний шахсга совғалар берилиши жисмоний шахснинг даромади сифатида қаралади.

3-шарт. Дастур иштирокчиси ашёларни дастур ташкилотчиси билан лавозим мажбуриятларини бажаришда меҳнат муносабатлари доирасида, шунингдек дастур иштирокчиси томонидан товарлар етказиб берганлик (ишлар бажарганлик, хизматлар кўрсатганлик) учун ҳақ (мукофот) ёки моддий ёрдам сифатида олмаётган бўлиши лозим. Бу шуни англатадики, жисмоний шахс дастур ташкилотчисига товарлар, хизматлар ёки ишларни тақдим этиш эвазига дастур ташкилотчисидан совғаларни олмаслиги лозим. Бундай рискни олдини олиш учун акция шартларида компания манфаатдор томонлари бундай акция иштирокчиси бўла олмаслигини назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳатто тасодифий тарзда компания таъсисчиси ўз компанияси акциясида иштирок этиб совға олиши бу унинг компаниядан даромад олаётганини кўрсатиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Солиқ агенти солиқ тўловчидан ЖШДС суммасини ушлаб қолмаган тақдирда, солиқ агенти ушлаб қолинмаган суммани ва у билан боғлиқ пеняни бюджетга ўтказиши шарт. Шунинг учун акция ўтказувчи компанияларда ЖШДС билан боғлиқ жуда катта риск мавжуд.

34. Резидентлик статуси нима беради?

Ўзбекистон солиқ қонунчилиги бўйича жисмоний шахснинг резидент ёки норезидент бўлиши қуйидаги оқибатларни келтириб чиқаради:

- Резидент жисмоний шахс Ўзбекистондаги ва унинг ташқарисидаги манбалардан олинган даромадлардан, норезидент жисмоний шахс эса фақат Ўзбекистондаги манбалардан олинган даромадлардан ЖШДС тўлайди (СК 368м).
- Резидентларга нисбатан ЖШДС бўйича имтиёзлар қўлланади, норезидентлар учун эса бундай имтиёзлар қўлланмайди (СК 366м).
- Резидентлар учун дивидендлар ва фоизлар 5% ставкада, норезидентлар учун эса 10% ставкада солиққа тортилади (СК 381-382м).

Ўзбекистонда мол-мулк солиғи, ер солиғи ёки сув солиғи учун жисмоний шахсларнинг резидент ёки норезидентлик статуси аҳамиятга эга эмас. Чунки, бу солиқлар ҳудудга асосланган солиқ тизими сифатида ишлаб чиқилгани учун. Агар Ўзбекистоннинг резидент жисмоний шахсининг чет элдаги кўчмас мулклари ҳам Ўзбекистонда солиққа тортилиши нормаси бўлганда, жисмоний шахснинг резидент ёки норезидентлик мақоми муҳим рол ўйнаган бўларди. Бундай давлатларга мисол қилиб, Венгрия, Исроил, Норвегия, Испания, Швеция, Швейцария ва Буюк Британияни келтириш мумкин.

Энг қизиғи, ушбу мамлакатларнинг баъзиларида чет элдаги мулклар учун мулк солиғи ставкаси маҳаллий мулклар учун солиқ ставкасидан юқори. Мисол учун, Венгрияда хориждаги мулклар учун мол-мулк солиғи ставкаси мулк қийматининг 0,35% ни ташкил қилади, ички мулк учун эса мулк солиғи ставкаси мулк қийматининг 0,2% ни ташкил қилади.

35. Фоизсиз олинган қарзнинг солиқ оқибати

Компания 2023 йил 10 январда 31 мартда қайтариш шарти билан 20 млн сўм фоизсиз қарз олган, ўша санадаги қайта молиялаш ставкаси 15 % ташкил этарди. 31 март санасида қайта молиялаш ставкаси 14%ни ташкил қилган. Мазкур қарз бўйича фойда солиғи мақсадларида бирор солиқ оқибати мавжудми?

Мазкур саволга жавоб топишда СКнинг 299 моддасига мурожаат қилиш лозим. Фақат Солиқ кодексини ушбу моддасини рус тилида ўқиш тавсия этилади. Сабаби ўзбек тилида маъно бўйича хатолик мавжуд. Хуллас, қарз маблағларидан фоизсиз фойдаланиш натижасида компания учун солиқ мақсадларида «ШАРТЛИ ДАРОМАД» ҳисобланади.

Нима учун шартли даромад?

Чунки бундай даромад ҳақиқатда компания томонидан бирор иқтисодий наф тарзида олинмайди. Шунинг учун ҳисобланган даромад суммаси учун бухгалтерия ҳисобида бирор ўтказма берилмайди. Солиқ солиш мақсадларида эса даромадларни ҳисобланишини ҳужжатлаштириш СКнинг 76 моддаси талабларига мос келади.

Ҳисоблаш тартиби

Қарздан бепул фойдаланишдан компаниянинг даромадини аниқлаш учун ҳар бир ҳисобот даврида (чоракда) қарздан фойдаланилган кунлар сонига мутаносиб тарзда даромад ҳисобланади. Юқоридаги мисолда, қарз биринчи чоракда олиб шу чоракнинг ўзида қайтарилгани учун бутун қарз даври учун даромадни ҳисоблаймиз. Эътибор беринг: қарз бўйича даромадни қайта молиялаш ставкасининг қарз олиш санасидаги кўрсаткичидан фойдаланилади.

Қарздан фойдаланиш бўйича даромад:

$$20\,000\,000 \times 15\% : 365 \times 80 \text{ кун} = 657\,534 \text{ сўм}$$

Демак, компания фойда солиғи мақсадларида қарзга олинган маблағни 80 кун давомида фоизсиз фойдалангани учун 657 534 сўм шартли даромадни солиқ базасига қўшиши лозим.

Шартли даромад ҳисобланмайдиган истисно ҳолатлар:

- банклараро операцияларга ва кредит ташкилотлари томонидан берилган кредитлар;
- ЎзР Президентининг, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига кўра, шунингдек ЎзР норезидентлари томонидан бериладиган қарзлар;
- солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг бир иштирокчиси томонидан айна шу консолидациялашган гуруҳнинг бошқа иштирокчисига бериладиган қарзлар;

Айланмадан олинадиган солиқ

Қарздан фоизсиз фойдаланиш натижасида ҳисобланмайдиган шартли даромад суммаси айланмадан олинадиган солиқ тўловчи солиқ базасини ҳам оширади (СК 463м).

36. Банклар захира фондларининг қайта тикланиши

АБС банк томонидан захира фондларига ажратмалар қонунчиликда назарда тутилган тартибда белгиланган норманинг 80% кўп бўлмаган қисми фойда солиғи мақсадларида хара-

жат сифатида чегирилиши белгиланган. Келаси йилда бундай захираларнинг қайта тикланиши тўлиқ даромад сифатида қараладими?

Солиқ кодексининг 297-моддаси 21-бандига мувофиқ, шакллантирилиш харажатлари Солиқ Кодексининг 44 ва 45-бобларида белгиланган тартибда ва шартларда харажатлар таркибига қабул қилинган, қайта тикланган захиралар суммалари даромад сифатида эътироф этилиши белгиланган.

Ушбу банднинг банклар учун қўллаш натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин: Банклар томонидан харажатлар таркибига қабул қилинган захира фондларига ажратмалар қайта тикланиши уларнинг айна фойда солиғи мақсадларида илгари чегирилган миқдориди даромад сифатида қаралади. Қайта тикланган захиранинг 20% қисми (олдинги йилларда чегирилмаганлигини ҳисобга олиб) фойда солиғи ҳисоблашда даромад сифатида қаралмайди.

37. Солиқ маслаҳати ва солиқ комплаенс хизматлари фарқи

Солиқ маслаҳати одатда мижознинг келгуси операцияларини режалаштиришга қаратилган. Солиқ комплаенс эса ўтган даврда бўлиб ўтган операция бўйича солиқ ҳисоботини тузиб бериш ёки тузилган ҳисоботнинг тўғри эканини текшириб беришдан иборат.

Бу икки фаолият кўпинча солиқ маслаҳатчилари томонидан бир вақтнинг ўзида кўрсатилади. Демак, бухгалтерия аутсорсинг хизмати кўрсатувчи кичик компанияда солиқ ҳисоботларини тузувчи ёки йирик компанияларда солиқ ҳисоботлари билан ишловчи мутахассислар ҳам аслида солиқ маслаҳатчилари ҳисобланади. Халқаро тажрибага кўра, жуда кўп солиқ маслаҳатчилари ўз карьералари мобайнида асосий вақтларини солиқ комплаенс фаолиятига сарфлайдилар.

Солиқ комплаенс ҳам солиқ маслаҳати ҳам бир хил даражадаги техник билимларни талаб қилади. Лекин, солиқ комплаенс бўйича фаолият олиб бормаيدиган солиқ маслаҳатчиси мижознинг саволларига амалий жавоб беришга қийналиб қолиши мумкин. Чунки мижозга ечимни айтиш билан бирга ҳисоботда қайси қаторда кўрсатишни ҳам тушунтиришга тўғри келиши мумкин. Айниқса, солиқ ҳисоботлари ҳар кўз очиб-юмганда ўзгарувчи шароитда солиқ маслаҳатчилари солиқ комплаенс бўйича ҳам фаолият олиб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

38. Натура кўринишидаги даромад қандай баҳоланади?

Россия солиқ қонунчилигига кўра, жисмоний шахслар томонидан пул кўринишида эмас, натура кўринишида олинган даромадлар уларнинг ҳақиқий олинниши санасидаги бозор қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

Бизда ҳозирча бундай қоида мавжуд эмас. Бунинг ўрнига тегишли ҳолларда компания томонидан товарлар берилган пайтда товарнинг реализация нархи ва унинг таннархи ўртасидаги салбий фарқни жисмоний шахс даромади сифатида қаралмоқда (СК 376м).

Шунингдек, жисмоний шахслар ёки иш берувчилардан олинган натура шаклидаги совғалар ва даромадлар баҳосини аниқлаш бўйича аниқ кўрсатма мавжуд эмас (СК 377м).

Бу ҳолатда Солиқ кодексининг умумий қисмида келтирилган даромад тушунчаси (Нафни баҳолаш имконияти мавжуд бўлган тақдирда ва бундай нафни баҳолаш мумкин бўлган даражада ҳисобга олинмайдиган пул ёки натура шаклидаги иқтисодий наф даромад деб эътироф этилади) ҳам уни баҳолаш бўйича бирор йўлни кўрсата олмайди (СК 42м).

39. Текинга олинган мулкый хукуклар даромад ҳисобланадими?

Номоддий хусусиятга эга бўлган, пулда ифодаланган баҳога эга мол-мулкка қаратилган ва ушбу мол-мулкдан мустақил равишда, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда муомалада бўлишга қодир (олди-сотди шартномасининг объекти ёхуд шартномада ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатилган, ушбу мулкый ҳукукка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳукуқига эга бўлган, ўз мулкдоридан ўзга шахсга бошқача тарзда ўтказиш объекти бўлиши мумкин бўлган) фуқаровий ҳукук объекти солиқ солиш мақсадида мулкый ҳукук деб эътироф этилади.

Мулкый ҳукуклар жумласига қуйидагилар киради, жумладан: кредиторнинг қарздорга талаб қўйиш ҳукуқи, хўжалик жамиятининг устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш улуши, қимматли қоғозлар, муаллифнинг (ёки бошқа ҳукук эгасининг) интеллектуал мулк объектига бўлган ҳукуқи, шунингдек ҳукукларнинг замирида ётган мол-мулк билан боғлиқ, сотилиши ёки ўз мулкдоридан ўзга шахсга бошқача тарзда ўтказилиши мумкин бўлган бошқа турлари.

Солиқ кодексининг 299-моддасига мувофиқ, текинга олинган мол-мулк даромад сифатида қаралиши белгиланган. Мулкый ҳукуклар тўғрисида ушбу моддада ёзилмаган. Бундай ҳолатда бухгалтерия ҳисоби талабларига қаралади. МҲҲС стандартлари бўйича текинга олинган активлар даромад таърифини қаноатлантиради. Шундай экан, мулкый ҳукукларнинг текинга олиш фойда солиғи мақсадларида даромад сифатида қаралади.

Риск нимада?

Солиқ кодексининг 304-моддасига кўра, ЎзР Президентининг ёки ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида, шунингдек ЎзР халқаро шартномаларига мувофиқ текинга олинган мол-мулк ва хизматлар фойда солиғи мақсадларида даромад сифатида қаралмаслиги лозим. Бу қоида бўйича мулкый ҳукуклар назарда тутилмаган. Кўпчилик компаниялар ушбу ҳолат бўйича олган мулкый ҳукукларни ҳам мол-мулк сифатида қараб, даромадга киритмаган бўлишлари мумкин.

40. Мол етказиб берувчиларга аванс

Олдинроқ умидсиз қарзларнинг солиқ мақсадларида чегирилиши учун зарур шартлар бўйича тушунтириш берган эдик. Бугун солиқ маслаҳати бўйича тайёргарлик кўраётган ҳамкасбларимиздан мол етказиб берувчиларга тўланган аванслар умидсиз бўлса чегириладими деган савол ўртага ташланди.

Солиқ кодексига, умидсиз қарз «суд қарори билан мажбуриятнинг бекор қилиниши туфайли ёхуд банкротлик, тугатиш, қарздорнинг вафоти ёки даъво муддати тугаши сабабли тўланиши мумкин бўлмаган қарз» деб таърифланган.

Ушбу таърифга кўра, қарз ўз ичига мол етказиб берувчининг қарзини ҳам ўз ичига олади деб ҳисоблаш мумкин. Лекин, бундай қарзни фойда солиғи мақсадларида чегириш учун юқорида кўрсатилганидек – умидсиз қарзнинг даромад олиш билан боғлиқ бўлиши лозимлиги шарти мавжуд.

Хўш, мол етказиб берувчига берилган аванс даромад олиш билан боғлиқми? Албатта, йўқ. Бу компаниянинг даромад келтириши мумкин бўлган энг ликвид активларини (пул маблағларини) йўқотилиши дегани.

Агар компанияда бирор мулк камомадга учраса ва айбдор шахс топилмаса, бундай йўқотиш компания харажатларига олиб борилади. Бундай харажат фойда солиғи мақсадларида чегирилмайди (СК 317м 10-банд). Бошқа мисол, агар компания ўз маблағларидан бирор томонга бегараз хомийлик ёрдами кўрсатса, бундай харажат ҳам фойда солиғи мақсадларида чегирилмайди (СК 317м 7-банд).

Агар мол етказиб берувчиларга тўланган авансни умидсиз қарз сифатида чегирилишига рухсат берилса, юқоридаги икки ҳолатни, камомад ва хомийлик ёрдамни шунчаки солиққа тортилмаслиги учун айланма йўл топилган бўларди.

Худди шу каби, ходимларга берилган қарзларни қайтарилмаслиги натижасида бундай қарзнинг умидсиз бўлиши ҳам фойда солиғи мақсадларида чегирилмайди.

Юқоридаги мулоҳазалар муаллифнинг шахсий фикрларини англатади.

41. Норезидент жисмоний шахс учун имтиёз

Норезидент жисмоний шахс -Жон Макензи Ўзбекистонда жойлашган компанияга ишга кирди ва компания томонидан унинг Тошкент давлат иктисодиёт университетидаги магистратура бўйича таълим олиши учун тўғридан-тўғри контракт бўйича ўқиш пули тўлаб берилди. Ушбу даромад норезидент жисмоний шахс учун ЖШДС базасига киритиладими?

Солиқ кодексининг 369-моддаси иккинчи қисми 12-бандига кўра, компания томонидан талабаларнинг таълим олиши учун ЎЗР профессионал ва олий таълим ташкилотлари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган маблағлари жисмоний шахснинг даромади сифатида қаралмаслиги белгиланган.

Ушбу норма норезидентга қўлландими?

СКнинг 366-моддасига кўра, солиқ базаси - ЎЗР норезидентлари бўлган жисмоний шахслар учун — солиқ имтиёзлари қўлланмаган ҳолдаги жами даромадлари экани белгилаб қўйилган. Бу ерда солиқ имтиёзлари СКнинг 378-380 моддаларини назарда тутмоқда. Шундай экан, 369-моддада назарда тутилган ҳолатларнинг барчаси норезидент жисмоний шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин.

42. Суғурта товони фойда солиғига тортиладими?

Суғурта товони - бу суғурта компанияси томонидан суғурта полиси орқали қопланган ҳолда суғурта қилдирувчига тўланадиган тўлов. Суғурта товони суғурта қилдирувчига йўқотишдан кейин тикланишига ва йўқотишдан олдинги молиявий ҳолатига қайтишига ёрдам бериш учун мўлжалланган.

Тўланадиган суғурта товонининг миқдори суғурта полисининг шартларига ва зарарнинг хусусиятига боғлиқ бўлади.

Суғурта товонини солиққа тортиш

Аксарият мамлакатларда суғурта товонлари солиққа тортилмайди. Бунинг сабаби шундаки, суғурта товонлари даромад ҳисобланмайди. Бунинг ўрнига, у суғурта ходисаси натижасида йўқолган активларни ўрнини қоплаш бўйича хизмат сифатида қаралади.

Айни тажриба Ўзбекистон Солиқ кодексида ҳам кўрилиши мумкин. СК 304-моддасига кўра, суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тарзида олинган маблағлар солиқ солишда ҳисобга олинмайдиган даромад сифатида қаралади.

Шу билан бирга, СК 301-моддасига кўра, илгари чегириб ташланган харажатларнинг ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромадлар жумласига суғурта ташкилоти ёки зарар етказган шахс томонидан тўланган зарарни компенсация қилиш суммалари (бундан суғурта товони мустасно) киритилиши белгиланган.

Демак, суғурта компанияси томонидан суғурта товони ҳисобланмайдиган суммалар миқдорга тўлаб берилган тақдирда, бундай суммалар миқдор компания учун даромад ҳисобланар экан.

Хўш, бундай тўловлар қандай ҳолатда юзага келади?

Суғурта шартномасида суғурта ҳодисаси характери, суғурта товони қоплаб бериладиган ҳолатлар келтириб ўтилади. Баъзи ҳолатлар бўйича суғурта ҳодисаси характери ва суғурта товони тўлаш шартлари қаноатлантирилмаса ҳам суғурта компанияси ўз миқдорини сақлаб қолиш учун компромисс тўловини амалга оширади. Бундай тўловлар миқдор компания учун суғурта товони ҳисобланмайди ва шунинг учун жами даромадга қўшилади.

Компромисс тўлов — суғурта шартномасига мувофиқ суғурта ҳодисаси деб тан олинмаслиги ёхуд қонунчилик ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган ёки суғурта шартномаси асосида қайта суғурта қилдирувчи суғурта товонини (суғурта пулини) тўлашни рад қилиши ёки унинг ҳажмини камайтириши мумкин бўлган ҳодиса содир бўлганлиги натижасида қайта суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаши.

Мисол.

Компанияда ёнғин натижасида етказилган зарарни қоплайдиган суғурта полиси мавжуд. Компания ёнғинга учради ва суғурта компаниясига даъво аризаси билан мурожаат қилади. Суғурта компанияси дастлаб даъво ради этади, бироқ компания шикоят қилади. Охир-оқибат икки томон муроасага келишади ва суғурта компанияси низони ҳал қилиш учун компанияга маълум миқдорда пул тўлашга рози бўлади.

Компромисс тўлови солиқ мақсадларида суғурта товони ҳисобланмайди, чунки у суғурта шартномаси шартларига мувофиқ амалга оширилмаган. Бунинг ўрнига, суғурта компанияси ва суғурта қилдирувчи ўртасидаги низони ҳал қилиш учун амалга оширилган. Натижада, компромисс тўлови одатда компания учун солиққа тортиладиган даромад сифатида қаралади.

43. Номи акциз солиғи, шакли сув солиғи, моҳияти шакар солиғи

Сўнги янгиликларга қараганда, 2024 йил 1 апрелдан бошлаб таркибида шакар бўлган газланган ичимликларга 1 литр учун 500 сўм миқдоридан акциз солиғи жорий қилиниши эълон қилинди. Номи акциз деб номланаётган солиқ аслида сув солиғига ўхшаб қолган. Чунки 1 литр ичимлик учун таркибидаги шакар миқдоридан қатъий назар 500 сўм солиқ ундирилиши ишлаб чиқарувчиларни шакардан кам фойдаланишга ундай олмайди.

Халқаро тажриба

Шакар солиғи алкоғолсиз ичимликлар, энергетик ичимликлар ва спорт ичимликлар каби шакарли ичимликлар учун солиқ ҳисобланади. Шакар солиғининг мақсади одамларни рационга қўшилган шакарнинг асосий манбаи бўлган шакарли ичимликларни истеъмол қилишдан воз кечишга ундашир.

Шакар солиғи одатда литр учун олинади, шакар миқдори юқори бўлган ичимликлар учун юқори ставкалар қўлланилади. Мисол учун, Буюк Британия шакар солиғи 100 мл сувга 5г шакар бўлган ичимликлар учун хар литри учун 18 фунт стрелинг ва 100 мл сувга 8г дан ортиқ шакар бўлган ичимликлар учун хар литр учун 24 фунт стрелинг ставка қўлланади.

Шакар солиғи дунёнинг бир қатор мамлакатларида, жумладан, Буюк Британия, Франция, Мексика ва Жанубий Африкада жорий этилган. Далиллар шуни кўрсатадики, шакар солиғи шакарли ичимликлар истеъмолини камайтиришда самарали бўлиши мумкин. Мисол учун, Буюк Британияда ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатадики, шакар солиғи шакарли ичимликлар савдосининг 20% га қисқаришига олиб келган.

Умуман олганда, далиллар шакар солиғи шакар ичимликлар истеъмолини камайтириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш учун фойдали восита бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Солиқ кодексига киритилаётган ўзгаришда шакар бўйича акциз солиғини шакарли сув миқдорига эмас, ичимлик таркибидаги шакарга нисбатан қўллаш мантиқан тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз.

44. Бозорни ўрганиш бўйича хизмат учун ҚҚС

Компаниямиз Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган. Чет эллик компания учун уларнинг махсулотини Ўзбекистон бозорида сотилиши бўйича изланишлар олиб борамиз ва натижаларни ҳисобот шаклида ушбу буюртмачи компанияга юборамиз. Мазкур ҳолатда ушбу хизматлар экспорти бўйича ҚҚС тўланадими?

ҚҚСнинг солиқ солиш объекти бу реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган хизматларни реализация қилиш бўйича айланма ҳисобланади. Юқоридаги ҳолат бўйича жавоб берилиши керак бўлган савол бу хизматнинг реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси ёки йўқлигини аниқлашдир.

Бунинг учун СКнинг 241 моддасига кўра, агар хизматларнинг харидори республикамиз ҳудудида бўлиб турса ёки фаолиятини амалга ошираётган бўлса, хизматни реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳисобланади. Бироқ, агар кўрсатилаётган хизматлар СК 241- моддаси 3 қисмининг 1–10 бандларида санаб ўтилган бўлса, унда уларни реализация қилиш жойи алоҳида қоидаларга кўра аниқланади.

Бозорни ўрганиш бўйича хизматлар СК 241-моддасининг 3-қисми 9-банди бўйича «Агар телевидение ёки радиода, оммавий ахборот воситаларида ва бошқа шаклларда рекламани жойлаштириш бўйича хизматлар Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилса, унда уларни кўрсатиш ва сотиш жойи деб республикамиз тан олинади». Мазкур бандга бозорни ўрганиш хизмати тегишли эмас.

Шундай экан, бозорни ўрганиш хизматининг ЎЗР компанияси томонидан чет эл компаниясига кўрсатилиши ҚҚС солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

45. Таълим ва соғлиқни сақлашни ҚҚСга тортса бўладими?

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) - бу товарлар ва хизматлар етказиб беришнинг ҳар бир босқичида қўшилган қийматдан олинadиган истеъмол солиғидир. ҚҚСга эга бўлган аксарият мамлакатларда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари солиқдан озод қилинган.

Бироқ, ҚҚС бўйича таълим ва соғлиқни сақлашни солиққа тортадиган бир неча мамлакатлар мавжуд. Масалан, Венгрия таълим ва соғлиқни сақлашга 27% ставкада ҚҚС ҳисоблайди. Бу Европадаги энг юқори ҚҚС ставкаси. Хорватия таълим ва соғлиқни сақлашга 13% ставкада солиқ солади. Латвия таълим ва соғлиқни сақлашга 21% ставкада солиқ солади. Полша таълим ва соғлиқни сақлашга 23% ставкада солиқ солади. Руминия таълим ва соғлиқни сақлашга 19% ставкада солиқ солади. Словакия таълим ва соғлиқни сақлашга 20% ставкада солиқ солади. Словения таълим ва соғлиқни сақлашга 22% ставкада солиқ солади.

Ушбу мамлакатлар таълим ва соғлиқни сақлашга ҚҚС бўйича солиқ солишнинг бир қанча сабаблари бор. Бунинг сабабларидан бири, бу хизматлар кўпинча хусусий компаниялар томонидан тақдим этилади ва давлат бу компаниялардан даромад олиши адолатли ҳисобланади. Бошқа бир сабаб, давлат барча товар ва хизматларга, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлашга солиқ солишни адолатли деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, таълим ва соғлиқни сақлашни ҚҚС бўйича солиққа тортишга қарши бир қатор далиллар мавжуд. Масалан, бу хизматлар фуқаролар фаровонлиги учун жуда муҳим ва уларни солиққа тортиш уларни қимматлаштириши мумкин. Яна бир далил, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига солиқ солиш одамларни ушбу хизматлардан фойдаланишдан қайтариши мумкин, бу эса аҳоли саломатлиги учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиш мумкинки, таълим ва соғлиқни сақлашга ҚҚС бўйича солиқ солиш ёки солиқ солмаслик тўғрисидаги қарор ҳар бир мамлакат ўз шароитларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилиниши керак бўлган мураккаб қарордир.

46. Акциз солиғи бўйича ҳолат

Бугун акциз солиғи тўловчиси бўлган бензин, дизель ёқилғисини якуний истеъмолчиларга реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар тўғрисида сўз юритамиз. Ушбу мавзу кўтарилишига асосий сабаб фермерларга бензин ёқилғисини бераётган кластерлар кўтараётган мавзу атрофида бўлади. Ушбу солиқ мақсадларида якуний истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ олувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

Солиқ солиш объекти нима?

- бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш
- бензинни, дизель ёқилғисини ва газни ишлаб чиқарувчиси улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиши.

Солиқ базаси

Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш чоғида реализация қилинган ва (ёки) шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланилган бензиннинг, дизель ёқилғиси ва газнинг натурада ифодаланган ҳажми.

Солиқ ставкаси

Солиқ ставкаси Солиқ кодексининг 289-3 моддаси билан белгиланади. Масалан, якуний истеъмолчига реализация қилинадиган бензиннинг 1 литр учун 425 сўм/1 тонна учун 565 000 сўм.

Амалиётдаги низоли ҳолат

Компания ўз эҳтиёжи учун харид қилган бензин ёки дизель ёқилғисини кейинчалик бошқа томонга реализация қилиши акциз солиқ объектини қайта ҳосил қилади ва солиқ оқибати келтириб чиқаради. Лекин, мазкур ҳолатда компания олдин харид қилиш пайтида тўлаган акциз суммасини сторно қилиш имкони амалда мавжуд эмас (Лекин солиқ кодексида бунга қаршилиқ қиладиган норма мавжуд эмас). Бунинг оқибатида айна бир солиқ объектида икки марта солиқ солиниши юзага келмоқда. Аслида бундай реализация бўйича бир марта якуний истеъмолчига тўланган пайтда солиқ оқибати юзага келиши керак.

Рисклар: Бензин ва дизель ёқилғисини ўз эҳтиёжи учун олган компания кейинчалик уни қайта сотганда акциз солиғи ставкаси ўзгарган бўлиши мумкин. Натижада, айна шу фарқ сумма ушбу компаниядан ундирилиши мантиқан тўғри бўларди.

47. Нотижорат ташкилот қандай солиқлар тўлайди?

Амалдаги Солиқ кодексига биноан нотижорат ташкилотлар АОС тўловчи бўла олмайди (СК 461-м). Нотижорат ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади (СК 462-м).

Айна пайтда нотижорат ташкилот ўзининг уставда белгиланган фаолияти доирасида фойда солиғига ҳам тортилмайди. Юқоридаги қисқа алгоритм бўйича нотижорат ташкилотларнинг фойда солиғига тортилиши тартиби билан танишишингиз мумкин.

ЎзР резиденти бўлган юридик шахс томонидан нотижорат ташкилотларига маблағларни депозитга жойлаштиришидан тўланадиган фоизларга тўлов манбаида 15% солиқ ставкаси бўйича солиқ солинади ва бундай даромадлар олувчиларнинг солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланади.

Нотижорат ташкилотлари томонидан нотижорат фаолиятини амалга ошириш доирасида фойдаланиладиган объектлар кўчмас мулк объектлари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди (СК 411-м).

Нотижорат ташкилотлари томонидан нотижорат фаолияти доирасида фойдаланиладиган ерлар ер солиғи солиқ солиш объекти ҳисобланмайди (СК 426-м).

Нотижорат ташкилотлар томонидан нотижорат фаолиятни амалга ошириш доирасида фойдаланиладиган сув ресурслари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг солиқ солиш объекти ҳисобланмайди (СК 442-м).

48. Бозорлар ҳам солиқ тўлайдими?

Қиш мавсуми келиши билан кўпчилик юртдошларимиз кийим-кечаклар сотиб олиш учун бозорларга отланишади. Бугун ана шу бозорларга нисбатан Солиқ кодекси нормалари тўғрисида гаплашамиз.

Амалдаги солиқ кодексига мувофиқ, бозорлар ва савдо комплексларига нисбатан айланмадан олинадиган солиқ режими татбиқ этилмайди (СК 461-модда). Бозорлар ва савдо комплекслари давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Бозорларнинг асосий даромади бу жойларни ижарага бериш хизмати (шунингдек автотурагоҳ билан таъминлаш хизмати) ва реклама хизмати ҳисобланади. Бозорлар ва савдо комплексларида юқорида кўрсатилган барча хизматлар кўрсатишдан олинган фойда 20% ставкада солиққа тортилиши белгиланган (СК 337-модда). Қўшилган қиймат солиғи бўйича умумий солиқ солиш тартиби амал қилади. Мол-мулк солиғи, ер солиғи ва СРФ учун солиқ бўйича доимий солиқ имтиёзлари мавжуд эмас. Вақтинчалик солиқ имтиёзлари тўғрисида қуйида ўқишингиз мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари 2022 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда майдони 5000 квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплекслари ва меҳмонхона (жойлаштириш воситалари), шу жумладан, улар эгаллаган ер участкалари бўйича қуйидагиларга ҳақли (СК 483-модда):

- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинadиган ер солиғи бўйича солиқ ставкаларига нисбатан 0,1 коэффициентни қўллашга;
- фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида икки йил давомида мазкур биноларнинг қийматини амортизация тарзида чегириб ташланадиган харажатлар жумласига киритишга.

ЎЗР қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, савдо қоидалари мунтазам равишда бузилганда бозор (бозордаги савдо объекти) фаолияти вақтинча тўхтатиб турилиши мумкин.

Фикримизча, Ўзбекистонда бозорлар ва савдо комплексларини солиққа тортиш солиқ маъмуриятчилиги учун мураккаб ва кузатиш қийин бўлган объект сифатида қолаверади. Лекин, унинг салбий оқибатлари электрон бозор ва савдолар улуши ортиши билан камайиб боради.

49. Доимий муассаса ўзи «Муассаса»ми?

СКнинг 36-моддасига мувофиқ, чет эл юридик шахси ЎЗРдаги тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ ёки қисман қайси доимий фаолият жойида амалга ошираётган бўлса, ўша жой чет эл юридик шахсининг ЎЗРдаги доимий муассасаси деб эътироф этилади.

Lex.uz сайтида ушбу таъриф остида берилган изоҳ Сизни Фуқоролик кодексидagi 76-модда «Муассаса»га етаклаб боради. Ушбу моддага кўра, бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади.

Концептуал жиҳатдан, доимий муассаса ва нотижорат ташкилот ҳисобланадиган муассаса ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Доимий муассаса бирор ташкилий ҳуқуқий тузил-

мани эмас, солиқ солиш мақсадларидаги СТАТУСни англатади. Инглиз тилида бу тушунча «Permanent establishment» деб айтилади. Бу тушунчани ўзбек тилига таржима қилишда «Доимий тузилма» деб таржима қилинса, фуқоролик кодексидаги «муассаса» тушунчаси билан кесишиб қолмасди.

Шундай бўлса ҳам, Lex.uz бошқарувчиларидан солиқ кодексини ушбу изоҳини олиб ташлашларини сўраймиз. Суд низоларида кўпчиликни чалғитиб қўйиши мумкин.

50. Бизнес режадан ортиқча сарфланган харажатлар

Урфга киришга улгурган фойда солиғини қўшимча ҳисоблашнинг янги усули қўллангани тўғрисида бизга хабарлар келмоқда. Улардан бири компаниянинг бизнес режасида кўрсатилганидан ортиқча сарфланган харажатлар, улар СКнинг 317-моддасида кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъий назар иқтисодий асосланмаганлик важи билан чегирилмайдиган харажат сифатида қайта таснифлаш ва фойда солиғини қўшимча ҳисоблашдир.

Бизнес режа нима ўзи?

Бизнес-режа - бу компаниянинг мақсадлари, стратегиялари ва уларга қандай эришишни режалаштирадиган расмий ҳужжат. Бу жиҳатдан бизнес режа кутилаётган бозор ўзгаришлари, нархлар ва инфляция каби барча омилларни ўзида жамлай олмайди. Натижада, табиийки, режа ва ҳақиқий харажатлар ўртасида манфий ёки мусбат фарқлар юзага келиши мумкин. Масалан, бизнес режа бўйича 10 та ручкани 5000 сўмдан ҳисоблаб харажатларни баҳолаган эдингиз. Лекин ручкаларни 8000 дан харид қилдингиз. Ўртадаги 30 000 сўм (80000-50000) фарқ чегириладими? Албатта, бизнес режадан оғиш объектив сабабларга кўра юзага келмоқда.

Бизнес режа фойда солиғи харажати асослашда фойдаланиладими?

Ўй, бизнес-режа фойда солиғи харажатларини асослаш учун бевосита фойдаланилмайди. Бироқ, у солиқ мақсадларида маълум харажатларни чегириш масаласида сигнал вазифасини ўташи мумкин. Солиқ кодексининг 317-моддасидан кўрсатилган харажатлардан ташқари харажатларни чегирилиши масаласи СКнинг 305 моддасига кўра иқтисодий асосланганлиги ва ҳужжатлар билан таъминланганлигига боғлиқ.

Иқтисодий асосланганлик нима дегани?

Асосланган харажатлар деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар тушунилади. Ҳар қандай чиқимлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар деб эътироф этилади: 1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса; 2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса; 3) қонунчиликнинг қоидаларидан келиб чиқса.

III. ИБРАТЛИ ҲИКОЯЛАР ВА ЛАТИФАЛАР

1. Узоқ муддатли актив нима?

Шогирд устози пири комилдан суради: Устоз узоқ муддатли актив недур?

Устози жавоб қилди: Есангиз бир йилда тугамайдиган, тасарруфи ихтиёрингизда бўлган иқтисодий ресурсдир.

Лақма шогирд яна сўради: Устоз бундай ресурсни фойдаланган маъкулми, ёки ижарага берган маъкулми?

Устоз жавоб берди: Нима қилсангиз ҳам хужжатсиз еб юбормасангиз бўлди.

2. Солиқларни оптималлаштириш

Толиби илм устозидан сўради: Устоз солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва солиқларни оптималлаштириш ўртасидаги фарқ нимада?

Устоз жилмайиб жавоб қилди: «Солиқ солишга сабаб бўладиган операцияни амалга ошириб, кейин солиқ оқибатини камайтиришга уриниш солиқ тўлашдан бўйин товлашдир, бўтам. Солиқларни оптималлаштириш эса бундай операцияни амалга оширишдан олдин солиқ оқибатларини режалаштиришдир».

Довдир шогирд яна сўради: «Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг афзаллиги нимада?».

Устоз бироз ўйланиб жавоб қилди: «Агар солиқ тўлашда бўйин товласанг, қамокқа тушасан. Ва у ерда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод бўласан».

3. Қулупнай мавсуми қачон келаркин?

Мен табиатан қулупнайни яхши кўраман. Лекин, хозир балиқ мавсуми. Демак, балиқ тутиш учун қармоқ ва хўрак лозим бўлади. Хулоса: эътиборни хўрак топишга қаратамиз.

Ушбу ўхшатишда қулупнай бу – «Молиявий хисобот ва бухгалтерия муаммолари». Балиқ мавсуми эса «Солиққа тортишга оид муаммолар». Хўрак эса муаммоларнинг ечимидир.

Қулупнай мавсуми келгунча балиқ овлашга чоғланамиз. Айтганча, балиқ овловчилар диққатига! Таъқиқланган ва ўзингиз синамаган сув хавзаларида балиқ овлай кўрманг.

4. Солиқлар филларга ўхшайди?

Солиқлар худди филга ўхшайди. Бир кўришдан танийсан. Лекин, умрида фил кўрмаган одамлар учун тасвирлаб бериш жуда қийин. Айниқса, унинг ҳартуми (ҚҚС), бесўнақай оёқлари (фойда солиғи), калта думи (ресурс солиқлари) ва катта сурпа қулоғи (ЖШДС).

5. Топқир йигит ва доно чўпон...

Бир пайтлар кимсасиз йўл четида қўйларини боқиб юрган бир чўпон бўлган экан. Бир куни унинг ёнига тўсатдан янги BYD чинқириб тўхтади. Ҳайдовчи - Армани костюм кийган, Саламандра туфлиси, Рей-Бан куёшдан сақлайдиган кўзойнак, AppleWatch қўл соати ва Пер Кардин галстук таққан одам машинадан тушиб, чўпондан сўради: «Агар мен сизга қанча қўйингиз борлигини айтсам, улардан биттасини менга берасизми? — Чўпон йигитга қаради, сўнг ўтлаётган катта сурув қўйларга қаради ва: «Яхши» деб жавоб берди.

Йигит машинани бир четга тўхтатиб, ноутбукини интернетга улади, чолнинг юзини сканерлади ва GPS ёрдамида қўйлар ўтлаб юрган ерни ҳам сканерлади. Чолга тегишли барча ҳисоб маълумотлари базаси ва ҳисоб-фактуралар билан тўлдирилган 60 та Excel жадвали очилди. Кейин у ўзининг юқори технологияли мини принтерида 150 бетлик ҳисоботни чоп этди ва чўпонга ўгирилиб: «Сизда роппа-роса 1586 қўйингиз борми?» деб сўради. Чўпон тўғри деди. Йигит сурувдаги ҳайвонлардан бирини олиб, BYD машинасининг орқасига қўйди.

Чўпон унга қараб: «Агар касбингни тахмин қилсам, ҳайвонимни менга қайтариб берасанми?» деб сўради. Йигит: «Ҳа, албатта», деб жавоб берди. Чўпон: «Сен солиқчисан», – деди. «Қаердан билдингиз?»— деб сўради йигит. «Бу жуда оддий» - деб жавоб берди чўпон. «Биринчидан, сен бу ерга мен кутмаганда келдинг. Иккинчидан, мен ўзим билган нарсамни айтиб мendan ҳақ олдинг. Учинчидан, сен менинг бизнесим ҳақида ҳеч нарсани тушунмайсан. Акс ҳолда, қўй ўрнига машинанга кучукни юклаб олмаган бўлардинг. Энди кучукни қайтар» – деган экан чўпон.

6. Яқин қариндошлардан ҳабар олайлик

Улуғ айём кунлар яқинлашаётган бир пайтда узоқ сафарлардан уйга қайтаётган дўстларимиз, улар қаторида ўзимиз ҳам қариндошлар ҳолидан ҳабар олишимиз энг ўринли ишлардан саналади.

Солиқ кодексида ҳам яқин қариндошларга яхшилик қилишга, уларни кўнглини олишга қаратилган бир қатор моддалар бор. Уларни билиб қўйиш фойдадан ҳоли эмас, албатта.

Эътибор беринг, яқин қариндошингизга қўчмас мулк ёки автотранспорт воситасини ҳадя қилсангиз ҳам ЖШДСига тортилмайди.

7. Бухгалтернинг навбатдаги интервьюга бориши

- Салом, сизларда бош бухгалтер лавозими учун бўш иш ўрни бор экан.
- Салом, албатта шундай эълон берганмиз. Ўзи сенда тажрибанг борми?
- Ҳа, бу менинг йигирманчи интервьюга келишим

8. Солиқ аудити

Толиби илм устозидан яна сўради: Устоз нега сигирлар солиқ аудитидан ўтказилмайди? Устоз ўйланиб жавоб қилди: «Чунки, фермер уларни олдинроқ соғиб олади».

9. Бухгалтерия этикаси

Курсга бориб бухгалтерияни ўрганаётган бухгалтер бошқа бир тажрибали бухгалтердан сўради: Бухгалтер этикаси нима ўзи?

Тажрибали бухгалтер жавоб қилди: «Масалан, кеча менга бир миждозимиз келди ва кўрсатилган хизмат учун 1000\$ нақд пул тўлов қилди. Лекин миждоз кетгандан сўнг пулни қайта санасам 1100\$ чиқди».

«Ха тушундим»- деди шогирд бухгалтер шошиб – «демак, миждозга бу ҳақида айтиш этика ҳисобланади».

«Жавобинг нотўғри» - деди тажрибали бухгалтер – «сен бу воқеадан хабар топдинг. Уни бошқаларга айтиш ёки айтмаслигинг бухгалтер этикаси ҳисобланади».

10. Бухгалтерларнинг турлари

Компанияга яқинда ишга қабул қилинган бухгалтер бош бухгалтердан сўради: «Бухгалтерлар нечи хил бўлади?»

Бош бухгалтер жавоб қилди: «Бухгалтерлар уч хил бўлади. Биринчиси санашни биладиган, иккинчиси санашни билмайдиган».

Бу суҳбатни эшитиб турган молия директори бош бухгалтерга қараб «Демак сиз биринчи турга кираркансиз» деди.

Янги келган бухгалтер компаниядаги молиявий рисклар тўғрисида хулоса қилиб, жим қолди.

11. Шогирднинг баҳоси

Шогирд устозидан сўради: «Устоз сиз менга қўйган паст баҳоларингизни дадамга солиқлар тўлов манбаида чегирилиб қолгандан кейинги баҳо деб тушунтирсам бўладими?»

Устоз жилмайиб жавоб қилди: «Шогирд бу тушунтиришинг ўтмайди деб қўрқаман. Отангни ҳам мен ўқитганман. Олинган баҳолар солиқ объекти эмаслигидан ҳабари бор»

Муғонбир шогирд деди «Устоз у ҳолда кундаликни яшириб қўяман».

Устоз хўрсиниб жавоб қилди «Эҳ болам, отанг сендан кўра яхшироқ ўқиган. Ҳисоб хужжати яшириш 20% жаримага сабаб бўлишини билади. Сенга маслаҳатим, янги киритилган ўзгаришдан фойдалан. Яъни баҳоларни бўлиб-бўлиб ёки кечиктириб олиш шарт билан қўйилган дейишинг мумкин».

12. Luckin Coffee можароси...

Сўнгги пайтларда жаҳон бозорида кўплаб бухгалтерия можаролари юзага келмоқда. Диккатга сазоворларидан бири Luckin Coffee можаросидир.

Luscin Coffee - бир вақтлар 10 млрд доллардан кўпроқ баҳоланган Хитой кофе тармоғи ҳисобланади. Бироқ, 2020 йилда Luscin кенг тарқалган бухгалтерия фирибгарлиги билан шуғуллангани маълум бўлди. Компания ўз тушумларини 2019 йил давомида 300 млн долларга ошириб кўрсатган. 2020 йилда юз берган пандемия чакнаган учқунни янада аланга олишига сабаб бўлган.

Luscin Coffee можароси бир қатор оқибатларга олиб келди. Биринчидан, бу инвесторларнинг Хитой компанияларига бўлган ишончини ларзага келтирди. Иккинчидан, Хитой компанияларининг молиявий ҳисоботларининг ишончилиги ҳақида саволлар туғдирди. Учинчидан, бу Хитойда бухгалтерия амалиётини қатъий тартибга солиш талабларини келтириб чиқарди.

Luscin Coffee можароси бухгалтерия ҳисобидаги фирибгарликка ҳатто йирик ва кўринишидан муваффақиятли бўлган компаниялар ҳам йўл қўйиши мумкинлигини эслатиб туради. Инвесторлар ҳар қандай компанияга сармоя киритишда юзага келадиган рисклардан хабардор бўлишлари ва сармоя киритишдан олдин уларни тегишли текширувдан ўтказишлари муҳимдир.

13. Молиявий ҳисобот

Қитмир шогирд устозидан сўради: «Устоз шунча молиявий ҳисоботларни эълон қилишдан мақсад нима ўзи?»

Устоз деразадан NestOneга қараб жавоб қилди: «Инвесторларни жалб қилиш, албатта»

Шогирд деди «Устоз у ҳолда халқ IPOси орқали инвесторларни жалб қилиш учун молиявий ҳисоботлар ўзбек тилида ҳам эълон қилиниши керак эмасми?».

Устоз шошганда сўз топа олмай шунчаки «Пока не надо» деб жавоб қилди

14. Солиқчи ва дерматологнинг фарқи...

Солиқчи ва дерматологнинг фарқи шундаки, иккиси ҳам терини текширади, лекин дерматолог терини жойида қолдиради...

Марк Твин

15. Аудитор ким?

Шогирд устозидан сўради: «Устоз аудитор ким ўзи?»

Устоз жавоб қилди: «Аудитор ёнғин бўлган жойга ҳамма воқеалар тугагандан кейин қелган, лекин ёнғиннинг сабабини суриштириб юрган ўт ўчирувчига ўхшайди».

Шогирд яна сўради «Устоз, аудиторлар нима учун йўлни кесиб ўтишда югуриб ўтишади?».

Устоз шогирдининг қизиқувчанлигидан хурсанд бўлиб жавоб қилди «Чунки улар рискларни ўтган даврдаги воқеаларга асосан баҳолашади. Йўл кесиб ўтишда эса уларда бундай тажриба илгари бўлмаган бўлади».

Шогирд бир қизиқ савол топгандай сўради: «Устоз, аудитор холис эмаслигини қаердан билса бўлади?».

Устоз қўл соатига бир қаради ва охириги саволми бу дегандай жавоб қилди: «Аудитор телефонда миждоз компания билан гаплашганда «Сизларни бирор марта уялтирмаганмизку» дейишидан нохолис эканини билиш мумкин».

16. Ҳисоботни топшириш санаси

Шогирд устози пири комилдан сўради: Устоз молиявий ҳисоботларни қачон топширган маъқул?

Устоз бироз уйланиб жавоб қилди: «Агар ҳисоботинг бир тийинга қиммат бўлса, уни топширмаган маъқул, акс ҳолда регуляторга қулоқ сол».

Шогирд шошиб яна сўради: «Устоз ҳисоботнинг бир тийинга қимматлигини қаердан билсам бўлади?» .

Устоз жавоб қилди: «Кишилар фаросатсизлик қилиб, миллий стандартга мувофиқ ҳисобот тузадилар ва уни ҳалқаро стандарт шаклида тақдим этадилар».

17. Устознинг ўгити

Шогирд устозидан сўради: Устоз фойда солиғи ҳисоботини нима учун йилда тўрт марта топшираман?

Устоз бироз уйланиб жавоб қилди: «Агар ҳисобот хар ойда топширилса, бухгалтерга оғир бўлади. Агар йилда бир марта топширилса, солиқчиларга оғир бўлади».

Устоз шогирднинг солиқ ҳисоботларига қизиқишини кўриб деди: «Хохлайсанми, мен сенга солиқларни зўр ҳисоблаш орқали бой бўлишни ўргатаман» .

Шогирд жавоб қилди: «Устоз нега унда ўзингиз бой бўлмайсиз».

«Чунки менга ўргатадиган устоз йўқда» деярниш устоз.

18. Профессional этика замирида халоллик ётадим...

У аудитор эди. Ёши катта бўлса ҳам бухгалтерни кўрқитишни биларди. У навбатдаги аудит объектига борди. Компания бухгалтери саранжом тўғри ишлагани кўриниб турарди. Лекин у камчилик топиши керак. У пайтлар ҳисоб-фактуралар электрон эмасди. Бундай ҳужжат топилмаслиги оқибати фактура суммасига тенг молиявий жарима келтириб чиқарарди.

У ҳужжатлар орасидан катта суммадаги ҳисоб-фактурани шунчаки йиртиб олди. Гижимлаб чўнтакка солди. Кейин бухгалтерни чақирди ва айнан ўша фактурани сўради. Ранги оқариб кетган бухгалтер нима қилишини билмасди. У бугун бундай ғирромчиликдан бироз пул ҳам ишлаб олди.

Уйга қайтишда катта бозорлик қилди. Шу пайт уйдан кўнғироқ бўлди «Дадаси, боламиз автохалокатга учради». Унинг қўлидаги бозорлик халталари ер билан битта бўлди. Гижимланган фактурага кўз ёшини артди.

19. Футбол бўйича жаҳон чемпионати

Шогирд шу кунларда футбол келажаги билан қизиқиб қолди ва устозидан сўради «Устоз, жаҳон чемпионатига чиқишимиз учун нима қилиш керак?»

Устоз бир ўйланиб жавоб қилди «Агар бизнинг жамоа ҳужумчилари ўрнига тажрибали ва сертификатга эга бўлган бухгалтерларни қўйсақ албатта натижа бўларди».

«Ия, устоз»- сўради шогирд – «Нега бухгалтерлар».

Устоз жавоб қилди: «Чунки улар жуда яхши алдайди, қолаверса инглиз тилини ҳам билади».

20. Аудиторнинг хикояси

Бир пайтлар Улуғбек исмли ёш йигит бўлган. У ёшлигидан рақамларга жуда қизиқарди. Бир куни Улуғбекнинг отаси унга аудит ҳақида гапириб берди, яъни аудит бу молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун текширишни ўз ичига оладиган касб эканини тушунтирди. Улуғбекни аудиторлик касби қизиқтириб қўйди ва у катта бўлганида аудитор бўлишни ният қила бошлади.

Улуғбек мактабда қаттиқ ўқиди ва математика ва бошқа аниқ фанлардан яхши баҳо оларди. Шунингдек, у ўз мактабининг фаолияти ҳисобини юритиш учун мактаб бухгалтерига ёрдам бериш учун кўнгилли бўлди. Сўнгра бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик йўналишида университетни тамомлади. Университетни тугатгач, у йирик аудиторлик ташкилотига аудитор бўлиб ишга кирди. У қаттиқ меҳнат қиларди ва аудит бўйича кўп нарсаларни ўрганди. Шунингдек, у қўплаб қизиқарли одамлар билан учрашди ва бутун дунё бўйлаб саёҳат қилиш имкониятига эга бўлди.

У аудиторлик ишини яхши кўрарди. Улуғбек корхоналарга молиявий маълумотларнинг тўғрилигини таъминлашга ёрдам беришни ўзининг бош мақсади деб қўйган эди. Бир куни Улуғбек фирибгарликда гумон қилинган компаниянинг молиявий ҳисоботларини текширишига тўғри келиб қолди. У компания куйи бўғинида ҳақиқатан ҳам фирибгарлик мавжудлиги бўйича далил топди. Улуғбек ўз хулосаларини компания акциядорларига маълум қилди ва компания ўз акциядорларига компенсация тўлашга мажбур бўлди. Улуғбекнинг иши акциядорларни молиявий йўқотишлардан ҳимоя қилишга ва компания ўз ҳаракатлари учун жавобгар бўлишини таъминлашга ёрдам берган эди.

21. Дарахт бир жойда кўкарадимми?

Шогирд бир мақолни моҳиятига етолмай сўради «Устоз, дарахт бир жойда кўкарадимми?»

Устоз жавоб қилди «Шундай. Лекин қадим замонларда бу мақолни ишчилар ишдан кетиб қолмаслиги учун тўқиб чиқарганмиз».

«Ия, устоз»- сўради шогирд –«Демак, бу мақол бухгалтерларга тўғри келмас эканда».

Устоз жавоб қилди: «Шогирд, бу мақол сўнгги пайтларда технология ривожланиши билан дарахтларга ҳам тўғри келмаяпти».

22. Нима учун солиқ тўлаш керак?

Юқоридаги саволга АҚШ сенатори Элизабет Варрен қуйидагича жавоб берган эди

«Бу мамлакатда ҳеч ким ўз-ўзидан бойиб кетгани йўқ. Ҳеч ким. Сиз бу ерда завод қурдингиз – бу сиз учун яхши. Лекин мен очиқ бўлишни хоҳлайман. Сиз товарларни бозорга йўллар орқали ташидингиз, йўллар учун қолганлар пул тўлади. Сиз ишчиларни ёллагингиз, қолганлар эса ўқини учун пул тўладилар. Қолганлар пул тўлаган полиция ва ўт ўчириш кучлари туфайли сиз фабрикангизда хавфсиз эдингиз. Талончилар келиб, фабрикангиздаги ҳамма нарсани тортиб олишлари мумкинлигидан хавотирланишингиз шарт эмас эди. Энди қаранг. Сиз завод қурдингиз ва у ажойиб гояга айланди - Аллоҳ рози бўлсин! Топганларингизни сақланг. Бироқ, асосий ижтимоий шартноманинг бир қисми - топганларингизни бир қисмини олиб, тугиладиган авлод учун тўловни амалга оширишингиз шарт».

23. Шоушенкдан қочиш

«Шоушенкдан қочиш» драматик фильм, Стивен Кингнинг «Шоушенкдан қочиш» романига асосланган. Унда банкир Энди Дюфрен (Тим Роббинс) ҳақида ҳикоя қилинади, у ўзининг айбсизлигини даъво қилишига қарамай, хотини ва унинг севгилисини ўлдирганликда айбланиб, Шоушенк штатидаги қамоқхонада умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Кейинги йигирма йил давомида у маҳбус ҳамкасби Эллис Реддинг (Морган Фриман) билан дўстлашади ва қамоқхона бошлиғи бошчилигидаги пул ювиш операциясида муҳим рол ўйнайди.

Фильмда бухгалтерия ҳисоби муҳим рол ўйнайди, чунки Энди ўз маҳоратини назоратчи ва бошқа кўриқчиларга солиқ тўлашда ёрдам бериш учун ишлатади.

Фильмда бухгалтерия ҳисоби қандай қўлланилишига оид баъзи аниқ мисоллар:

- Энди назоратчи ва бошқа кўриқчиларга солиқ тўлашда ёрдам бериш учун бухгалтерия қобилятидан фойдаланади. Бу унга уларнинг ишончи ва ҳурматини қозониш имконини беради, бу эса қамоқхона ичида унга кўпроқ эркинлик ва имтиёзлар беради.
- Энди ўзининг бухгалтерия ҳисоби бўйича билимидан маҳбусларга молиявий ёрдам бериш учун фойдаланади. У уларга ўз маблағларини бюджетлаштиришга ва уларни оқилона сармоя қилишга ёрдам беради. Бу уларнинг моддий аҳволини яхшилашга ва қамоқдан озодликка тайёрланишларига ёрдам беради.
- Энди қамоқхонадан сохта ҳисоб-фактуралар яратиш ва назоратчи учун пул ювиш йўли билан пулларни ўзлаштириб олади. Бу унга катта бойлик тўплаш имконини беради, у ўзи ва бошқа маҳбусларга ёрдам бериш учун фойдаланади.
- Энди қамоқхона ҳисобининг мураккаб оламини ўрганиб чиқиши унинг ақл-заковати ва чидамлилигидан далолат беради.

Охир-оқибат, Энди қамоқдан қочиш ва янги ҳаёт бошлаш учун ўзининг ҳисоб-китоб қобилятидан фойдаланади. Бу шуни кўрсатадики, бухгалтерия ҳисобидан фойдаланаётган шахснинг ниятига қараб, яхшилик ёки ёмонлик учун фойдаланиш мумкин

24. Айиқ билан чумоли

Бир пайтлар бир айиқ бўлган экан. Айиқ жуда удабурон ва муваффақиятли экан. Унинг катта дўкони ва кўплаб мижозлари бор экан. Бироқ, у молиявий аҳволини кузатиб боришда бепарво экан. У тез-тез пулини режалаштирмасдан сарфлар, баъзан эса мижозларидан тўлов олишни унутиб қўяракан.

Бир куни айиқ унга молиявий маслаҳат ва ёрдам бериши учун ҳисобчи ёллашга қарор қилди. Бунинг учун шу сохани яхши эгаллаган чумолини ишга ёллади. Чумоли ўз ишини жуда яхши биларди, тез фурсатда айиқнинг маблағларини тартибга солиб қўйди. Барча дебитор ва кредитор қарзларини рўйхатини тузиб, айиққа тақдим этадиган бўлди. Айиқ чумолининг ишидан жуда хурсанд эди. Энг қизиғи, чумолига ойлик тўлашидан ташқари ҳам олдингидан кўра анча кўп фойда ола бошлади.

Қиссадан хисса: Ушбу масалнинг ахлоқий томони шундаки, яхши ҳисоб тизимига эга бўлиш муҳимдир. Яхши бухгалтерия тизими даромад ва харажатларингизни кузатишга ёрдам беради, шунингдек, молиявий қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Нима учун айик: Айиклар кучи ва чидамлилиги билан машхур. Улар озик-овқат топиш ва сақлаш қобилияти билан ҳам машхур. Бу уларни бизнесда муваффақиятга эришиш учун кучли ва чидамли бўлиши керак бўлган савдогарларни яхши тавсифлайди.

Нима учун чумоли: Чумолилар ўзларининг меҳнатсеварлиги ва тафсилотларга эътибор беришлари билан машхур. Шунингдек, улар жамоа бўлиб бирга ишлаш қобилияти билан ҳам машхур. Бу уларни ўз ишларида муваффақиятга эришиш учун меҳнатсевар ва деталлар билан ишлай оладиган бухгалтерларни яхши тавсифлайди.

25. Ўрмон аудити

Бир пайтлар тез қарор қабул қилиш қобилияти билан танилган бир гуруҳ тажрибали бўрилардан ташкил топган ўрмон аудити жамоаси бор экан. Улар ҳар доим ўз ишларини тезда бажаришга интилар эканлар.

Кунларнинг бирида айикнинг кичик бизнесини ўрмон аудитидан ўтказиш учун ўша бўрилар жамоаси ташриф буюрибди. Улар бизнеснинг ҳисоботларида шубҳали деб ҳисобланган бир қанча аслида чегирилмайдиган харажатларни пайқашибди. Қўшимча текширувларсиз, ўз қарашларига асосланиб бизнесни ўрмон ғазнасига катта миқдорда жарима тўлашга қарор чиқаришибди.

Бундан айиквой асло ташвишланмас, чунки у харажатларни иқтисодий асосланган ва қонуний эканини билар эди. Бироқ ўрмон аудити ходимлари фикрига қарши суд орқали курашишга вақти ва маблағи йўқ эди.

Шунда у ўзининг тажрибали ва камтар ҳисобчиси – чумолига мурожаат қилади. Чумоли ҳисоботларни ва ўрмон аудити актини солиштириб кўрди ва тезда бўрилар хатоларини аниқлади.

Кейин чумоли айикнинг бизнеси номидан ўрмон аудити ходимлари билан музокаралар олиб борди. У бўриларнинг қарори асоссиз экани ва бизнес ҳисоботлари тўғри тузилганига ишонтира олади. Айик чумолининг ёрдами учун миннатдорчилик билдиради. У ўрмон аудити масалаларида албатта малакали бухгалтернинг вакил бўлиши муҳимлиги ҳақида қимматли сабоқ олган эди.

Масалнинг ахлоқий томони: Кўпинча компанияга келган аудит ёки солиқ текширувчилари ўз ишларини тезда яқунлаш учун босим остида бўлишади. Бу уларнинг хато қилишига олиб келиши мумкин. Бундай масалаларда сизнинг бизнесингиз номидан вакиллик қиладиган малакали бухгалтер ёки солиқ маслаҳатчисига эга бўлиш жуда муҳим.

26. Янги директор

Ўрмонда бир нечта дўконлар занжирини ҳосил қилган айиквой эндиликда ҳам бошқарув ҳам бизнес эгаси сифатида стратегик қарорлар қабул қилиш учун вақт тополмай қолганди. Шунинг учун бошқарув салоҳиятига эга ва узоқни кўра олидиган бир директор ёллашни мақсад қилди. Бу ишга лойик бири сифатида асаларилар жамоаси бошлиғини танлаб олди. Чунки у ташкилотчи ва ғайратли эди. Шундай қилиб, асалари компаниянинг кундалик фаолиятини юритиш учун масъул бўлди, айиквой эса йиллик молиявий натижаларни кўриб чиқадиган бўлди.

Асалари раҳбарлигида компания жадал ривожланди, дўконлар сони ва тушум миқдори янада ошди. Бироқ, компания катталашгани сайин, айиквой асаларининг ҳаддан ташқари кучли бўлиб бораётганидан хавотирлана бошлади. Натижада, айиквой компаниянинг қарорларини қабул қилиш жараёнига аралаша бошлади ва директорнинг ҳар бир қарорини муҳокама қиладиган бўлди.

Бу аралашув асаларининг компанияни самарали бошқаришини қийинлаштирди. Асалари ўзини ҳафсаласи пир бўлганини ва камситилганини ҳис қилди ва компания фаолияти ёмонлаша бошлади. Бир куни асалари айиквой билан учрашиб, бу муаммоларни муҳокама қилди. Асалари компания бўйича қарорлар қабул қилишда аниқ ваколат доираси зарурлигини, бизнес эгаси бўлган айиквой эса компания номидан қарор қабул қилишда директорга ишониши лозимлигини тушунтирди.

Айиквой асаларига кўпроқ мустақиллик керак деган фикрга келди, аммо у ҳали ҳам компания устидан назоратни йўқотишдан хавотирда эди. Асалари мурасага келишни таклиф қилди, яъни айиквой янги дўконларни очиш, жойларни танлаш ва йирик таъминотчиларни танлаш каби муҳим қарорларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлади, аммо асалари бошқа барча қарорларни қабул қилишда мустақил бўлади. Айиқ бу мурасага рози бўлди ва компания фаолияти сезиларли даражада яхшиланди.

Мазкур масал бизга компанияни бошқариш учун масъул бўлган одамларга ишониш муҳимлигини ўргатади. Агар бизнес эгалари директорни микро даражада бошқарса, бу нотўғри қарор қабул қилиш ва иш фаолиятини пасайишига олиб келиши мумкин.

27. Мутахассис фикри

Айикнинг дўконлар занжирини муваффақиятли бошқариб келаётган асалари ўз фаолиятини энг устасига айланганига ишониб туғёнга кета бошлади. У жуда мағрур эди ва у ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмасман деб ўйларди.

Бир куни асаларининг бухгалтери бўлган чумоли унинг олдига келиб: «Жаноб бош директор, мен молиявий аҳволимиздан хавотирдаман. Биз ишлаб топганимиздан кўра кўпроқ пул сарфляяпмиз ва келажак учун етарлича пул жамғармаяпмиз»-деди. Асалари шунчаки кулиб деди: «Бу ҳақида ташвишланма. Мен ҳаммасини назоратга олганман. Мен нима қилаётганимни биламан.» Чумоли асалари билан мулоҳаза юритишга уринди, лекин у қулоқ солмади. Чумоли компания муаммога дуч келаётганини билар эди, лекин уни тўхтатиш учун ҳеч нарса қила олмади.

Устига-устак бир ой ўтгач ўрмонда вирус тарқалди ва пандемия туфайли кўп дўконлар фаолиятини тўхтатишга тўғри келди. Асалари ходимларни ишдан бўшатишга ва активларни сотишга мажбур бўлди. Компаниянинг акциялари нархи кескин пасайиб кетди ва айиквой асаларини охир-оқибат ишдан бўшатди.

Асалари бу ишдан ўзига катта сабоқ олди. У бухгалтернинг маслаҳатига эътибор бермаслик нотўғри эканлигини тушунди. У ўзининг атрофида яхши жамоага эга бўлиш ва мутахассисларнинг маслаҳатларини тинглаш муҳимлигини билиб олди.

Ҳикоянинг ахлоқий томони: Мутахассисларнинг маслаҳатларини тинглаш жуда муҳим, айниқса молияни бошқариш ҳақида гап кетганда. Яхши ҳисобчи Сизга молиявий қарорлар қабул қилиш ва қиммат хатолар олдини олиш учун ёрдам бериши мумкин.

28. Уятчан бухгалтер

Кадрлар бошқармаси бошлиғи директордан хайратланиб сўради: «Жаноб директор, бош бухгалтеримиз жуда хам уятчан ва хуш муомала бўлиб қолди. Лекин шунга қарамай ишдан бўшаш учун ариза ёздилар. Бунинг сабаби нимада?»

Директор деди: «Яқинда компаниямизда солиқ текшируви ўтказилди. Шунинг учун бош бухгалтеримиз 150,000 долларлик уятда. Шундан уялиб ишдан бўшамокда».

29. Ўрмондаги маслаҳатчи тулкилар

Айиқнинг бизнеси катталашгани сайин бизнесни назорат қилиш қийинлашиб борарди. Шу билан бирга йирик бизнес учун ўрмон қонунчилиги талаблари ўзгара бошлаганди. Янги ўзгаришлар бўйича айиқнинг бизнеси йирик бизнес таркибига ўтказилганди. Бу орада ўрмонда ушбу ўзгаришлар бўйича маслаҳат берувчи тулкилар пайдо бўлди. Тулкилар кичик нарсаларни хам ваҳимали қилиб ўрмонда жар солишар ва барчани ўзига қаратиб, шу ўзгаришдан бир икки сўм ишлаб олиш пайида эди. Лекин айиқ ўз бухгалтери чумолига ишонар ва унинг профессионал қобилиятидан хавотир олмас эди. Чумоли айиққа ўшбу ўзгаришлар солиқ ҳисобига бирор таъсири йўқлиги тўғрисида батафсил тушунтириб берди.

Бу орада тулкилар Ўрмонтелеком компаниясига ўзларининг ваҳимали маслаҳатини ўтказишга улгуришибди. Афсуски, бир тийинга қиммат маслаҳат йиллар ўтиб бу компания томонидан сарфланган пуллар осмонга учганидан хабар топган айиқ ўз бухгалтеридан яна бир бор миннатдор бўлган экан.

Ҳикоянинг ахлоқий жихати шундаки, Сиз кимга ишонишингизга эҳтиёт бўлишингиз керак, айниқса сохта маслаҳатчилар ҳақида гап кетганда.

30. Босиб келган қадамларингизга хасан от

Ўзбегим ўзи қизиқ, ўзидан сўзи қизиқ. Масалан, барча ишчилар ишга бориш учун ўз чўнтакларидан пул сарфлаб ишга боришади. Борган ишчиларни директор «Қадамларингизга хасан от» деб кутиб олади. Лекин, жисмоний шахсларнинг даромад солиғини ҳисоблашда «Хасан от хам хусан от хам йук». Харажатларга тушиб қолаверасиз.

Бу харажатларни бизнес коплаб бериши мажбур қилинишини иложи йук. Лекин, кўпчилик давлатларда бизнес учун қилинган жисмоний шахснинг харажатлари хужжатлар билан тасдиқланган бўлса, даромад солиғи базасидан чегирилади. Кимдир иш ҳақини ярмини йўл кирага сарфлаши мумкин. Бу ҳолатда жисмоний шахснинг ялпи даромадини солиққа тортиш берилган ваъда «Хасан от»га тўғри келмаяпти...

Маълумот учун: Хасанот дегани «Яхшилиқлар» маъносини билдиради.

31. Бойўғли – сертификатланган ички аудитор

Айиқнинг ўрмондаги чакана савдо бизнеси «Сават» МЧЖ гуллагандан гуллади. Бизнес йириклашиб, компаниядаги ички назоратни ҳолис баҳолайдиган ички аудиторга эҳтиёж сезила бошлади. Буни яхши тушунган айиқ бош директор асаларини чақирди. Асалари бу қа-

рордан биров жакли чикканди. Хар холда ўзига нисбатан ишончсизлик деб ўйлади. Лекин, айикнинг қарорини бажаришда бошқа чораси йўқ эди.

Ички аудитор сифатида ўрмондаги катта чинор дарахтида яшайдиган бойўғли ишга қабул қилинди. Бойўғли ўзининг ўткир нигоҳи ва бир қарашда хар томонни кўра олиши билан машхур эди. У молиявий ҳисоботлардаги қонунбузарликларни топишга устаси фаранг эди ва у хаққонийлик ҳамда холисликка интиларди.

Бойўғли компанияда ишни бошлаган пайтдан бошлаб нимадир нотўғри эканлигини ҳис қилди. У компаниянинг молиявий ҳисоботларини кўриб чиқишдан бошлади. У тезда пул оқими тўғрисидаги ҳисоботда номувофиқликни пайқади. Компания томонидан ишлаб топилган пул маблағлари ва банк ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағлари ўртасида катта фарқ бор эди.

Бойўғли компаниянинг ҳисоб-фактуралари, квитанциялар ва бошқа молиявий ҳужжатларни кўздан кечирди. Шунингдек, у ходимлар ва бўлим бошлиқлари билан суҳбатлашди.

Бир неча ҳафта давом этган аудитдан сўнг, бойўғли ниҳоят катта фирибгарлик схемасини фош қилди. Бир гуруҳ бўлим раҳбарлари йиллар давомида компания томонидан сотилган ўрмон ёнғоқлари пулларини мавжуд бўлмаган компанияларга ўтказиб келишган. Улар турли усуллардан фойдаланган, жумладан, сохта ҳисоб-фактуралар яратиш ва молиявий ҳисоботларни сохталаштириш. Бойўғли ўз топилмалари билан бўлим бошлиқларини қарши олди. Улар дастлаб ҳамма нарсани рад этишди, аммо мавжуд далиллар бўйича бўлим бошлиқлари ишдан бўшатилади ва фирибгарликда айбландилар.

Бойўғлининг меҳнати ва фидойилиги туфайли компания ўғирланган пулларни қайтариб олишга муваффақ бўлди.

Бойўғлининг ҳикояси ички аудиторлар бизнесни фирибгарликдан ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнашини эслатиб туради.

32. Зумрад ва Қиммат эртаги

Бир бухгалтер қизига Зумрад ва Қиммат эртагини айтиб бераркан. Айни Зумрад ертўладан қизил сандиқни олиб чиққач, қизи сўради: Бу сандиқ Зумрад учун қандай даромад ҳисобланади?

Отаси жавоб қилди: Зумрад кампирнинг уйида ишларкан, кўп меҳнат қилди. Лекин кампир билан меҳнат шартномаси йўқ эди. Шунинг учун бу даромад меҳнатга хақ тўлаш тарзидаги даромад эмас, балки моддий наф тарзидаги даромад ҳисобланади. Бундай даромад солиққа тортилади.

Қизи мавзуга қизиқиб яна сўради: Қимматнинг олган сандиғичи?

Ота жавоб қилди: Қиммат кампирга бирор наф келтиргани йўқ. Қолаверса, кампирнинг овқатларини еб қўйди. Шунинг учун бу оқ сандиқни Қимматнинг бошқа даромади таркибидаги натура шаклидаги совғага киритамиз ва ЖШДС бўйича имтиёз қўллаймиз.

«Ия, отажон Зумрад шунча меҳнат қилиб, яна солиққа тортилса, Қиммат умуман ишламай имтиёзга эга бўлса, бу қанчалик хаққоний бўлади?» – сўради қиз.

Ота қизининг зехнидан хурсанд бўлиб жавоб қилди: «Қизим солиқ солишда иккита қоида бор. Биринчиси, солиқ механизмидан мантиқ қидирма! Иккинчиси, Солиқ кодексда бошқача назарда тутилмаган бўлса, биринчи қоидага қара!»

33. Чорвачиликда бошқарув

Қўй ва сигирларни бошқаришнинг энг яхши йўли уларни ўтлоққа қўйиб юборишми?

Чорвачилик соҳасида қўй ва сигирларни кенг яйловлар билан таъминлаш самарали усул сифатида эътироф этилган. Ушбу ҳайвонларга кенг ўтлоқларга кириш ҳуқуқини бериш орқали улар бузғунчи хатти-ҳаракатларга камроқ мойил бўлади. Ушбу тамойилни компания ҳаётига тадбиқ қилинса ҳам жуда яхши натижалар олиб келиши Шунгури Сузуки тажрибасидан маълум.

Компанияда ходимларга эркинлик ҳуқуқини бериш орқали компаниялар ижодкорлик, инновация ва фаоллик маданиятини ривожлантириши мумкин, бу эса самарадорликни ошириш ва умумий компания муваффақиятига олиб келади.

Компанияни бошқаришда «Ўтлоққа қўйиб юбориш» ёндашуви қуйидаги асосий тамойилларга урғу беради:

Ишонч ва ҳурмат: Эркинликнинг асоси ишонч ва ходимларнинг қобилиятлари ва ҳиссаларини ҳурмат қилишда ётади. Менежерлар ўз жамоа аъзоларини оддий ишчилар сифатида эмас, балки компания мақсадларига мазмунли ҳисса қўшишга қодир бўлган қимматли активлар сифатида кўришлари керак.

Аниқ режа ва мақсадни белгилаш: Эркинлик бериш билан бирга, ҳар бир ходим учун аниқ режа ва мақсадларни белгилаш жуда муҳимдир.

Ваколат бериш ва эгалик қилиш: эркинлик фақат топшириқ беришдан ташқарида бўлиши керак. Ходимлар ўз ишларининг натижаларига инвестиция қилинганлигини ҳис қилишлари ва уларнинг масъулият соҳаларига таъсир қиладиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Узлуксиз ўрганиш ва ривожланиш: ходимларни узлуксиз ўрганиш ва ривожланиш имкониятларига шароит яратиш лозим. Уларнинг касбий ўсишига йўналтирилган бу сармоя нафақат уларнинг имкониятларини оширади, балки ташкилотнинг уларнинг ривожланиши ва муваффақиятига содиқлигини кўрсатади.

«Ўтлоққа қўйиб юбориш» ёндашувини амалга ошириш компаниянинг фикрлаш тарзини ўзгартиришни, қаттиқ назорат тузилмаларидан ишонч, ваколат ва жавобгарлик маданиятига ўтишни талаб қилади. Натижада, компания ва унинг жамоаси биргаликда гуллаб яшнайди.

34. Йирик компанияга бош бухгалтер керак

Биз ўзимизнинг йирик компаниямиз учун бош бухгалтер изламоқдамиз. Мазкур лавозим бўлажак номзоддан бухгалтерия ва солиқ солиш соҳаларида «пиҳи қайрилган» бўлиши талабидан ташқари бир қанча сифат меъзонларига жавоб беришларини талаб қилади.

Номзодга талаблар:

- Ойлик маошга эмас, карьерага ўч бўлиши;
- Рахбар нима деса шуни лаббай деб бажара олиши;
- Қўл остидагиларни зарур пайтда ақл билан ишдан четлата олиш;
- Рахбар билан иложи бўлса қариндошлик алоқалари билан боғланган бўлиши.

Афзал кўриладиган жиҳатлар:

- Виждон мавжуд эмаслиги ва унча-мунча нарсаларга кўз юмиш;
- Маъсулият ва бажарувчанликни паст бўлиши;
- Бегона овқатларни ўз музлаткичида сақлай олиш қобилияти

35. Аудиторнинг «қулоқлик» қилиши тўғрими?

Азамат Тошкентнинг гавжум кўчасида таниқли молиявий фирмада ҳисобчи-аудитор сифатида ўз карерасини бошлади. Унинг ўз ишига иштиёқи баланд, ишдаги одоб-ахлоқи бенуқсон ва ахлоқий меъёрларга содиқлиги билан жамоада ажралиб турарди.

Кунларнинг бирида Азамат биотехнология соҳасида ўсиб бораётган йирик мижознинг молиявий ҳисоботларида бир қатор номувофиқликларга дуч келди. Рақамлар бир-бирига тўғри келмасди ва номувофиқликлар потенциал фирибгарликнинг қизил байроқларини кўтарганди. Унинг иш берувчига содиқлиги ва ахлоқий меъёрларга риоя қилиш бурчи ўртасидаги аросат Азаматни жуда қаттиқ ўйлантириб қўйди.

Бир томондан, фирибгарликни фош қилиш унинг карерасини хавф остига қўйиши ва бу соҳадаги обрўсига путур етказиши мумкин. Уни маълумот тарқатувчи «қулоқ», чақимчи одам деб аташлари мумкинлигини ўйларди. Бу унинг келажакдаги истиқболига раҳна солиши мумкинлигидан ташвишда эди. Ахир, отаси, онаси ва оиласи ундан қанча катта умидлари бор. Шу билан бирга ўзи ишлайдиган компания обрўсига ҳам путур етиши мумкин, бу эса мижозларни йўқотиш ва унинг ҳамкасблари учун молиявий қийинчиликларга олиб келиши мумкин деб ҳисобларди.

Бошқа томондан, қоидабузарликларга эътибор бермаслик унинг профессионал одоб принципларига тўғри келмасди. У ўз сўзини айтиш, инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва молиявий тизимнинг яхлитлигини таъминлаш учун маънавий мажбуриятга эга эди.

Уйқусиз кечадан кейин Азамат виждонига қулоқ солишга қарор қилди. У синчковлик билан тўплаган далилларни қайта текширди ва ўз хавотирларини ва фирибгарликнинг мумкин бўлган оқибатларини баён қилиб, батафсил ҳисобот тайёрлади.

У ўз топилмаларини ўз рахбарга тақдим этар экан, юраги тез уриб кетди. Юзига отилиши мумкин бўлган ҳисоботи ва сўкишларни эштишга ўзини тайёрлади. Ажабланарлиси шундаки, унинг ҳисоботи душманлик билан эмас, балки ҳайрат ва мижозга нисбатан норозилик билан кутиб олинди. Азаматнинг бошлиғи зудлик билан ички текширув ўтказди ва вазиятни тўғирлаш учун тезкор чоралар кўрди.

Азаматнинг жасорати ва ахлоқи нафақат катта молиявий йўқотишларнинг олдини олди, балки фирма ва бухгалтерлик касбининг яхлитлигини қўллаб-қувватлади. Унинг хатти-ҳаракатлари ахлоқнинг мажбурият эмас, балки ишонч ва ҳурматнинг пойдевори эканлигини кўрсатди.

Виждон инсоннинг қаерида жойлашганини аниқлашга фан ожизлик қилмоқда. Лекин, унинг бор ёки йўқлиги Сизнинг хатти-харакатларингиздан маълум бўлади.

36. Бахшининг дарди

Бир бахши акамиз фирмаси учун офис мақсадида сотиб олган биносини кадастр қилиш учун 7 ой югуриб кадастр қилдириб, энди хотиржам бўлганда, ўтган 7 ой учун ер ва мол-мулк солиғи бўйича талабнома юборган солиқчига қараб айтган қўшиғи: @#%&*^@#%^

Қўшиқни айтиб ўзига келган бахшининг кадастр хужжатини ҳам бир текшириб қўйиш керак деб ўйлаб, қараса беш этажли бинони 7 этажли қилиб расмийлаштириб қўйган кадастр мутахассисига айтган қўшиғи: @#%&*^@#%^

Эътибор беринг қўшиқнинг матни бир хил...

37. Денгиз сувини ичиб юбордим

Машхур файласуф Эзопнинг масаллари қўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Ушбу масалларда бирини манфаатли бўлиши учун бироз ўзгартиришлар билан тақдим қиламиз. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи Эзопнинг хўжайини ўз компаниясини текширишга келган солиқ текширувчиларига уддабуронлик билан жавоб берарди.

Компания худудидаги денгиз суви қуриб қолганини сезган текширувчи сувга нима бўлганини сўради. Хўжайин ўйланиб туриб бутун денгиз сувини ичиб юборганини айтди ва жисмоний шахс ичган суви солиқ солиш мақсадларида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базаси эмаслигини уқтирди.

Уддабурон текширувчи олдинги текширув давридан (5 йил олдин) ҳозирги давргача бўлган кунлар сонини ва бир киши бир кунда ўртача ичиши мумкин бўлган сув ҳажмини бир-бирига кўпайтирди. Натижага кўра, хўжайин шунча денгиз сувини 1000 дан бир қисмини ҳам ича олмаслиги исботланди. Боши қотган хўжайин Эзопга юзланди.

Эзоп аввало компания бирор маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича шуғулланмаслигини, компания фақат инсонларга молиялаштириш хизматини (банк хизматларини) кўрсатишини таъкидлаб ўтди. Қолаверса, фикрини исботи сифатида денгиз суви шўр бўлишини ва унинг бирор иқтисодиёт тармоғида ишлатиш учун чучук сувга айлантириш зарурлигини ва компанияда бундай ускуна йўқлигини айтиб ўтди. Сўзи якунида, денгизга дарёлар сувлари келиб қўшилмаётгани ва сув парланиб кетганини баён қилди.

Текширувчилар Эзопнинг жавобларини асосли деб топдилар ва компания бутун денгиз сувига ҳисобланадиган солиқдан қутилиб қолди.

Хулоса: мавжуд фактларни моҳиятига етмасдан туриб ўз фойдангизга хулоса чиқарманг. Саволларга холислик билан ҳам жавоб топиш мумкин.